

ИСКАНДАРОВА ГУЗАЛ ТУЛКИНОВНА
ЮЛБАРИСОВА ФОЗИЛЯ АБДУЖАЛИЛОВНА

ПОЛИГРАФИЯ КОРХОНАЛАРИДА
МЕҲНАТ ГИГИЕНА МАСАЛАЛАРИ
ВА СОҒЛОМЛАШТИРИШ
ЧОРА ТАДБИРЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ЙЎЛЛАРИ

Монография




Тошкент 2022

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ
САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ТИББИЕТ АКАДЕМИЯСИ**



**ИСКАНДАРОВА ГУЗАЛ ТУЛКИНОВНА
ЮЛБАРИСОВА ФОЗИЛЯ АБДУЖАЛИЛОВНА**

**ПОЛИГРАФИЯ КОРХОНАЛАРИДА МЕҲНАТ
ГИГИЕНА МАСАЛАЛАРИ ВА
СОҒЛОМЛАШТИРИШ ЧОРА
ТАДБИРЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ЙЎЛЛАРИ**



Тошкент 2022 й.

Искандарова Г.Т., Юлбарисова Ф.А. Полиграфия корхоналарида меҳнат гигиена масалалари ва согломлаштириш чора тадбирларини такомиллаштириш йўллари. – Монография-Т.: 114 бет

Монографияда республикамиздаги полиграфия корхоналаридаги ишловчилар меҳнат шароитлари, унинг ташкил этилганлиги, полиграфия саноати корхоналарида вужудга келувчи ва ишловчилар саломатлигига таъсир этувчи омилларни комплекс ҳолда ўрганиш ва улар билан ишловчилар ишлаш қобилияти ҳамда саломатлиги орасидаги ўзаро боғлиқлик қонуниятларини ўрганиш асосида меҳнат шароитини оптималлаш, ишнинг оғирлиги ва кескинлигини камайтириш, иш қобилиятини ошириш ва ишловчилар саломатлигини сақлашга қаратилган илмий асосланган профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш масалалари ёритилиб берилган. Шунингдек, полиграфия корхоналаридаги технологик жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари, унда ҳосил бўладиган заарли омилларнинг вужудга келиш қонуниятлари ўрганилиб, ишлаб чиқариш муҳитининг санитар-гигиеник баҳолаш натижасида янги маълумотлар олинган.

Монография меҳнат гигиенаси врачлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш муаммолари билан шуғуланадиган мутахассислар учун мўлжалланган.

Такризчилар:

- М. А. Мирзакаримова -** Санитария гигиена ва касб касалликлари илмий тадқиқот институти лаборатория мудири, б.ф.д.
Н. О. Ахмадалиева - Тошкент тиббиёт академияси, Атроф мухит гигиенаси кафедраси доценти, т.ф.д.

Монография Тошкент тиббиёт академияси илмий кенгашидан 2022 йил 30 мартағи 8-сонли баеннома билан тасдиқланди.

КИРИШ

Полиграфия соҳаларидаги илмий техника тараққиётининг ривожланиши, механизация ва автоматизациянинг мукаммаллашуви, корхонага янги технологик жараёнларни татбиқ этилиши, бажариладиган ишларни жисмоний зўриқишини пасайтиришга, ишни ташкил этилишини ўзгаришига, иш шароитларини яхшиланишига, ишловчилар касалланишларни камайишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида ишлаб чиқариладиган маҳсулотни сифат ва миқдор жихатидан самарасини ошишига сабаб бўлади [8]. Кейинги 10 йиллар ичида полиграфия корхоналарида янги прогрессив технологик жараёнлар ва техникалар билан жихозланиш ишлари амалга оширилди, булар инсон организмига ноқулай омиллар таъсирини камайтиришга ва меҳнат шароитларини соғломлаштирилишига ижобий таъсир этади [2,3].

Ижобий оқибатлар ичида полиграфия саноатидаги харф териш жараёнида қўрғошиндан фойдаланиш тугатилди. Бу эса ўз навбатида ушбу саноат соҳаси ишловчилари орасида қўрғошин билан заҳарланиш ҳодисаларнинг йўқолишига олиб келади. Янги технологик жараёнлар фақат шакл бериш цехларида эмас, балки босма цехларида ҳам кенг кўлланилиб, меҳнат шароитлари соғломлаштирилади. Аввалги қўлда харф териш ўрнига фототериш машиналари фойдаланилмоқда, натижада ишлаб чиқаришдаги чарчаш камайиб, ишлаб чиқариш самараси юқори даражада бўлмоқда [7,34]. Бундан ташқари босма маҳсулотларини муқовалаш жараёнларида автоматлаштирилган линияларини йўлга кўйилган бўлиб, ишчилар меҳнат оғирлиги камайди.

Полиграфия саноатларида содир бўлаётган замонавий ўзгаришлар юқорида қайд этилган ижобий оқибатлар билан бир қаторда гигиеник нуқтаи назардан қатор ҳал этилиши зарур бўлган муаммоларни вужудга келтириб чиқаради. Буларга: бажариладиган ишларни кўпроқ ақлий меҳнат тусини олиши; янги техника ва технологик жараённи тадбиқи натижасида ишни

ташкил этилишини ўзгариши; ишлаш жараёнида ишловчиларга таъсир этувчи омилларни мураккаблашуви киради. Масалан: Клавиатурали видеотерминал техникаларни татбиқ этилиши операторлик фаолиятининг ошиши, бу эса ўз ўрнида кам харакатлиликни келиб чиқишига, ишнинг кескинлигини ортишига, монотония ҳолатини пайдо бўлишига, кўз анализаторларининг ва локал мушакларнинг юкламасини ошишига олиб келади [12,31]. Корхоналардаги ишлаб чиқариш мухити омилларни хосил бўлиш шароитлари ва организмга таъсири тўлиқ ўрганилмаган.

Иссиқ иқлимини ҳисобга олган холда шу соҳада ишловчиларнинг организмини функционал ҳолатини баҳоловчи ҳамда уларнинг саломатлик ҳолати хақида маълумотлар етарли эмас. Шунинг учун ҳозирги кунда меҳнат гигиенаси соҳасидаги олимлар олдига иш жараёнини оғирлиги ва кескинлиги бўйича, меҳнат шароити тавсифи бўйича фарқланувчи турли касбий гуруҳларда ишловчиларнинг умумий ва касбий касалликларини келиб чиқиш сабабларини ўрганиш ва уларни камайтириш, асаб эмоционал зўриқишлиар ва чарчаши олдини олиш, меҳнат шароитларини яхшилаш, ишловчиларни саломатлигини сақлаш, меҳнат қобилиятини оширишга қаратилган профилактик чоралар ишлаб чиқишидек долзарб муаммоларни хал этиш вазифалари мавжуд. Полиграфия саноати корхоналарида бажарилаётган ишларни, ишни ташкил этилганлигини ва иш шароитларини ишловчилар саломатлигини комплекс холда ўрганилган ишлар умуман ўтказилмаган. Ишлаб чиқариш мухити омилларини хосил бўлиш шароитлари тўлиқ ўрганилмаган. Иссиқ иқлимини ҳисобга олган холда шу соҳада ишловчиларни организмини функционал ҳолатини баҳоловчи ҳамда саломатлик ҳолати хақида маълумотлар етарли эмас. Ноқулай меҳнат шароити тез чарчаш, меҳнат қобилиятини пасайиши, ишлаб чиқаришнинг камайиши, каслланишни ортишига асосий сабаб бўлиб, ишловчилар саломатлигига ва Давлат иқтисодига катта зарар келтиради [10,11]. Шунинг учун меҳнат шароитларини яхшилаш,

ишлиб чиқаришда соғлом мухитни яратишга, меҳнат интизомини мустахкамлашга, бажарилаётган ишга қизиқиши кучайишига, ишловчиларни меҳнат қобилиятини ошишига олиб келади. Меҳнат жараёнларининг оғирлиги ва кескинлиги, меҳнат тавсифи бўйича фарқланувчи, касбий гурухларнинг кўплиги билан боғлиқ мураккаб ишлиб чиқариш шароитида ишловчиларни умумий ва касбий касалликларни камайтиришга қаратилган профилактик чора-тадбирлар комплексини ишлиб чиқиш гигиена соҳасидаги мутахассисларнинг асосий вазифасидир [1,32]. Янги қурилмалар ва технологик жараёнлар тависифини ҳисобга олган холда, полиграфия корхоналарида ишловчиларни саломатлигини саклаш ва меҳнат шароитларини яхшилашга қаратилган комплекс гигиеник ва физиологик текширувларни ўtkазиш зарурятини туғдиради.

Юқорида айтиб ўтилганлар мавзунинг долзарблигини кўрсатади ва шу илмий текширувни ўтказишга асос бўла олади. Ўзбекистон Республикаси иқлими шароитида биринчи маротаба замонавий полиграфия корхоналарида асосий касбий гурухлар бажарадиган ишларнинг оғирлиги ва кескинлиги, ишлиб чиқариш мухитида заарли ва ҳавфли омилларни кўрсаткичларига комплекс гигиеник баҳо берилади. Олинган маълумотлар асосида бажариладиган ишлар, меҳнатни ташкил этилиши, иш шароитларини шаклланишлари орасидаги қонуниятлар аниқланиб, ишловчиларни саломатлигини саклаш, иш қобилиятини оширишга қаратилган илмий асосланган, ишни оғирлиги ва кескинлигини камайтиришга, ишни ташкил этилишини оптималлаштиришга ва иш шароитларини яхшилашга қаратилган замон талабига жавоб берувчи чора тадбирлар ишлиб чиқарилади.

Ўзбекистон иқлими шароитида полиграфия саноати корхоналарида вужудга келувчи ва ишловчилар саломатлигига таъсир этувчи омилларни комплекс холда ўрганиш ва улар билан ишловчилар ишлаш қобилияти хамда саломатлиги орасидаги ўзаро боғлиқлик қонуниятларини ўрганиш асосида меҳнат

шароитини оптималлаш, ишнинг оғирлиги ва кескинлигини камайтириш, иш қобилиятини ошириш ва ишловчилар саломатлигини саклашга қаратилган илмий асосланган профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиши.

I-БОБ. МУАММОЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ ХОЛАТИ

1.1. Эски технологияли полиграфия ишлаб чиқариш корхоналаридаги меҳнат жараёнининг гигиеник ўзига хос хусусиятлари

Замонавий илмий билимларнинг ривожланиши корхоналардаги ишчи муҳит камчиликларини енгиш билан бирга чарчоқни ривожланиши ва касб касалликларни юзага келишидан огоҳлантиради, ҳамда шахс саломатлигини сақлаш билан бир вақтда унинг иш қобилиятини оширишга ёрдам беради. Нашр қилинган адабиёт маълумотларини таҳлил қилинганда полиграфия корхоналаридаги эски технологияли иш шароити билан бир вақтда замонавий технологияли ишлаб чиқариш жараёнининг меҳнат шароитлари, у ердаги ишчилар организмига таъсир этувчи омиллар, физиологик ўзгаришлар, иш жараёнининг оғирлиги ва зўриқсанлигининг гигиеник асосларига алоҳида аҳамият қаратилди. Полиграфия корхоналарида фаолият олиб борувчи асосий ишчиларнинг меҳнат шароити бир неча заарли ишлаб чиқариш омиллари яъни, ишчи муҳит ҳавосини чанг ва газлар билан тўйинганлиги, шовқин, ёритилганликни етишмаслиги билан характерланади [20]. Полиграфия корхоналари ишчиларининг меҳнат гигиена масалалари у, ёки бу ишлаб чиқариш омилларига ёки унинг касалланиш таҳлилини касаллик синфини ҳисобга олган ҳолда ўрганишда муҳим аҳамиятга эга [14,15]. Ҳорижий [30,31,32,33,34] ва маҳаллий [1,6] олимлар изланишлари натижасида ўрганилган ишлаб чиқаришдаги энг асосий носоз омил, ишчи зonasининг чангланганлик ва газланганлик даражаси эканлиги аниқланди. Адабий манбаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, чанг ва кимёвий омил билан боғлиқ иш шароитини ўрганиш ўтган асрнинг 70–80 йилларида олиб борилган, чунки шу даврда ишлаб чиқаришнинг бу тармоғи яхши ривожланган эди. Аммо нашр қилинган материаллар камчиликни ташкил этар ва борлари ҳам ташаббускор ишланмалар қўринишида эди [4,6,7].

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда шуни таъкидлаш керакки, адабиёт манбаларининг таҳлилида полиграфия корхоналаридағи ишчи зonasининг чангланганлик ва газланганлик даражаси технологик жараёнга, фойдаланиладиган хом ашё турига ва шу билан бирга ҳаво алмашиниш курилмаларининг иш самарадорлигига боғлиқ [16,18].

Гальваник жараёнларни ўрганиш бўйича олинган синамаларнинг 22% да хром ангидриднинг микдори РЭМ дан 1,3-3,0 марта ортиклиги; 14,8% да эса, хром ангидридни микдори меъёрнинг юқори чегараси даражасида эканлиги маълум бўлди. Ҳаво муҳитида хром ангидрид моддасининг мавжудлиги тери қопламасини канифолью билан ифлосланишига олиб келади. Бу эса ишчиларда турли тери касалликлари, бронхиал астма ва бошқа аллергик касалликларни юзага келтиради [17,19]. Цинк ёрдамида ёзиш бўлимларида ишчи зона ҳавосида азот оксидининг юқори микдори аниқланган. Аммо шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, ишчи муҳити фақатгина техника хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаган ҳолатларда ёки технологик жараённи қўпол бузилишида, ҳамда кислоталарни ташиб келтиришдаги хатоликлар туфайли бузилади. Юқоридаги моддалар билан бир қаторда иш зонасида қоғоз чанги, турли бўёклар ва турли кимёвий моддаларнинг аэрозолларини ҳам аниқлаш мумкин. Бу моддаларни атроф муҳитга тарқалишида асосий манба бўлиб, босма машиналари, бўёқ аппаратлари ва қоғоз тортиш ҳамда сахифалаш агрегатлари ҳисобланади [21,25]. Олиб борган текширувлар шуни кўрсатадики, муқоваларни тайёрлаш цехида чангнинг микдори 1 дан 15 мг/м³ гача, эканлиги ва қоғоз тайёрлаш цехида бу кўрсаткич иш кунининг якунига бориб 0,5 дан 10,5 мг/м³ гача ўзгариши кузатилади [26,27]. Муаллифларнинг фикрига кўра чангнинг асосий манбаси қоғоз-картон маҳсулотларини қайта ишлаш машиналари ва қоғоз кесиш ҳамда блокларини қайта ишлаш агрегатлари ҳисобланади [22]. Нашр маҳсулотларига кўра ишлатилган бўёқнинг 5% и ҳавога тарқалади. Нашр маҳсулотларини тайёрлашда бўёқларнинг таркиби муҳим гигиеник аҳамиятга эга. Улар ўз таркибida канцероген моддалар,

углеводородли бирикмалар, бўёқлар, олеин кислотали минерал мойлар ва бошқаларни тутади [17,19]. Полиграфия саноатида ҳосил бўладиган қурум барча турдаги кора бўёқларни тайёрлашда асосий пигмент бўлиб хизмат қиласди. Таркибидаги асосий қисмини метан ташкил этувчи табий газларни ёкиш натижасида олинган қурум асосий нашр бўёғи сифатида ишлатилади. Қурумнинг асосий таркибий қисмини углерод (94,5-99,8%), оз микдорда водород (0,1-1,0%) ва кислород (0,1-1%) ташкил этади [17,18]. Полиграфияда янги нашр қилинган босма нусхаларига ялтироқ тус бериш мақсадида баъзи холларда таркибида “олтин” (73% мис, 26% рух, 1% қалай қотишмаси) ва “қурум” (тоза алюминий) бўёқларидан фойдаланилади.

Корхонада бўёқ валлари, бўёқ резервуарларини ва босма формаларини ишга тайёрлаш мақсадида улар бензин, керосин, сквидар, ацетон каби кимёвий моддалар билан ювилади. Босма жихозларини ишлашида ишчиларнинг нафас олиш зонасида кимёвий моддаларнинг концентрациясининг меъёридан ортиши мумкин. Булардан ташқари типографиянинг тор, зичлаштирилган шароитларининг иш сменаси тезкор алмашинуви содир бўладиган жойларда CO_2 газининг микдорини ортганлигини қўриш мумкинлиги аниқланган [28, 29]. Китоб фабрикаларидан бирида олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, босма махсулотларини назорат қилиш бўлимида бир одам учун ажратилган иш ўрнининг ўлчами меъёрдан 2,5 марта кам бўлиши, иш кунининг охирига бориб иш жойларида CO_2 гази микдорининг ортишига олиб келади. Иш бошлангандан бир соат ўтгач CO_2 газининг микдори 0,16% ни кўрсатса, тушлик танаффусида бу кўрсаткич 0,23%, иш сменасининг сўнгига эса 0,25% ни ташкил қилиши аниқланган. Шу аснода шуни таъкидлаш лозимки, полиграфия корхоналаридаги ишчи зона ҳавосининг ифлосланиш муаммоси тўлиқ ўрганилмаган, буни келтирилган маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Бундай ҳолат корхонадаги кимёвий омилларни муҳим ва зарурый ҳавфли омил сифатида ўрганиб чиқишимизга асос бўлади. Маълумки полиграфия саноатида банд бўлган

ишчиларда чанг билан боғлиқ бўлган касб касалликлари деярли учрамаган .Маълумки баъзи чанг турлари бактериал ифлосланиш ташувчиси бўлиши, организмнинг умумий қувватини камайтириши ёки микрорганизмлар учун яхши озука муҳити бўлиб хизмат қилиши мумкин . Полиграфия корхоналари ишлаб чиқариш бўлими ҳавоси таркибига у ерда ишлатилувчи хомашёдан турли хил чанг заррачалари тушиши мумкин. Бу ерда қофозли, картонли, бўёкли, из тушмасликка қарши қўлланиладиган агрегат чанглари, мойли ва бошқа заррали чангларни учратиш мумкин. Изланишлар натижасига кўра, чангланишнинг юқори даражаси муқова тайёрлаш цехида аниқланди. Бу ердаги турли иш ўринларида чангнинг концентрацияси 1,0 дан 15,0 мг/м³ гача бўлиши, иш сменасининг якунида эса бу кўрсаткич янада ортиши кузатилади. Қоғоз тайёрлаш цехида чанг концентрацияси 0,5 дан 10,5 мг/м³ гача бўлиши маълум бўлди . Ўз аҳамиятига кўра ишлаб чиқаришдаги заарли омиллардан яна бири бу ишлаб чиқариш шовқинидир. Шовқиннинг даражаси ва характеристики ишлаб чиқаришдаги технологияни ўзгариши, янги машина ва механизmlарнинг қўлланиши билан ўзгариб боради. Полиграфия саноатидаги ишлаб чиқариш қувватининг ортиши, юқори тезликка эга бўлган машиналарнинг яратилиши цехларда шовқин даражасининг ортишига олиб келади. Олиб борган изланишлар шуни кўрсатадики, цехлардаги шовқин асосан механик зарбалар таъсиридан, тишли ва занжирли преслаш қурилмаларидан, мос бўлмаган механизmlар ҳаракати, носозликлардан ва ишчи юзаларининг бир-бирига ишқаланишларидан ҳосил бўлар экан.

Юқори частотали шовқинни корхонадаги турли пневмосистемалар, бўёқ юқишига қарши ишлатиладиган ва вакумли қурилмалар вентиляция тизимлари, пневмотранспорт, цех ичидаги транспорт ва бошқа ёрдамчи қурилмалар ҳосил қиласи. Полиграфия ишлаб чиқариш корхонасида олиб борилган кўп сонли текширувлари натижаларига кўра бўлим ва ишлаб чиқариш худудларининг таснифини таклиф этди. Мазкур таснифга кўра биринчи гурухга шовқин интенсивлигининг даражаси 90 дБА дан

юқори бўлган бўлимлар, яъни ҳарф терувчи автоматлар, ўрамли ротацион ва сахифалаш машиналари; иккинчи гурухга ўртacha шовқин даражаси 85-90 дБА бўлган варақли ротацион машиналар хонаси, брашюра-муқова жихозлари сакланувчи хоналар; 3-гурухга кам шовқин ҳосил қилувчи, яъни шовқин даражаси 85 дБА бўлган, қатор терувчи машиналар, программаловчи аппаратлар ва бошқа қолган барча техника сакланувчи хоналардан ҳосил бўлаётган шовқинлар киради. Бир қатор муаллифлар томонидан полиграфия саноатида ҳосил бўладиган шовқин ва вибрацияни ўрганиш мақсадида асосий жараёнларда кўп сонли текширишлар ўтказилган. Сатр териш машиналари иш жойларида шовқинни спектрал таҳлили РЭД дан бир неча марта ортиклиги бир қатор муаллифлар томонидан ўрганилган .

Паст частотали шовқиннинг даражаси меъёридан 3-9 дБ ортиклиги, ўрта частотали шовқин эса 17 дБ ортиклиги ва юқори частотали шовқин меъёрдан 20-27 дБ гача ортиклиги аниқланган. Бу турдаги шовқиннинг асосий манбаси ҳаракатланувчи линотиплар, матн теришда фойдаланиловчи матрицалар ҳисобланган. Бу ерларда шовқин манбаси бўлиб клавиатура зарбларининг товуши, перфолентадаги нина ҳаракати, клавиатурали техниканинг пневматик қурилмаларидағи сиқилган ҳаво бўлиб ҳисобланган. Энг шовқинли машиналардан бири сахифалаш машиналаридир. Пичоқли-касета ва сахифалаш машиналаридаги шовқинни спектрал таҳлили шуни кўрсатадики, шовқин кўрсаткичи бу ерда меъёридан барча спектрлар бўйича юқори. Паст частотадаги (63-250 Гц) шовқин кўрсаткичи 5-21 дБ, ўрта частотада шовқин кўрсаткичи (500 Гц да) - 21 дБ, юқори шовқин кўрсаткичлари 26-34 дБ эканлиги маълумотларни текшириш натижасида маълум бўлди [24]. Пичоқли сахифалаш машиналарда ишловчи ишчилар ўринларида барча диапазондаги шовқинлар турли кўрсаткичларини кўрсатади, унинг даражаси: паст диапазонда 8-13 дБ, ўрта диапазонда 17-19 дБ, ва юқори диапазонда 19-26 дБ. Энг юқори кўрсаткичлар касетали машиналарда аниқланган бўлиб, ўрта частотада (35-40 дБ) ва

юқори частотада (27-37 дБ) кўрсаткичларни беради. Брошюра-муқовалаш жиҳозларини ишлатилишида ҳам шовқин даражаси юқори натижаларни кўрсатади. Ипли тикиш машиналарини ўзи тахловчи мослама билан жиҳозланиши шовқин даражасини ортишига сабаб бўлади. Шовқинни энг юқори кўрсаткичи “НШ-6” типидаги машиналарда юзага келади, улардаги абсолют катталик 94 дБА га, қоғозни кесиш автомат машина “Полимат” устида олиб борилган текшириш натижасида ҳам шовқин даражаси меъёрдан 6 дБ юқорилиги аниқланди.

Полиграфия саноатида юқоридаги ишлаб чиқариш элементларидан ташқари қўл билан бошқарилиш ва кучли диққатни талаб этувчи элементлари (мусаххих, ретушер, назорат-ажратиш бўлимлари) мавжуд бўлган тизим мавжуд бўлиб, уларга алоҳида, гигиеник талаблар қўйилади. Булар қаторида шундай иш ўринлари жойлашган хоналарда қўшимча ёрдамчи жиҳозлар жойлаштирилади ёки турли коммуникациялар ўтказилади. Булар эса қўшимча шовқин манбаси бўлиб ҳисобланади. Масалан: ретушер хоналарида қуриткичлар жойлаштирилади, улар эса вентелятор билан жиҳозланади. Мана шу вентелятордан ҳосил бўлаётган шовқин ретушерларга иш куни давомида таъсир кўрсатади. Бундай шовқиннинг абсолют кўрсаткичи 58-62 дБА ни ташкил этади ва бу кўрсаткич меъёрдан 8-12 марта юқори. Ҳосил бўлаётган бундай юқори кўрсаткич асосан ўртacha частотали шовқин ҳисобига мос келади. Шундай қилиб товуш босимининг меъёрий даражаси 250 Гц да 6-10 дБ, 500-1000 Гц частотада 7-13 дБ ни ташкил қиласи. Олиб борилган изланишлар натижалари саноқ машиналарининг барча диапазон спектридаги шовқин босимининг орттирилишини тасдиқлайди. Энг юқори диапазондаги шовқин частотаси 1000-8000 Гц гача бўлганлигини бу эса шовқин меъёридан 10-20 дБ га ортиқлиги аниқланди.

Полиграфия саноатида зарарли омиллар сифатида тебранишнинг аҳамяти ҳам сезиларли даражада. Баъзи ҳолларда босма машиналари, қоғоз кесиш машиналарининг ишлаш жараёнида тебранишнинг босувчи курилмаларини бўлмаслиги

шу худудда тебранишни меъёридан ортиқ ҳосил бўлишига олиб келади . Олиб борилган изланишлар полиграфия саноатида асосий тебраниш ҳосил қилувчи манбаларни аниклаш имконини берди. Бундай жихозларга: босма машиналари, сахифалаш машиналари, қофоз қирқиши машиналари, ипли тикув машиналар, турли пресслар, турли кўринишдаги шаклли жихозлар, масалан цинкли кесувчи станоклар киради. Булардан ташқари, вибрация манбаси бўлиб, санитар-техник қурилмалар, вентеляторлар, компрессорлар, кондекционерлар, баъзи ҳолларда эса цех ичи транспорти ҳам ҳисобланиши мумкин. Полиграфия қурилмаларининг бирламчи қуввати ва иш хажмининг кўпайиши кўп ҳолатларда машиналарнинг динамик юкламасини ортишига сабаб бўлади. Бунинг оқибатида эса инсонга тебранишнинг таъсири ортади, бу эса маълум шароитларда нокулай холатларга олиб келиши мумкин . Олиб борилган текширишлар шуни таъкидладики, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган шовқинни аниклашда, омилнинг йўл қўйилган меъёрий даражаси, унинг таъсир вақти ва иш фаолиятини турини инобатга олиш зарур.

Маълумки, ишлаб чиқариш муҳитидаги микроиклим инсон организмига ҳамда ишчиларнинг ишлаб чиқариш унумига ўзининг сезиларли таъсирини кўрсатади [11, 13, 24]. Микроиклиминг энг асосий компонентларидан бири, бу ишлаб чиқариш бўлимларидағи ҳарорат ҳисобланади. Полиграфия корхоналари цехларидағи максимал иш унумдорлигини таъминловчи оптималь ҳарорат ёз ойлари учун $18\text{--}25^{\circ}\text{C}$, қиши ойлари учун $17\text{--}22^{\circ}\text{C}$ ни ташкил қилади . Шу турдаги корхоналар ишлаб чиқариш цехларидағи ҳарорат режимиning ўртача кўрсаткичлари меърий кўрсаткичларга мос келади. Демак, масалан муқова тайёрлаш цехларида йилнинг иссиқ даврида ҳарорат $22,9^{\circ}\text{C}$, совук даврда эса 21°C бўлса; қофоз тайёрлаш ва муқовалаш цехларида бу кўрсаткич $20,4$, $20,0^{\circ}\text{C}$ ва $23,3$, $21,3^{\circ}\text{C}$ ни ташкил қилади. Полиграфия саноатида худди шу холатни кузатишимиз мумкин, яъни технологик жараёнга таъсир этувчи нисбий намликни ўзгариши босма сифатини бузилишига ва носоз

максулотлар ҳосил бўлишига олиб келади. Нисбий намлик холати оптимал параметрлар билан баҳоланади (30-60%). Ҳавоси кондесионерлаштирилмаган цехлар ҳавосидаги нисбий намликка келадиган бўлсак, уларнинг даражаси асосан ташки мухит намлик даражасига боғлиқ. Чунончи ротацион цехда нисбий намликнинг ўртача кўрсаткичи 22-50% гача, муқова тайёрлаш цехида 23-49% гача ни ташкил этади. Нисбий намликнинг стабил кўрсаткичлари босмани қоғозга тушириш цехи (58-59%) ва офсет босма цехида (48-55%) аниқланди. Олинган маълумотлар шуни кўрсатди, нисбий намлик цехнинг турли нуқталарида 1 дан 4% гача фарқ қиласи [13]. Ишлаб чиқариш жараёнига таъсири туви омиллардан энг муҳимлардан яна бири бу ҳаво ҳаракат тезлигидир. Ўрганилаётган цехлардаги ҳаво ҳаракат тезлиги йилнинг илиқ ва совук даврида турлича натижаларни кўрсатади. Йилнинг илиқ даврида кўпинча ишлаб чиқариш цехларида бу кўрсаткич совук даврга нисбатан бир мунча паст натижаларни кўрсатади. Масалан, ротацион цехда бу кўрсаткич илиқ даврда 0,2-0,4 м/сек, совук даврда эса 0,2 м/сек натижаларни кўрсатди. Офсет цехи бундан истисно бўлиб, бу ерда ҳаво ҳаракат тезлиги йилнинг совук даврида ҳам 0,4-0,5 м/сек натижаларга эга бўлди. Шу цехдаги баъзи иш ўринларида эса бу кўрсаткич 0,7-0,8 м/сек эканлиги текширувлар натижасида маълум бўлди. Шунга алоҳида эътибор бериш керакки, ҳаво массаси ҳаракатининг тезлиги цех бўйлаб нотекис тарқалган. Бир-бирига яқин жойлашган турли иш ўринларида ҳаво ҳаракатининг тезлиги кўрсаткичи катта фарқ билан турли натижаларни кўрсатади. Чунончи босма цехида бир иш ўрнида бу кўрсаткич 0,8 м/сек натижасини кўрсатди.

Цехлардаги нокулай меҳнат шароити кўпгина ҳолларда ишлаб чиқариш цехлардаги вентиляция тизими иш самарасини пастлиги натижасида юзага келиши текширишлар натижасида ўз исботини топди. Бу эса цех ҳавосида зарарли кимёвий моддаларни тўпланишига, айниқса цех ҳавосида ис гази микдорини ортишига олиб келади .

Полиграфия саноатида буни инобатга олиш янада мұхимрок, чунки бу ишлаб чиқариш жараёнида бир қатор кимёвий моддалар, яғни кислоталар, ишқорлар, қүрғошин ва башқа моддалар ишлатилади. Аниқланишича ишлаб чиқариш цехларидаги ҳавони газланганлик даражасини ўртача күрсаткичи йўл қуйиладиган даражадан ошмайди [24]. Полиграфия саноатидаги микроиклим омилини ўрганиш факат мұтадил минтақада жойлашган корхоналардагина аниқланган, иссиқ минтақада жойлашган бундай ишлаб чиқариш корхоналаридаги микроиклим жуда кам холлардагина ўрганилган. Бундай юкламаларга функционал тизимларнинг жавоб реакцияси зўриқиши даражасига боғлиқ бўлиб, у иш қобилиятини пасайиши ва ўзини ёмон ҳис қилиш кўринишида намоён бўлиши мумкин. Олинган маълумотларга кўра шу нарса аниқландики, микроиклим кўрсаткичларини меёrlашда у ёки бу турдаги ишлаб чиқаришда мавжуд бўлган микроиклимга, ишчилар организмини адаптацияси инобатга олиниши зарур [10]. Шулар қаторида полиграфия саноати ҳам бундан мустасно эмас. Полиграфия саноатида ишловчиларнинг меҳнат фаолиятини ўзига хос томонларидан бири, кўрув органларини зўриқиши билан боғлиқ иш турининг мавжудлигидир. Корхонадаги босма ва ҳарф териш, таҳрир қилиш ва босма маҳсулотларни назорат қилиш кўриш органини зўриқиши билан кечувчи иш фаолиятига киради. Ананьев Б.В. томонидан аниқланишича бу турдаги барча ишлар оптималь ёритилганликда бажарилиши керак [4]. Бир қатор изланувчилар олиб борган текширувлар шуни кўрсатадики, табиий ёритилганликни минимал коэффициенти 0,5% ни ташкил этди бу эса меъёrlаштирилган минимал катталиктан анча кичик эканлиги аниқланди. Барча цехлардаги комбинациялашган ёритилганлик люминесцент лампалар ёрдамида амалга оширилади. Корхоналарда махаллий жойлашган люминесцент лампаларнинг ОД ва ШОД турларидан фойдаланилади. Ёриткичларни жойлаштириш баландлиги иш юзасидан 3-4,5 м масофада қилиб ўрнатилган. Асосий цехлардаги фактик

ёритилганлик 50-300 лк дан ошмаган, минимал ёритилганлик цехлардаги иш ўринларида 150-300 лк натижани кўрсатган. Бу эса кўп ҳолларда ўрнатилган меъёрларга мос келади. Аммо баъзи ўринларида энг паст ёритилганлик даражаси полграфия корхоналари учун жорий этилган ёритилганлик меёrlаридан анча паст эканлигини кўрсатди. Бу ҳолат эса маҳаллий ёритиш манбалари ҳолатини қониқарсиз ахволдалигини ёки уларни умуман мавжуд эмаслигини кўрсатади. Сунъий ёритилганликни рационализациялаш билан бирга бир қатор муҳим масалалар; ёритилганлик, уни бир текис тақсимланиши ва х.к.ларни ўрганилиши зарур. Ўрганилаётган ишлаб чиқариш жараёнида бажариладиган ишлар жуда юкори тезликда амалга оширилади, бу эса кўпгина жараёнлар назоратини визуал амалга оширишни тақазо этади. Бу ҳолат эса кўриш органларидан кучли зўриқиши билан ишлашни талаб этади. Адабиётларда эса бу масалаларга жуда кам аҳамият қаратилган, шу билан бирга ишловчилар организмининг функционал ҳолатига бу омилларнинг таъсири жуда катта [21]. Ёруғлик иқлимини муҳим аҳамиятли кўрсаткичлигига қарамасдан адабиётларда бу масалага оид жуда кам маълумотларда ҳам фақат ёритиш манбалари, тизимлари, ёритиш миқдори ва сифатига оид материаллар келтирилган холос. Шундай қилиб, юкорида келтирилган адабиёт материалларини тахлили қуйидаги хulosани келтиради:

1. Илмий-техника тараққиёти даврида меҳнат шароити ва унинг характеристи ўзгарувчан бўлади, бу эса замонавий полиграфия корхоналарида ишлаб чиқариш муҳитида таъсир қилувчи омилларни давомли ўрганишни талаб этади.

2. Ўрганилаётган ишлаб чиқариш жараёнларида ишловчилар организмига салбий таъсир кўрсатувчи ишлаб чиқариш омиллар комплекси юзага келади. Юкорида кўрсатилган масалага оид илмий ишларнинг асосида ишлаб чиқариш муҳитидаги алоҳида омиллар тавсифи келтирилган (шовқин, микроиклим, чанг). Адабиётларда замонавий полиграфия ишлаб чиқариш корхоналарида ишловчиларнинг меҳнат шароитини

тавсифини комплекс ўрганиш тўғрисидаги маълумотлар умуман келтирилмаган. Ўзбекистон иқлим шароитидаги полиграфия соҳасида ишловчиларнинг меҳнат шароитига оид илмий изланиш ишлари фақатгина баъзи ишланмалар кўринишидагина мавжуддир.

1.2. Видеотерминал қурилмалар қўлланиладиган замонавий полиграфия корхоналарининг меҳнат шароитлари хусусиятлари

Сўнгги йилларда ишлаб чиқариш саноатида замонавий полиграфия корхоналарида босма маҳсулотларини ишлаб чиқаришда видеотерминал қурилмалари ва автоматлаштирилган мажмуаларини тадбиқ этиш кенг йўлга қўйилди. Замонавий фотожамлаш қурилмалари видеотерминал қурилмалар керакли матнларни компьютер хотирасига бир марта киритгандан сўнг уни хотирада саклаш, ўзгартиришлар киритиш, корректировка қилиш хусусиятига эга. Бунда видеотерминал экранлардан фойдаланилади. Полиграфия корхоналарида бундай замонавий технологияларни қўллаш: нафақат босма жараёнлари босқичларини камайтирган, балки маҳсулотларни тайёрлашга кетадиган вақтни қисқартириди, шунингдек имконини беради, ҳамда маҳсулот сифатини оширади.

Хозирги вақтда ўрганилаётган корхоналарда асосий ишловчиларни ҳарф терувчи, корректор, редактор иш ўринларини видеотерминаллар жиҳозлаш йўлга қўйилган, бу эса уларга технологик жараённи назорат қилиш, чиқарилаётган маҳсулотни ҳисобга олиш ва хизмат қилаётган ходимларга иш фаолиятида аҳамиятли юклама тушмаслик имкониятларини беради. Бир қатор тадқиқотчилар томонидан полиграфия корхоналари ишловчиларининг меҳнат шароитини физиологогигиеник жиҳатдан ўрганиш давомида шу нарса аникландик бажариладиган иш характеристери юқоридагидек қурилмаларда иш бажариш марказий асад тизими, анализаторлар тизими ва характеристика

таянч аппарати иш фаолиятига асосий босим таъсирини кўрсатиб, юқори талабларни қўяди [22]. Видеотерминал дисплейларда ишловчи операторларнинг меҳнат фаолияти ўрганилганда ишлаб чиқаришдаги етакчи заарли омил асаб-эмоционал зўрикиш бўлиб, у доимий қисқа вақт тифизлигига фотонабор техникани бошқаришда катта ҳажимдаги маълумотларни қабул қилиш холати давомида келиб чиқади. Бу эса фотожамлаш қурилмаларини бошқаришда энг асосий кўрсаткич ҳисобланади. Бунда эмоционал-рухий зўрикиш ортиб, унинг асосий сабаби матнларни таҳрир қилишнинг ижодий характеристига эгалигидир.

Видеотерминал қурилмалари билан ишлашида чарчаши ривожланиши, меҳнат фаолияти давомида узлуксиз равишда экрандаги тасвирларни кузатиш, иш тартибини ташкил этилганлиги ва бошқа бир қатор омилларга боғлиқ эканлиги кабилар аниқланган. Изланиш натижасида шу нарса аниқландики, видеодисплейли терминалда ишловчиларда меҳнат шароитида чарчаши юзага келишининг асосий сабаби экрандаги тасвирларни узлуксиз кузатиш, меҳнат жараёни режими ва бошқалар ҳисобланади. ВДТ лардан фойдаланувчиларнинг кўпчилигига тасвирчалик, асабийлашиш кайфиятни пастлиги тўғрисида шикоятлар бўлган. Бундан ташқари атроф-муҳитининг ноқулай микроиклим кўрсаткичлари таъсирида, турли хилдаги нурланишларнинг ҳосил бўлиши, шунингдек монотон бир хил даражадаги шовқиннинг таъсири натижасида асаб толаларининг қўзғалиши юқоридаги холатга олиб келиш эҳтимоли таъкидлаб ўтилган. Бир қатор муаллифлар видеотерминаллар нурланишнинг манбаи эканлигига такидланганлар лекин кўп сонли тадқиқотлар шунинг кўрсаткичлари, бу ҳолатларда нурланиш даражаси жуда паст бўлиши инсон саломатлигига ҳеч қандай ҳавотир солмаслиги аниқланди. Бунда нурланишнинг РЭД дан ошиши айрим холатларда: генераторларда таъмирлаш ишлари бажарилганда радиочастота-СВЧ диопазонидан ошиши қайд этилган. Бунда ёндош ноқулай омиллар қаторига қўз зўрикиши билан боғлиқ ишларни аниқ ишлартуркумига кирувчи, бир кўрув

майдонида турли даражада ёритилган объектларни (дисплей экрани, клавиатура, хонанинг умум ёритилганлиги) кузатуви билан кечадиган ишлардир. Айрим тадқиқотчилар кўрсатиб ўтганлариdek қўлланилаётган қурилмаларнинг техник холатлари яъни, экраннинг ранги ва тиниқлиги клавиатураларининг конструктив холати, улардан фойдаланиш кўз органларининг зўриқишига таъсир этиши мумкин. Кейинги вактларда маълумотларни акс эттиришда техни имкониятлари ошиб бормоқда яъни бунда, элентролюменцентли, суюқ кристалли ва плазмали экранларни кенг йўлга қўйилди. Аммо ишлаб чиқариш шароитида бундай экранларда кўрув органлари чарчашга олиб келиш ҳақида маълумотлар деярли йўқ. Аммо ишлаб чиқариш шароитда бундай экранларни кўрув органларининг чарчашга таъсири тўғрисида хеч қандай маълумотлар йўқ. Ўрганиш имкониятига эга бўлган адабиётлардан фақат ягона ҳолатидагина биттасида эски турдаги видеотерминалли кинескоплари, суюқ кристал экранларга нисбатан камроқ холда кўриш кўз органлари чарчашга олиб келиши кўрсатилган. Видеотерминал қурилмалар ўрнатилган хоналардаги ёритилганлик шароити экрандаги таъсирларга яхши контрастлаш талабаларига боғлиқ. Умумий ёритилганлик тизимида оптималь ёритилганлик даражали 300лк бўлиши кўрсатилган, бундай холларда 100-200 лк ёритилганлик хосил қилувчи қўшимча махаллий ёритгичларни ўрнатиш мумкин, видеотерминал қурилмаларини эса ён томондан дераза ойналарига қаратиб м масофада жойлаштириш мақсадга мувофиқдирлиги айтилган. Шунга қарамай адабиётлардаги ВДТ билан ишловчиларда дисплейсиз айрим аналогик ишларда бажаришда фаолият юритувчиларни шикоятлари келтирилган. Бу шикоятлар: кўз иш органларидан тез чарчаш, бош оғриши, энса соҳасидан оғриқлар, қовоқ ва коњюктивани қизариши, кўз ёшланиши, баъзан қисқа вақитга қўришни йўқотиши, ёруғликдан кўркиши тритиш мумкин. Адабиётларда аёллар эркакларга нисбатан кўпроқ шикоят қилишлари келтирилган, лекин айни вақитда ёшдаги фарқ ҳақида маълумотлар келтирилган [23].

Адабиётлар тахлилида кўрсатилганидек ВДТ билан ишловчиларда иш куни давомида аккомодация ва рефракция фаолиятилари текширилганда шу нарса аниқландики, айrim холатлари бу қурилмалари билан ишловчиларда аниқ кўришни яқин нуктали йўқотиши бошқа иш фаолияти кўз органи зўриқиши билан кечадиган касбларга нисбатан кўп кузатилиши турли адабиётлар тегишли натижада маълум бўлди [33].

Текширувлар лазерли оптомер орқали ўтказилган нисбий тенг холатда дисплей экрани олдида 3-4 саот ишлагандан сўнг, аккомодация, миопия томонига 0,25-0,5 силжиши кузатилган лекин бу ҳолат вақтинчалик бўлиб ишдан сўнг маълум вақтдан кейин йўқолади. Лазерли оптомер томонидан олиб борилган текширувлар шуни кўрсатдики аккомодацияда нисбий тинч холатидан миопия томонига силжиши иш кунининг 3-4 саотидан сўнг 0,26-0,5 Д га ўзгариши аниқланди. Аммо бу ҳолат вақтинчалик бўлиб, иш тугагандан сўнг маълум вақт ўтгач йўқолади. ВДТ ишловчиларда кўзни ёруғликни сезиши ҳолатини никтометрия усули билан текширишда шу нарса маълум бўлдики, вот билан ишловчилар орасидан ёруғликка адаптация вақти узоқ бўлган шахслар энг кўп жабирланадилар.

Ёруғлик тебранишлар критик частотаси бўйича адабиётлар тахлилида қарама- қарши фикрларни кўриш мумкин. Кўпчилик изланувчиларнинг изланишлари шуни кўрсатадики дисплей билан ишлашда кўз органларида чарчаш билан бир қаторда ўқиш тезлиги 20-30%га камайиши аниқланди. Бу ҳолат матинни териш ишига нисбатан белгиланган, аммо бу ҳолда матинни тушуниш ва қабул қилиш ўзгаришсиз қолади. Бунда матнни тушуниш ва ўзлаштириш ҳам аввалги холича қолади. Кўз органларидаги дискомфорт ҳолатни маълумотни компьютерга киритувчи операторлар, бошқа диалог режимлида ишловчиларга нисбатан кўпроқ ҳис қиласидилар .

Кўриш аъзосининг дискомфортини диалог режимида ишловчи операторларга нисбатан, маълумотларни киритувчи операторлар кўпроқ ҳис қиласидилар, аммо 1-чи гурухни

компьютер экрани олдида бўлиш даври 30-40% ни, 2-чи гурухни эса 15-25% ни ташкил этади. Кўпгина муаллифларнинг фикрига кўра кўз органлари чарчаши ривожланиши видеотерминаллар билан узоқ вақт ва узлуксиз ишлаш ҳисобланади. Шунингдек, 45 дақика - 1 соат мобайнида узлуксиз ишлагандан сўнг кўриш функциясининг камайиши ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд. Адабиётлардаги маълумотларни тахлил қилгандан сўнг шундай хулоса қилинди: ҳозирги кунда видеотерминал қурилмалар билан ишловчиларнинг меҳнат қилиш ва дам олиш тартибини рационал ташкил этиш тўғрисида тўлиқ илмий асосланган тавсиялар мажмуаси тўлиқ ишлаб чиқарилмаган. Аммо ўрганилаётган шу корхоналардаги ишловчиларнинг иш кунини ташкил этиш тўғрисида айрим тавсиялар мавжуд.

Тадқиқотлар натижасида матбаа нашриёт ходимларни кўз аъзосини асаб мушак тизимида иш куни давомида сезиларли силжишлар юзага келиши аниқланди. Бундай ўзгаришлар МНТ да чарчаши ривожланишга ва бу ўз навбатида кўрув анализаторларига салбий таъсир қўрсатиши мумкин. Кўз мускул аппаратининг ҳолатини ўрганишга бағишлиланган изланишлар матбуотда ёритилган. Бу маълумотларни олишда аккомадация хажмини аниқланган, ҳамда адиспаропия вақти ҳисобга олишган. Демак, адабий манбаларнинг таҳлили шунга гувоҳлик берадики, ишчиларда кўриш органларида юзага келадиган чарчоқнинг асосий сабаби, кўрув анализаторида переферик бўғимида бўладиган ўзгаришлардир, аммо бу ҳолатга замонавий полиграфия саноатининг барча бўлимларида гигиеник шароитни яхшилаш билан барҳам бериш мумкин.

1.3. Ишлаб чиқариш муҳити омилларини биологик таъсирини ўрганилаётган соҳада тутган ўрни

Хўжалик юритишнинг замонавий даври, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш комплекслари, ишлаб

чиқариш шароити ва ишлаб чиқариш жараёнининг таркибини ўзгартиради. Махаллий ва регионал характердаги мускуллар зўриқишини юзага келтирувчи меҳнат шароитини интевсив формаларидан фойдаланиш, ишчилар мебели ва жихозлардаги яққол кўзга ташланувчи конструктив камчиликлар, бир хил турдаги меҳнат фаолияти, юқори руҳий – асабий зўриқиши билан уйғунлашган, қониқарсиз санитар гигиеник шароитни, иш қобилятини пасайишига сабаб бўлади . Бу холат эса ишлаб чиқаришдаги дастлабки чарчоқни, умумий касалланиш даражасини ортишини ва касб касаллик холатларини юзага келишига олиб келади [3, 17]. Бунинг оқибатида физиологлар ишлаб чиқариш мухитига таъсир этувчи омилларни, яъни меҳнат жараёнини ишчилар организмига таъсир этувчи меҳнатни оғирлиги ва кескинлигини комплекс ҳолда ўрганишга катта аҳамият бера бошлишди. Бунда кўзда тутилган асосий мақсад, ишчиларни узоқ йиллар давомида меҳнат қобилятини йўқотмаслиги, инсонлар саломатлиги хамда иш қобилятини саклаб қолишдан иборат. Олдинга кўйилган мақсадга эришиш учун нафақат гигиеник меъёрлаштириш, яъни меҳнат шароитига таъсир этувчи зарарли омилларнинг интевсивлигини ва давомийлигини баҳолаш, балки бу жараённи ўрганишда ишчиларни ёши, жинси ва бошқа сифатларини инобатга олиш, шунингдек ишчилар организмининг заҳира имкониятларини, физиологик функцияларини тикланиш қобилятини, ишлаб чиқаришнинг салбий руҳий таъсирларини ўрганиш ва баҳолаш, автоматлаштирилган тизимлар мониторингини ишлаб чиқиш ҳам мухим аҳамиятга эга.

Полиграфия ишлаб чиқариш корхоналарида ишловчи ишчиларга меҳнат фаолияти жараёнида ишлаб чиқариш омиллари комплекс ҳолда таъсир этади, булар эса маълум бир шароитларда организмнинг функционал ҳолатига таъсир этиб, ишлаб чиқариш билан боғлиқ чарчоқни тез юзага келтиради ва ишчиларнинг иш қобилятини пасайтиради [4, 10]. Бунда функционал ҳолатининг ўзгариши, уларни даражаси ва характеристери тўлиқ равишда меҳнат жараёнинг оғирлиги ва

кескинлигига, меҳнатни ташкил қилинганлигига боғлиқ бўлади.

Бир қатор олимлар олиб борган изланишлар натижасига кўра, чарчаш пайтида организмнинг физиологик функцияларининг сусайишини аникланганлар. Физиологик функциялардаги ўзгаришлар даражаси маълум бир меҳнат жараёнида иштирок этадиган организм тизимларининг иштирок этиш даражасига боғлиқдир [19,22,23]. Маълумки, ишни ташкил қилувчи тизимлар мослашувида, меҳнат харакатларининг координациясини бошқарув фаолияти марказий асаб тизими зиммасига юклатилади [3]. Олиб борилган изланишлар натижасида чарчаш пайтида марказий асаб тизимининг функционал холатида турли ўзгаришлар бўлиши аникланган. Бироқ чарчокнинг юзага келиши ва иш қобилятини пасайиши фонида ишлаб чиқариш кўрсаткичлари маълум вақт давомида авалгидай натижалар билан давом этади, аммо физиологик кўрсаткичлар (улар бажариладиган иш турига қараб турлича бўлиши мумкин) ёмонлашуви бошланади.

Полиграфия корхоналаридаги босма маҳсулотини тайёрлаш жараёнида фотошакл тайёрлашда, муқовалаш, мант ва сочма диопазитивли асосларни монтажида, босма маҳсулотларни безаш ва бошқа турдаги ишларни бажаришда катта асортиментдаги синтетик ва полимер материаллардан фойдаланилади. Полиграфия маҳсулотлари сифатини ошириш ва юқори бадиий савияли босма маҳсулотлари ишлаб чиқиш мақсадида полиграфия саноатида ишлатилувчи маҳсулотларнинг босма – техник хусусиятлари маҳсус қайта ишловдан ўтказилмоқда . Корхоналарда биринчи навбатда заарли омиллар таъсирига учровчи касб эгалари бўлиб, босма цехида ишловчилар, мусаххихлар, сараловчи – назоратчилар, муқовалаш ва брошюра цехида ишловчилар ҳисобланади. Асосий касбда ишловчи ишчиларга касбга боғлиқ бўлган заарли омилларнинг таъсири қуидаги орган ва тизимлар ишида яққол намоён бўлиши аникланган. Бунда асаб-мускул тизими заарланади, нафас органларига шикаст етади, қалқонсимон без дисфункцияси

аникланади, буйрак усти бези кулранг қавати функционал ҳолати ўзгаради, хотира ва кўриш ўткирлиги пасаяди, оғиз бўшлиғи органларида касаллик аломатлари намоён бўлади, тери касалликлари юзага келади меҳнат шароитини яхшилаш, диспансер хизматини тўғри ташкил этиш, юқори малакали тиббий ёрдамни ўз вактида кўрсатиш, даврий тиббий кўрикларни ўз вактида ва сифатли ўтказиш, санатория–курортларда даволаниш ишлаб чиқариш зарарли омилларнинг таъсирини камайтиришнинг асосий йўлларига киради.

Ишчилар организмига меҳнат фаолияти таъсирини тавсифлаб туриб, организмнинг “ишчи зўриқиши” терминни ва тушунчасидан фойдаланиш қулайлигини ўқтиради. Бу сўзлар билан ишлаётган одам организмida рўй бераётган ўзгаришларни белгилаш ўринли бўлиб, бу ўзгаришлар меҳнат жараёни ва кейинги дам олиш даврида қайта тикланиш билан чамбарчас боғлиқ. Ишчи зўриқишини юзага келтирувчи омиллар физиологлар томонидан тўлиқ ўрганилмаган бўлиб, уларнинг баъзилари эса мутлоқо ўрганилмаган, масалан: ишнинг мураккаблик даражаси. Амалий қарорлар ҳозирча бошқа эргономик комплекслар ёки илмий асосланмаган эмпирик қайта тикланган маълумотлар асосида қабул қилинмоқда .

Ҳар бир омил ўзи алоҳида ҳолда, у ёки бу кўринишдаги меҳнат зўриқишини юзага келтиради, аммо ишчиларга бундай омиллар бошқа омиллар билан биргаликда келиши кучли таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун бизнинг олдимизда турган асосий вазифалардан бири барча муҳим омиллар комплексни ишчилар организмига кўрсатадиган таъсирини ўрганишдан иборатdir . Шу билан бирга шуни ҳисобга олиш зарурки, ташқи муҳит омиллари айниқса касбий–ишлаб чиқариш омилларининг таъсири туфайли орган ва тизимларнинг зўриқиши даражаси мослашув – ҳимоя реакциясини пасайиши ва чегараланишига сабаб бўлади. Меҳнат жараёнининг ишлаб чиқариш омиллари катталиги билан физиологик кўрсаткичлар ўзгаришининг даражаси бир бирига боғлиқ. Масалан: юрак уриш

частотасини, статик кучга боғлиқлиги. Шунингдек мускул чидамлилиги ўртасида хам корреляцион боғланиш мавжуд. Муаллифлар ўз текширишлари давомида клиник маълумотларни физиологик текшириш билан таққослади ҳамда патологик ўзгаришлар структураси билан регионал мушак кучининг физиологик қиймати кўрсаткичлари ўртасида муҳим боғланиш борлигини аникланди.

Ўрганилаётган ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг асосий формаси оқимли – конвейер усули эканлигини ҳисобга олсан, кўпгина муаллифлар бундай меҳнат жараёнининг анча салбий ҳолатларини айтиб ўтишган [5, 9]. Буларга: бажариладиган иш бир хил турда, мажбурий норационал ишчи ҳолатида, узоқ давом этувчи гипокинезия билан кечади [83, 104, 189]. Бу эса меҳнат темпининг (жадаллигини) юқори тезлиги натижасида дикқат эътибор ва қўришнинг зўриқиши, ҳамда мажбурий меҳнат темпини монотонлиги вазиятни янада оғирлаштиради, бу ҳолат муддатдан олдинги чарчоқни юзага келишига сабаб бўлади.

Бир қатор изланувчилар берган маълумотларга кўра ишловчиларнинг физиологик реакциясидаги ўзгаришлар, улар бажариладиган ишнинг оғирлиги даражаси ва меҳнат шароитига кўра аникланади [16,17]. Муаллифлар ўз изланишлари натижасида иш кунининг якунига бориб, юрак уриши частотасини ортиши, максимал ва ўртача динамик босимнинг кўтарилиши, периферик капиллярлар қаршилигини пасайиши натижасида қоннинг дақиқалик хажмининг ортиши каби маълумотларни келтиришган [19,22]. Ишловчилар меҳнат шароитини гигиеник меъёрлаштиришни оптиламаштиришда олдимизга қўйилган масалалар, нафақат ишлаб чиқариш муҳит омилларини ўрганиш, балки жисмоний ва ақлий меҳнатнинг оғирлигини ҳам кескинлигини ўрганишдан иборат.

Ҳаво муҳитини чанг ва кимёвий бирикмалар билан ифлосланиши ишловчилар организмида турли хил ўзгаришларни келтириб чиқаради, бу эса бир қатор ҳолатларда мослашувни,

баъзида эса хатто терморегуляция жараёнини бузилишига сабаб бўлиши мумкин. Иситувчи микроиклим мавжуд бўлган ишлаб чиқариш хоналаридаги иссиқлик ажралувчи манбалар олдида ишловчи ходимларда тонгги иш вақтининг ўзидаёқ оптимал иссиқлик ҳолати кузатилмаслиги тўғрисида маълумотлар бор. Ҳарорат гомиостазига намлик йўқотиш катталиги ва муҳитни буғлантириш хусусиятини меъёрлаш орқали эришилади, бу эса тери хароратини ўрганишнинг асосий кўрсаткичидир. Кучли тер ажралиши организмдан натрий, калий тузлари ва сувни кўп миқдорда ажралишига, бу эса қонда тромбоцитлар миқдори, холестерин даражасини ортишига ва қонни ивиш хусусиятини тезлашувига олиб келади. Бу холат эса бош мия артерияларида тромбозлар ривожланишига сабаб бўлиши мумкинлиги тўғрисида кўпгина фикрлар мавжуд [23]. Ишлаб чиқариш муҳитини организмнинг вегетатив функцияларига таъсирини ўрганиш мақсадида ёш бўйича бир неча гурухга бўлинган аёл ишчилар ўртасида тери ва тана харорати ўлчаш устида бир қанча олимлар изланишлар олиб боришган.

Текширишлар натижасида олинган маълумотларга кўра иш кунининг охирига бориб тана хароратини ортиши, тананинг симметрик қисмларида терининг харорат кўрсаткичларининг анолагик ўзгаришлари маълум бўлди. Агарда ҳарорат $+26$ дан $+13^{\circ}\text{C}$ гача пасайса одамнинг тимпаник ҳарорати тинч холатда тахминан $0,2^{\circ}\text{C}$ га тушиши, териниг ўртacha нисбий ҳарорати $+3,5^{\circ}\text{C}$ га пасайиши, ҳароратнинг $+26$ дан $+50^{\circ}\text{C}$ га ортиши эса тимпаник ҳароратни $0,5^{\circ}\text{C}$ га, терининг хароратини сал кам $+4^{\circ}\text{C}$ га ортишини Якименко М.Я. ўз издошлари билан биргаликда аниқладилар. Полиграфия корхоналарида ишловчилар организмига комплекс таъсир этувчи омилларнинг ичидаги энг аҳамиятлиси – шовқин хисобланади. Шовқин нафақат эшитиш анализаторларига, балки организмнинг бошқа функционал системаларига ҳам салбий таъсир этиб, меҳнатнинг оғирлиги ва кескинлигини ортишига олиб келади [24]. Ишловчиларнинг меҳнат қобилиятига шовқиннинг таъсирини ўрганиш катта

амалий аҳамиятга эга, аммо шовқин юкламасининг иш фаолияти сермахсуллилигига кўрсатадиган таъсири етарли ўрганилмаган.

Хорижий адабиётларда бир қатор муаллифлар томонидан интенсив шовқинни товуш анализатори, юрак қон томир тизимларидағи ўзгаришлар ва бузилишлари тўғрисида маълумотлар келтирилган [34]. Шу билан бир вақтда олимлар шовқинни инсон иммун тизимга ҳам таъсирини рад этиб бўлмас даражада эканлиги тўғрисида ҳам ишончли маълумотларга эгадирлар [23, 24]. Олиб борилган изланишлар натижасида шовқиннинг патогенетик таъсири механизми унверсал биологик таъсирантирувчи восита сифатида хизмат қилиши, бу эса нафақат эшитиш анализаторига, балки организмнинг тўлиқ гомеостаз жараёнига ҳам салбий таъсир кўрсатувчи омил эканлигини аниқланган [24]. Импульсив шовқинни таъсирини ўрганишда этиш тизимини пасайишидан ташқари, шовқинни умумий иммуналогик фаолликни, нейродинамик акс этувчи нейроцеркулятор бузлишларни юзага келтиришни аниқланди.

Ўрганилаётган ишлаб чиқариш корхоналаридаги салбий таъсир кўрсатувчи омиллардан яна бири, етарли бўлмаган ёритилганлик холатидир. Замонавий полиграфия корхоналарида бажариладиган кўпгина меҳнат операциялари технологик жараённинг турли босқичларида визуал назоратини талаб этади, бу эса кўриш органларини юқори зўриқишини юзага келтиради. Тахлил қилинган адабиётларда ишловчилар организми функционал холатига ёритилганлик омилининг таъсири ҳақидаги маълумотлар айниқса муҳимдир, чунки иш жойларининг етарли ёритилмаганлиги кўриш органларида чарчоқни келиб чиқишига, ишлаб чиқариш самарадорлигини пасайишига, ишлаб чиқаришда жароҳатланишни ортишига олиб келиши мумкин [29,34]. Касалланиш структураси ва даражасини ўрганиш ишчиларнинг саломатлик ҳолати билан меҳнат шароити ўртасида боғланиш борлигини кўрсатади [31,32,33]. Ўрганилаётган ишлаб чиқариш корхоналарида вақтинча иш қобилятини йўқотиш билан кечувчи касалланиш структурасида асосий ўринлардан бирини ўткир

респиратор касалликлар, шунинг билан бирга юрак қон томирлар ва асаб тизим касалликлари эгаллади .

Технологик жараёнда фойдаланиладиган кимёвий моддаларнинг таъсири ва ноқулай ҳарорат, намлик режими полиграфия корхонаси ишловчиларида ўткир респиратор касалликларини юқори кўрсаткичларга эга бўлишига сабаб бўлади. Юрак қон томир касалликларига боғлиқ бўлган меҳнат қобилиятини йўқотиш кунлари ва ҳолларини ортиши, кўп ҳолларда ишчиларни ноқулай микроиқлим шароитларда, юқори асаб-руҳий ҳолатида ишлаши шунингдек, юқори солиштирма оғирликка эга бўлган доимий жисмоний зўриқишини асосий омил эканлигига боғлиқлиги баъзи изланувчилар олиб борган ишларида ўз аксини топган [2, 5].

Ишлаб чиқариш жараёнининг ташкил этилганлиги таъсири (мажбурий ҳолатда ишлаш, жисмоний зўриқиши) ишчиларнинг асаб-мускул ва таянч-харакат органлари ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши аниқланган [9]. Полиграфия корхоналарида фаолият кўрсатувчи ишчиларнинг қўлларини узоқ вақт ўта зўриқиши билан ишлаши, қўл ва бармоқлар ҳаракатини кўп марта такрорланувчи бир хил турдаги иш билан шуғулланиши касб касалликларини юзага келишига сабаб бўлади ва бу кўп ҳоларда вегетатив полиневрит касаллиги кўринишида намоён бўлади.

Полиграфия корхоналаридаги меҳнат шароитининг ишчилар организмига таъсири етарлича ўрганилмаган, шунинг учун полиграфия корхоналарида ижтимоий гигиеник текширувларни комплекс равишда ўтказиш ва ишловчилар саломатлигини яхшилаш борасида чора-тадбирлар ишлаб чиқишини талаб этади.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган адабиёт маълумотларига қўра шундай хуносаларга келиш мумкин:

1. Полиграфия саноатида асосий касбда ишловчи ишчиларнинг функционал ҳолатидаги ўзгаришлар, меҳнат жараёнини ташкил этилиши, меҳнат жараёни характеристини

комплекс ўрганиш түғрисида маълумотлар адабиётларда мавжуд эмас.

2. Ўрганилаёган корхоналардаги ишчиларнинг меҳнат шароитини соғломлаштириш, касб касалликлари ва меҳнатга боғлиқ бўлган чарchoқни олдини олиш, инсон саломатлигини муҳофаза қилиш билан бирга уларнинг иш қобилятини ошириш каби олдимизга қўйилган вазифаларга илмий ёндошиш олиб борган изланишларимизнинг асосий мақсадидир.

П-БОБ. ЙИЛ ДАВРЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ПОЛИГРАФИЯ КОРХОНАЛАРИДА ИШЛОВЧИЛАРНИНГ МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИНИ ГИГИЕНИК ТАВСИФИ

2.1. Замонавий полиграфия корхоналарда технологик жараёнларни тавсифи

Полиграфия корхоналари республикамизда ривожланиб бораётган тармоқлар сирасига киради. Бундай ишлаб чиқариш саноатларини етакчи намоёндаларидан бири Тошкент шахридаги “Ўқитувчи” ва “Ўзбекистон” номидаги нашриёт маатба корхоналари бўлиб, улар китоб, журнал, газета, таклифномалар, ёрликлар ва бошқа турдаги полиграфия махсулотларини ишлаб чиқаради.

Ўрганилаётган корхоналарнинг технологик жараёнлари 3 босқичдан иборат. Улар:

- 1) босмагача бўлган жараёнлар
- 2) босмалаш, нашр этиш босқичлари
- 3) босмадан сўнги жараёнлар

Хар бир жараён ўз навбатида маълум цех ва участкаларни ўз ичига олади. Босмагача бўлган жараёнлар тезкор бадиий цехида бажарилиб, бу ерда компьютер тизимлари ёрдамида матн терилади, мусахҳихлар томонидан корректировка қилинади, матнга иллюстрациялар киритилиб, дизайнерлик ишлари бажарилади ва бирламчи босма шакллари тайёрланади (1-илова). Сўнг махсулотни кейинги босқичга ўтишига тайёрланади.

Технологик жараённи кейинги босқичи махсулот босмалашни ўз ичига оловчи босма цехидир. Бу цехдаги ишлар марказий принтер ва оптик усулда ўқувчи “OCR-100” типидаги машинага уланган, турли компьютер тизимлари ва махсус видотерминал қурилмалар ёрдамида бажарилади. Матн ва суратли ахборотларни қайта ишлаш, матн ахборот тизимиға киритилган маълумотлар муҳаррирлар томонидан тўғриланиши

керак. Мухаррирлар томонидан қайта ишланган (кўриб чиқилган) матнлар оператор томонидан клавиатура ёрдамида, компьютерга терилади .

Компьютерда босиш учун тайёрланган маълумотлар босиб чиқишига берилади. Босма маҳсулотларини шаклланиши компьютер чиқариш станциясида оператор-компьютер билан диалог ҳолатида ишлаш натижасида юзага келади. Бундай диалогнинг асосий мазмуни оператор компьютерга керакли топшириқни беради, компьютер топшириқни бажаради ва монитор орқали натижаларни кўрсатади. Оператор компьютерда топшириқни бажарилишини визуал равиша мониторга ёки чиқарилган маҳсулотга қараб баҳолайди ва кейинги маҳсулотни чиқариш учун керакли қарорни қабул қиласи.

Компьютерда тайёрланган босма маҳсулотининг бирламчи шакллари “Heidelberg Duostter” машинаси ёрдамида фотопластинкага чиқарилади. У мусаххих томонидан ўқиб, хато ва камчиликлари тўғирланганидан сўнг монтаж столида астролонгга ёпиштирилади ва монтаж қилинади. Монтаж қилинган астролонлар “Contact Vacum Frame” қурилмаси орқали метал пластикага фотонусча кўчириш машинаси ёрдамида туширилади, сўнг “Kodak Polychome Graphics” принтери орқали чиқарилади. Принтердан чиқган метал пластинкалар спирт ва бензиннинг 1:1 га нисбатдаги эритмаси билан босма шаклларини кўчирувчи томонидан тозаланади.

Шунинг билан биринчи босқич тугаб, иккинчи босқич яъни, босмалаш жараёни бошланади. Олинган босма шакллари босмалаш цехига келади. Бу цех рақамли босмалаш машиналари (“Heidelberg GTO-DI”, “STARLINE 530, “DF Rapidra 105”) билан жихозланган. Буларда босма маҳсулотларининг нусхасини чиқариш тезлиги 1 соатда 15600 тагача етади. Босмаловчи чиқган маҳсулотни маҳсус столда визуал равиша текширади ва босиш сифатини баҳолайди. Шундан сўнг босиб чиқарилган вараклар саҳифаловчи (санаб бетларни тўғрилаб буклаб берувчи) Horizon машинасига берилади. Бу машина қоғозларни берилган ўлчамга

мувофик буқлайди ва тахлайди. Қоғоз четларидаги чизиклар оператор томонидан берилган схема бўйича белгиланади. Саҳифаловчи-тахловчи машинанинг ишлаб чиқариш тезлиги бир соатда 5000 дан 10000 та варакгачадир.

Сўнгра кейинги босқич яъни босмадан кейинги жараён бошланади. Бу ўз ичига муқовалаш цехидаги турли ишларни олади. Бу ерда китоб блокланади ва муқовалари тайёрланади. Китобни ишлаб чиқаришни якуний ишлари учун цехда “CLOBUS” линияси ўрнатилган .

Бу линия “DC mini HF” машинасини ўз ичига олади. Унда китоблар автоматик равишда тахланади ва метал скрепкалар (кистиргич) орқали ёки ипда тикувчи (“Aster”) машиналари ёрдамида тикилади, юқоридаги линия елим ва метал пружиналар ёрдамида китобни тикувчи қурилмани ҳам ўз ичига олади. Шунингдек китоблар “Henkel ёки Horizon” (Германия) туридаги термоелимлари ёрдамида ҳам муқоваланади. Муқовалангандан китоблар махсус гидравлик сиқиши машиналарига (УПН-3) керакли шаклга келтириш учун қўйилади. Бундай китоблар 24 соат мобайнида туради. Кесиш машиналаридан чиқсан қоғоз чиқиндилари қоғоз йиғиши бункерига тушади. Кейин у сиқилади ва зичланади. Тайёр китоблар 5 ва 10 тадан тахланиб ўралади ва тайёр махсулотларни сақлаш омборхонасига юборилади. У ердан китоблар келишув асосида реализация қилинади.

Юқорида айтилган шароитларини инобатга олиб, қуйидагича хulosага келиш мумкин. Замонавий полиграфия корхоналари ишлаб чиқариш мухити зарарли омилларнинг комплекси билан боғлиқ. Улар: иш жойлари ҳавосининг газланганлиги ва чангланганлиги, етарли бўлмаган ёритилганлик, мажбурий ишчи ҳолати, меҳнат жараёning юқори даражадаги кескинлиги ва ишнинг монотонлигидир.

2.2. Йилнинг илиқ ва совуқ даврларида ишлаб чиқаришнинг етакчи омилларига гигиеник тавсиф

Замонавий полиграфия корхоналарида иш жойлари ҳавосига асосан қоғоз чанглари чиқади. Бундай чанглар майда заррачали бўлиб, ҳавода узок вақт муаллақ ҳолда туриб, ҳавони ифлослантиради ва инсонлар нафас олиш органларга чуқур кириб боради. Қоғоз чанглари ўзида 10% дан ортиқ кремний икки оксидини тутади ва Давлат Стандарти 12.1.005-88 “Иш жойлари ҳавосига умумий санитар гигиеник талаблар” бўйича ҳавфилигига кўра IV синфида киради. Бу чанглар фиброген таъсир этиш хусусиятига эгадир. Қоғоз чанглари босмалаш ва муқовалаш цехларида қоғозларни ва тайёр босма маҳсулотларини кесишида, қоғоз кесиш машиналарини ишлаши натижасида, қоғоз чиқиндиларини сиқиш ва бункерларга жойлаш ишларини бажариш давомида ҳосил бўлади. Ўрганилаётган полиграфия корхоналари иш жойлари ҳавосини чангланганлик даражасини аниқлаш мақсадида йилнинг илиқ даврида иш жойлари ҳавосидан олинган намуналар тахлили шуни кўрсатди, чангнинг юкори концентрацияси қоғоз кесиш машиналари машинистларининг иш жойида ҳосил бўлиб унинг микдори 5,8-7,2 мг/м³ га teng, қоғоз сикувчиларнинг иш жойларида эса 6,2-7,5 мг/м³ бўлиб, бу кўрсаткичлар 0046-96-сонли СанҚвам “Гигиеник меъёrlар. Иш жойлари ҳавосидаги зарарли моддаларнинг рухсат этилган концентрацияси” бўйича меъёридан 1,2-1,5 мг/м³ га кўп. Меъёрида 6 мг/м³ бўлиши керак. Босмалаш цехи босма машиналаридан 1,5 м масофада олинган намуналарда чанг камроқ концентрацияда ҳосил бўлиши аниқланди (2.2-жадвал). Тезкор бадий цехини асосий иш жойларидан олинган намуналарда чангнинг концентрацияси гигиеник меъёrlар даражасидан ошмаганлиги аниқланди.

Полиграфия корхоналарининг асосий цехлари иш жойлари ҳавосидаги чангнинг микдори йилнинг совуқ даврида йилнинг илиқ даврига қараганда 1-2,2 мг/м³ га камроқ бўлиб, бу ҳавонинг

нисбий намлигини юқорилиги билан боғлиқдир. Чанг микдорини бундай ўзгариши йилнинг бу даври учун хосдир.

2.2-жадвал

Полиграфия корхоналари асосий цехлари иш жойлари ҳавосидаги чангланганлик микдори ($M \pm m$), мг/м³

Цехлар нинг номи	Иш Жойлари	Йилнинг илиқ даври			Йилнинг совук даври			РЭМ, мг/м ³
		мин	макс	$M \pm m$	мин	макс	$M \pm m$	
Босма-лаш цехи	босмаловчи-лар	2,7	4,9	$3,8 \pm 0,36$	1,7	2,7	$2,3 \pm 0,17$	6
Муқова лаш цехи	машинистлар	5,8	7,2	$6,5 \pm 0,56$	5,0	6,5	$5,8 \pm 0,24$	6
	муқовалов-чилар	5,3	6,0	$5,65 \pm 0,10$	4,8	5,5	$5,18 \pm 0,11$	6
	брошюрачи-лар	4,8	6,0	$5,4 \pm 0,19$	4,0	5,8	$4,9 \pm 0,28$	6
	қоғоз сиқувчилар	6,2	7,5	$6,9 \pm 0,21$	5,9	6,7	$6,2 \pm 0,12$	6

Шундай қилиб, чанг омилини гигиеник баҳолаш шуни кўрсатдики, асосий иш жойлари ҳавосидаги чангнинг ўртача микдори муқовалаш цехида Давлат стандарти 12.1.005-88 “Иш жойлари ҳавосига умумий санитар гигиеник талаблар” ва 0046-96-сонли СанМваҚ “Гигиеник меъёрлар. Иш жойлари ҳавосидаги заарли моддаларнинг рухсат этилган концентрацияси” бўйича меъёридан 1,2 мартаға юқори экан.

Полиграфия корхоналари иш жойларида хосил бўлаётган чанг маълум даражада салбий аҳамиятга эга бўлиб, у ишлаб чиқаришдаги бошқа омилларни (кимёвий омил, шовқин ва бошқалар) ишловчилар организмига комплекс таъсирини кучайтириши мумкин.

Ўрганилган корхоналардаги иш жойлари ҳавосини чангланганлик сабаблари таҳлил қилинганда цехлардаги мавжуд

вентиляция тизимларини норационал ташкил этилганлиги ва чанг омили ҳосил бўлаётган жойларда махаллий олиб кетувчи вентиляция тизими мавжуд эмаслиги аниқланди.

Кимёвий омилни гигиеник баҳолаш

Қулай меҳнат шароитини яратиш учун иш жойлари ҳавосини тозалигини таъминлаш зарур. Замонавий полиграфия корхоналаридағи ишлаб чиқариш фаолиятини ўрганиш натижасида ишлаб чиқариш хоналари ҳавосига технологик жараён натижасида турли заарли омиллар чиқиши аниқланди.

Тезкор бадий цехида босма шаклларини кўчирувчининг иш жойида нафас олиш зонасига кимёвий омиллардан бензин буғлари чиқади. Бензин буғлари босма шаклларини яъни метал пластинкаларни тозалаш ва қайта ишлатиш жараёнида ҳосил бўлади.

Иш жойлари ҳавосидан олинган намуналар натижалари таҳлил қилинганда бензин буғларининг юқори концентрацияси $111,2 \text{ мг}/\text{м}^3$ ни ташкил қилмоқда. Давлат стандарти 12.1.005-88 “Иш жойлари ҳавосига умумий санитар гигиеник талаблар” бўйича бензин буғларининг миқдори $100 \text{ мг}/\text{м}^3$ ни ташкил этиши керак.

Босма цехида иш жойлари ҳавосининг газланганлиги ўрганилганда қуидагилар аниқланди: босмаловчи касбида ишловчиларнинг нафас олиш зонасида керосин ва ацетон буғларининг миқдори рухсат этилган миқдордан кўп экан. Ацетон буғлари РЭМ дан 1,1-2,2 марта, керосин буғлари эса 1-1,05 марта кўп (2.3-жадвал).

2.3- жадвал

Полиграфия корхоналари асосий цехлари иш жойлари ҳавосидаги кимёвий омилларнинг миқдори ($M \pm m$), мг/м³

Цехларнинг номи	Иш жойлари	Кимёвий омиллар	Концентрация, мг/м ³			РЭМ, мг/м ³
			мин	макс	$M \pm m$	
Тезкор бадий цехи	босма шаклларини и кўчирувчи	бензин буғлари	84,6	111,2	98,5±4,4	100
Босма цехи	босмаловчи	керосин буғлари	286,2	315,0	303,6±4,4	300
		ацетон буғлари	198,2	450,3	325,1±40,4	200

Шундай қилиб, замонавий полиграфия корхоналарининг асосий цехларида иш жойлари ҳавоси ифлосланишини гигиеник баҳолаш шуни кўрсатдики, кимёвий омилни юқори концентрацияси босмалаш цехида ҳосил бўлиши кузатилди. У ўз таркибида турли компонентли бўёқлар билан босма маҳсулотларига ишлов бериш жараёнларида ҳосил бўлади.

Ўрганилаётган корхоналарда иш жойлари ҳавосида чангланганликни юқори бўлганлиги каби газланганликни хам юқори бўлишига сабаб, цехларда норационал вентиляция тизими танланганлиги ва уни самарасиз ишлаши, шунингдек кимёвий омилларни ҳосил бўлиш жойларида маҳаллий олиб кетувчи вентиляция тизимининг мавжуд эмаслигидир.

Юқоридагилар билан бир қаторда кимёвий омил худди чанг омили каби ишлаб чиқаришнинг бошқа омиллар комплексини организмга салбий таъсирини янада чукурлаштириши билан гигиеник нуқтаи назардан ахамиятли ўринлардан бирини эгаллайди.

Ишлаб чиқаришда шовқин омилини гигиеник баҳолаш

Замонавий полиграфия корхоналаридаги бир қатор касб эгаларининг меҳнати ишлаб чиқарининг ноқулай омилларидан бири шовқин омилининг таъсири билан боғлик. Полиграфия корхоналаридаги технологик жараённи ва қўлланилаётган қурилмаларнинг турлари, уларнинг цехларда жойлашувини тўлиқ ўрганиш, шовқин ҳосил қилувчи асосий манбаларини аниқлаш имкониятини беради.

Бундай манбаларга босмалаш, сахифалаш, кесиш машаналари, шунингдек қофоз чиқиндиларини сикиш қурилмалари киради. Юқоридаги машина ва агрегатларни ишлаши натижасида ҳосил бўладиган шовқин кенг агрегатли бўлиб, унинг даражаси бир вақтда ишлайдиган машиналарнинг миқдори, уларнинг техник ҳолати ва конструкциясига боғлик.

Ўрганилаётган полиграфия корхоналаридаги текширув натижаларида, кўпгина иш жойларидаги ҳосил бўлаётган шовқин келиб чиқиши бўйича механик турга, частота таркиби бўйича ўрта ва юқори частоталига, спектр таркиби бўйича кенг йўллига ва вақт тавсифига кўра доимий бўлмаган шовқинга мансублиги аниқланди.

Текширув натижаларида энг кўп шовқин ҳосил қилувчи қурилмага “Ўзбекистон” номли полиграфия корхонаси босмалаш цехидаги “Циркоп–параит” газета босиши машинаси киради. Унга ишловчиларни шовқиндан ҳимоялаш учун шовқин ютувчи мослама қўйилмаган. Корхонадаги қурилмаларнинг юқори тезликда ишлаши натижасида шовқиннинг эквалент даражаси ўртacha 86 дБА га етадики, бу 0120–01-сонли СанҚвам “Иш жойларидаги шовқиннинг рухсат этилган даражаси” бўйича РЭД дан 6 дБА га юқори (3.4-жадвал).

Босмалаш машиналарининг ишлаши натижасида ҳосил бўладиган шовқин 76-85 дБА ни ташкил этади, бу 250 дан 1000 Гц гача бўлган частоталар оралиғида йўл қўйиладиган даражадан 3-6 дБ юқорилиги аниқланди. (2.5-жадвал).

2.4-жадвал

Полиграфия корхоналари цехларидаги ишлаб чиқариш шовқинининг эквивалент даражаси ($M \pm m$), дБА

Цех номи	Иш жойи	Шовқиннинг даражаси, дБА			РЭД, дБА
		max	min	$M \pm m$	
Босмалаш цехи	газета босиш машинаси босмаловчиси	87,5	84,4	$86,1 \pm 0,45$	80,0
	саҳифалаш машинаси машинисти	85,7	80,4	$83,4 \pm 0,9$	80,0
	қоғоз кесиш машинаси машинисти	86,5	83,6	$85,2 \pm 0,46$	80,0
Муковалаш цехи	қоғозларни йиғиш, сикиш бункери сиқувчи	85,3	80,4	$82,8 \pm 0,8$	80,0

Босмалаш цехида шовқин ҳосил қилувчи манбаларнинг яна бири сахифалаб берувчи “Horizon” маркали қурилмадир. Сахифалаб берувчи машина машинистининг иш жойидаги шовқиннинг умумий даражаси ўртача $83,4 \pm 0,90$ дБА ни ташкил этади. РЭД эса 80 дБА га teng.

Ўрганилаётган иш жойларида шовқиннинг спектрограммаси таҳлил қилинганда, юқори частоталарда йўл қўйиб бўладиган микдордан ошиши аниқланди. (З-илова).

Шундай қилиб, шовқиннинг максимал даражадан ортиши 1000 Гц ли частота оралиғида кузатилди ва бу ўртача 78 дБ (4-илова) ни ташкил этади. Шовқиннинг юқори даражада бўлиши биринчи навбатда сахифалаб берувчи қурилманинг конструктив хусусиятларига, айнан бир-бирига урилувчи ва айланувчи юзали элементларни кўплигига, шунингдек сахифалаш машинаси механизми (машинанинг айланувчи қисми, таянч деталлари) га

боғлиқ. Бунда ҳосил бўлаётган шовқинлар импульсли характерга эгадир.

Босмалаш цехидаги кесиш машиналари машинстларининг иш жойидаги шовқин 84 дан 86 дБА ни ташкил этиб, бу рухсат этилган даражадан 4-6 дБА га юқоридир (3.4-жадвал).

Товуш босимининг частоталар бўйича тавсифини ўрганишда ва спектрал таркибини таҳлилида шовқиннинг юқоридаги иш жойларида 0120-01-сонли СанҚвам бўйича йўл қўйиладиган микдордан 2–3 дБ га юқори эканлиги, аниқланди (4-илова) .

Муқовалаш цехида технологик жараённи ўрганиш натижасида шовқин ҳосил қилувчи манбаа қоғозларни ва уларнинг чиқиндиларини сиқиши машинаси эканлиги аниқланди. Қоғоз сиқувчиларнинг иш жойларида товуш босимининг мароми (интенсивлиги) шовқиннинг эквавалент даражаси бўйича меъёридан 1–5 дБА га (3.4-жадвал), шунингдек спектрал таркиби бўйича 500 дан 4000 Гц частоталар оралиғида 1–7 дБ га юқорилиги аниқланди (4-илова).

Шундай қилиб, ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўлаётган шовқин даражасини технологик қурилмаларнинг конструктив камчиликлари билан бир қаторда, машиналарнинг техник ҳолати билан ҳам боғлаш мумкин. Бунда деталларни бир–бири билан боғловчи қисмларнинг динамик балансининг ёмонлиги натижасида шовқин ҳосил бўлади.

Булардан ташқари ишлаб чиқариш майдонидаги қурилмаларнинг монтаж қилиниш ишларининг ёмонлиги, уларнинг техник эксплататация қилиш қоидаларини бузилиши, ўз вақтида бажарилмаган ёки сифатсиз бажарилган техник таъмирлаш ҳам шовқин даражасининг ортишига олиб келади.

Шунингдек замонавий полиграфия корхоналари цехларда қўлланилаётган юқори қувватли вентиляция қурилмалари, цех майдони ичидаги транспорт ва турли ёрдамчи қурилмалар ҳам юқоридагига қўшимча равишда ишлаб чиқариш шовқинни ҳосил қиласди. Бу эса асосий шовқин ҳосил қилувчи манбалардан ҳосил

бўлаётган шовқин ва ишлаб чиқариш муҳитининг бошқа омиллари билан комплекс равишда таъсир этиб, ишловчилар организми функционал ҳолатининг ўзгаришига олиб келади.

Ишлаб чиқариш микроиклимини гигиеник баҳолаш

“Ўқитувчи” ва “Ўзбекистон” номидаги замонавий полиграфия корхоналари метереологик шароити, технологик жараённи ўзига хос хусусиятини, иқлим минтақасини, йил даврларини, бинонинг конструкциясини ҳисобга олган ҳолда аникланди.

Ташқи муҳитни метеоҳолатига боғлик ҳолда корхонадаги микроиклим ўзгарувчандир. Микроиклимини гигиеник баҳолаш бўйича полиграфия корхоналари асосий иш жойларида ўтказилган тадқиқотлар йил даврларини (илиқ ва совуқ) ҳисобга олган ҳолда олиб борилди.

Ишлаб чиқариш хоналари микроиклимининг асосий ахамиятга эга бўлган компонетларидан бири ҳавонинг ҳароратидир.

0203-06-сонли СанҚвам “Иш жойларидағи микроиклимини санитар меъёр қоидалари” бўйича полиграфия корхоналарида ишловчиларда юқори даражадаги иш қобилятини таъминловчи опимал ҳарорат йилнинг илиқ даврида $+23-25^{\circ}\text{C}$, йилнинг совуқ даврида $+18-20^{\circ}\text{C}$ га teng бўлиши керак.

Ўтказилган тадқиқотлар таҳлили натижасига кўра “Ўзбекистон” ва “Ўқувчи” номли полиграфия корхоналари асосий цехлари ишлаб чиқариш муҳитидаги ҳароратнинг ўртача кўрсаткичлари фақат йилнинг илиқ давридагина йўл қўйиладиган меъёрлар даражасида бўлиши аникланди.

Ҳавони кондиционерлаш имкони бўлган ишлаб чиқариш цехларида ҳарорат стабил (доимий бир хил) даражада бўлади (5-илова). Йилнинг совуқ даврида ўрганилаётган корхонадаги асосий иш жойларида ҳавонинг ҳарорати рухсат этилган меёрдан $2,5-3^{\circ}\text{C}$ га пастлиги аникланди.

Кўпроқ ҳавонинг ҳароратини пасайиши кесиш машинаси машинистнинг иш жойида кузатилди. Бунда дастлабки вактда ҳарорат ($+15,6^{\circ}\text{C}$) га тенг. Соат 11^{00} да ҳарорат бироз кўтарилиб $+17,1^{\circ}\text{C}$ га етди. Соат 15^{00} да эса йўл қўйиладиган микдорнинг пастки чегараси яъни $+18^{\circ}\text{C}$ гача кўтарилиди (3.6-жадвал). Корхонадаги бошқа иш жойларидағи ҳарорат 0203–06 сонли СанҚвам дан бироз ($2\text{--}3^{\circ}\text{C}$) пастлиги билан фарқланади.

Инсон организмида иссиқлик ҳосил бўлиши ва иссиқликни узатилиши атроф муҳит ҳарорати билангина боғлиқ бўлиб қолмай, балки ҳавонинг намлиги билан ҳам боғлиқ. Ҳарорат омилиниң ҳавонинг намлиги билан қўшилиши натижасида юқорида кўрсатилган жараёнларни динамикасини аниқлаш мумкин. Шуни инобатга олиш керакки, кўпгина ишлаб чиқариш корхоналарида ҳавонинг намлиги ишловчилар организми физиологик ҳолатига таъсир этувчи омил бўлиши билан бир қаторда, ишлаб чиқариш технологиясида зарурий омил хисобланади.

Айнан кейинги кўрсатилгани полиграфия корхоналарида ахамиятли ўринни эгаллади. Нисбий намликни ўзгариши технологик жараёнга таъсир этиб босма маҳсулоти сифатининг ўзгариши ва сифатсиз маҳсулот ҳосил бўлишига олиб келиши мумкин.

Корхонадаги нисбий намлик кўрсаткичлари оптимал кўрсаткичларга (40-60%) мос келади. Нисбий намликни бироз паст кўрсаткичи (3,2%) йилнинг илиқ даврида эрталабки соат 8^{00} да босмаловчиларнинг иш жойида 37,8% кузатилди. Аммо соат 11^{00} да бу кўрсаткич рухсат этиладиган даражага етди. (46,2%) (5-илова).

Нисбий намликни энг муқим кўрсаткичи муқовалаш цехида кузатилиб, у йилнинг илиқ даврида ҳам, йилнинг совук даврида ҳам меъёрий кўрсаткичлар даражасида эканлиги аниқланди.

Микроиклим кўрсаткичларни ўрганиш давомида ишлаб чиқариш муҳитида ҳавонинг харакат тезлиги ҳам ўрганилди. Ҳавонинг харакат тезлигини етарли бўлмаслиги иш жойлари

ҳавосини чангланганлик ва газланганлик кўрсаткичи юқори бўлишига олиб келиши мумкин. Ўтказилган текширувлар натижаларини тахлилида полиграфия корхоналари асосий цехларидаги ҳавонинг ҳаракат тезлиги кўрсаткичлари гигиеник талабларни хисобга олган ҳолда оптимал микдорларга мос келиши аниқланди (5-илова).

Шундай қилиб, полиграфия корхоналари асосий цехларидаги микроиклимини ўрганиш бўйича текширувлар натижалари асосида қуидагича хulosага келиш мумкин. Ўрганилаётган корхоналардаги микроиклим ноқулайлиги билан таърифланади. Унинг параметрларидан бири ҳавонинг ҳарорати йилнинг совук даврида айrim иш жойларида (компьютерда ҳарф териш ва чиқариш оператори, мусахҳих, дизайнер, кесиш ва саҳифалаш машинаси машинистлари) йўл қўйиладиган микдордан паст. Бу олиб келувчи–олиб кетувчи вентиляцион ҳаво қувурларининг норационал конструкцияси, шунингдек иситиш тизимини бошқаришни ноқулайлиги билан боғлиқки, булар ишловчилар учун қониқарсиз меҳнат шароитини ҳосил қиласди.

Ишлаб чиқаришда ёритилганликга гигиеник баҳо бериш

Замонавий полиграфия корхоналарида ишловчиларнинг меҳнат фаолияти кўрув анализаторларини доимий равища зўриқиши билан тавсифланади. Корхонадаги барча турдаги ишлар асосан визуал назорат орқали бажарилади. Кўз органларини зўриқиши билан кечадиган асосий касбларга мусахҳихлар, назоратчи–тахловчилар шунингдек, босмалаш цехида бажариладиган меҳнат жараёнлари киради. Шуни таъкидлаш керакки корхоналарда янги техникаларни, айнан видеодисплейли видеотерминал қурилмаларни қўлланилиши кўриш органлари зўриқиши билан кечадиган ишларни микдорини оширади, бу эса ўз навбатида юқоридаги касблар билан бирга замонавий босмалаш машиналари машинистлари ва операторлари меҳнат фаолиятидаги ноқулайликларни

профилактикасини ишлаб чиқиш бўйича гигиенистлар олдига бир қатор вазифаларни қўяди.

Шу билан бирга чиқарилаётган маҳсулот сифатига хам талаблар ошадики, бу эса қуйидагиларга боғлиқ: ёруғлик тизими ва манбаларини ўз ичига олувчи иш жойларидаги ёритилганликни оптимал даражада бўлишига, ишлаб чиқариш хоналарида ёритилганлик тизимларини (архитектура) лойиҳаланиши ва жойлашувига, иш жойларини рационал ёритиш билан бирга қулай ёруғлик иқлимига.

“Ўзбекистон” ва “Ўқитувчи” номидаги полиграфия корхоналарини ишлаб чиқариш цехлари маҳсус лойиҳа асосида қурилган тўрт қаватли биноларда жойлашган.

Ишлаб чиқариш хоналаридаги ёритилганлик аралаш турда (табиий ва сунъий) бўлиб, табиий ёритилганлик бир ва икки томонлама жойлашган дераза ойналари орқали амалга оширилади. Сунъий ёритилганлик эса умумий ёритиш тизимидағи ОД ва ЛДЦ туридаги тўғри тарқалувчи люминисцент ёритгичлар билан амалга оширилади. Ёритгичларни осилиш баландлиги иш жойидан 3-4,5 м ни ташкил қиласди.

Асосий цехлардаги фактик (хақиқий) ёритилганлик даражаси 200 дан 300 лк гача оралиқда бўлиб, бу кўп ҳолларда амалдаги меъёрларга жавоб беради. Аммо баъзи иш жойларидаги минимал ёритилганлик даражаси паст бўлиб, бу полиграфия корхоналари учун сунъий ёритилганликни йўл қўйиб бўладиган меъёрига жавоб бермайди.

Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра босма шакларини кўчирувчини, кесиш ва саҳифалаш машинаси машинистлар, брошюровкачи, муқовачи ва қоғозларни сиккувчиларни иш жойларидаги сунъий ва аралаш ёритилганлик даражаси ҚМҚ 2.01.05-98 “Табий ва сунъий ёритилганлик” бўйича меъёрига мос келади. (3.5-жадвал).

Босма шакларини тайёрлаш участкасидаги кўчирувчи ва саҳифалаш машиналари машинистларининг меҳнати ўртacha аниқлиқдаги IV разрядга кириб, кўз билан ажратиладиган энг

кичик объектнинг ўлчами 0,5-1,0 мм га тенг. Ёритилганликни ўлчаш натижалари бўйича сунъий ёритилганликни ўртacha микдори (300 лк), аралаш ёритилганлик даражаси эса (ТЁК 0,9%) ташкил этиб, бу амалдаги гигиеник меъёрларга мос келади (2.5-жадвал).

Брошюровкачилар ва муковаловчиларнинг меҳнати кўрув ишининг разряди бўйича V гурухга кириб кам аниқликдаги ишдир. Кўз билан ажратиладиган объектнинг энг кичик ўлчами 1 дан 5 мм гача дир.

Кўрсатиб ўтилгандек юқоридаги иш жойларидағи ёритилганликни кўрсаткичлари гигиеник меъёрлар даражасида экан (сунъий ёритилганлик 300 лк ва ТЁК 0,6%) (3.5-жадвал).

Ёритилганликни паст кўрсаткичлари босмаловчилар, комьютерда ҳарф териш операторлари ва тикувчиларнинг иш жойларида аниқланди. Комьютерда ҳарф терувчи операторнинг иши кўрув ишининг тавсифи бўйича II разряд жуда юқори аниқликдаги ишга кириб, бу иш кўрув органлари фаолиятининг зўриқиши билан кечади. Кўз билан ажратиладиган энг кичик объектнинг ўлчами 0,15-0,3 мм.

Ёритилганликни ўлчаш натижасида сунъий ёритилганлик даражаси ўртacha 200 лк ни (меърида 300 лк), аралаш ёритилганлик эса 1,2% ташкил этади (меърида 1,5%). Бу кўрсаткичлар ишлаб чиқаришда ёритилганлик даражаси етарли эмаслигидан далолат беради. Тикувчиларнинг меҳнати кўрув ишининг тавсифи бўйича III разряд юқори аниқликдаги ишга кириб, кўз билан ажратиладиган энг кичик объектнинг ўлчами 0,15-0,3 мм. Ёритилганликни ўлчаш натижасига кўра сунъий ёритилганлик даражаси ўртacha 330 лк ташкил этиб (меърида 400 лк), аралаш ёритилганлик кўрсаткичи (1,2%) меъёрлар даражасидадир.

Бошқа касбий гуруҳларнинг ишчи юзаси кузатилганда, у ердаги ёритилганлик даражаси гигиеник меъёрларга мос эмаслиги аниқланди. Босмаловчиларнинг меҳнати ишлаб чиқаришга юқори талаблар қўйиш билан тавсифланади.

2.5-жадвал

Полиграфия корхоналари асосий иш жойларидағи ёритилгандыкни ўртача міндорлари

Иш жойи	Күрув ишининг разряди	Умумий ёритиш тизимида сунъий ёритилгандык, лк		Икки ён томондан ёритиш тизимида араша ёритилгандык, %	
		ўлчанган	меъёр	ўлчанган	меъёр
Компьютерда ҳарф териш оператори	II	200	300	1,2	1,5
Босма шакларини кўчирувчи	IV	300	300	0,9	0,9
Босмаловчилар	III	350	400	1,0	1,2
Кесиш машинаси машинисти	III	350	400	1,2	1,2
Саҳифалаш машинаси машинисти	IV	300	300	0,9	0,9
Брошюровкачи	V	300	300	0,6	0,6
Муқоваловчи	V	300	300	0,6	0,6
Қоғоз сиқувчи	VI	200	200	0,7	0,6
Тикувчи	III	330	400	1,2	1,2

Босмаловчиларнинг меҳнати кўрув ишининг разряди бўйича III разряд, юқори аниқликдаги ишга киради. Фарқ қилинадиган объектнинг энг кичик ўлчами 0,3-0,5 мм. Ёритилгандык даражасини ўлчаш бўйича натижаларига кўра бу иш жойларидағи сунъий ёритилгандык 350 лк ни ташкил этиб, меъёрида бу кўрсаткич 400 лк бўлиши керак. Араша ёритилгандыкда эса ТЁК 0,9% ни ташкил этиб, меъёрида 0,9% бўлиши керак. Юқоридаги кўрсаткичлар ҚМҚ 2.01.05-98 “Табий ва сунъий ёритилгандык” бўйича меъёридан кам эканлигини кўрсатмоқда.

Юқоридагиларни инобатта олган ҳолда полиграфия корхоналаридаги компьютерда ҳарф териш оператори, ишнингдек босмаловчиларнинг иш жойларидаги ёритилганлик даражасини кам бўлишига сабаб қуидагича изохланади: сунъий ёритилганлик тизимида ёритгичларнинг микдорини камлиги, технологик қурилмалар устида ёритгичларнинг нотўғри жойлашуви, куйган ёритгичларни ўз вақтида алмаштирилмаслиги, дераза ойналари ва ёритгичларни ўз вақтида тозалаб турилмаслиги.

Шундай қилиб, ёритилганлик тизимини норационаллиги, ёритгичларни жойлашувини келишилмаганлиги ва ёритиш арматураларининг қониқарсиз ҳолати полиграфия корхоналарида ишловчиларнинг меҳнатини кескинлигини ошишига сабаб бўлади.

Электромагнит нурланишларни гигиеник баҳолаш

Тадқиқот ўтказилаётган полиграфия корхоналарида видеодисплейли терминаллардан (ВДТ) фойдаланишда бир қатор иш жойларида 5 Гц дан 10 мГц гача бўлган частотали диапозонда паст жадалликдаги, кенг тасмали спектрга оид, кам қувватли электромагнитли нурланишлар пайдо бўлиб, бу нурланишлар радиотехник воситалар ва ишлаб чиқариш корхоналаридаги мосламаларда ҳосил бўладиган мазкур турдаги электромагнит майдонлардан (ЭММ) принципиал жиҳатдан фарқ қиласди.

Замонавий “Colbus” туркумидаги босма машиналари маълумотларни визуал тасвирини берадиган воситага эга бўлиб, улар дисплей ёки ВДТ кўринишида бўлади.

Электрон нурли найчага асосланган ва бугунги кунда кенг кўламда қўлланилаётган дисплейлар ишчилар организмига таъсир кўрсатувчи номувофиқ омилларнинг асосий манбай ҳисобланиб, бу омиллар ичida экраннинг эргонометрик параметрлари ва унинг нур тарқатиш хусусияти ўзига хослиги билан ажралиб туради. ВДТ тармоқли фильтр, энергия билан

узлуксиз таъминловчи манба ва бошқа ёрдамчи электр жихозлари билан таъминланган бўлиб, улар харфларни компьютер орқали терувчи ва саҳифаловчи операторлар, босмаловчи ва қофозларни кесувчи жихоз машинистларининг иш жойларида мураккаб электромагнит майдонли вазиятларни шакллантиради. Табийки, бундай шароитда ишловчи ходимларнинг 80% иш вақти электромагнит майдон манбалари билан боғлиқ.

Текшириш жараёнида аниқланишича, юзага келаётган электромагнит майдонлари Халқаро регламентларга мувофиқ 5 Гц-2 кГц диопазондаги паст частотали (босмадан чиқариш жихозлари) ва 2-400 кГц диопазондаги узун тўлқинли юқори частотали (қофоз қирқиш машиналари) товуш тўлқинларига таалуқлидир.

Олинган натижалар шундан далолат берадики, 5 Гц дан 2 кГц гача бўлган кучланишни ташкил қилувчи видеомонитордан 50 см гача бўлган масофада жойлашган ҳарф терувчи операторларнинг иш жойларидаги электромагнит майдоннинг қиймати мувофиқ равиша РЭД 25 В/м бўлгани ҳолда, 12 ва 18 В/м ни ташкил этди.

Қирқиш машиналарини бошқарувчисининг иш жойида электромагнит майдоннинг жадаллиги 2 Гц дан 400 кГц гача бўлган частотали диапозонда 1,1 В/м тўғри келиб, 0224-07-сонли СанҚвам (2.6-жадвал) га мувофиқ 2,5 В/м қийматда меёrlастирилган. 5-400 Гц частотали диапозондаги видеомонитор атрофидаги иш жойларида электромагнит майдонининг кучланганлигини ўлчашда олинган маълумотларнинг кўрсатишича, унинг кўрсаткичи 2-3 А/м доирасида тебранган ҳолда меъёрий хужжатда бу иш жойлари учун белгилangan РЭД 5 А/м га tengdir.

Бундан ташқари, қофозларни босмага тайёрлаш, тайёр маҳсулотларни безаш ва зийнатлаш каби айrim операциялар жараёнида ишлашга халал берадиган статик электрланиш заряди хам ҳосил бўлади. Бундай ҳолатлар кўпинча электрсизланиш қиймати бўйича сезиларли даражада намоён бўлади, бу

қийматларнинг тўпланиши эса, ишловчиларда номувофиқ сезгиларни келтириб чиқариши билан бир қаторда меҳнат унумдорлиги ва махсулот сифатини пасайишига сабабчи бўлади.

2.6-жадвал

Видеодисплейли терминаллар билан жихозланган иш жойларидаги ЭММ кучланишининг ўртача қийматлари

Цех номи	Иш Жойи	ЭММ кучланганлиги			
		Электр майдони, В/м		Магнит майдони, А/м	
		ўлчанганди қиймат	меъёр	ўлчанганди қиймат	меъёр
Тезкор бадий босма цехи	компьютерда харф териш оператори	12	2,5 (5 Гц-2 кГц частотали диопазон зонасида)	2	5
Босма цехи	Босмаловчи	18	25	3	5
	кесиш маинаси машинисти	1,1	2,5 (5 Гц-2 кГц частотали диопазон зонасида)	2	5

Аниқланишича, қирқиши ва босма махсулотига ишлов бериш жараёнида қофоз юзасидаги статик электрланиш 9-12 кВ/м ни ташкил этиб, бу қиймат 0224-07-сонли СанҚвам га мувофиқ (РЭД 20 кВ/м) гигиеник меъёрдан ошмайди (2.6-жадвал). Тадқиқот натижаларига кўра, статик электрланиш қийматига машиналарнинг ишлаш тезлиги, қофозларнинг сифати, уларнинг зичлиги, ҳаво мухитининг намлиги ва бошқа омиллар таъсир қиласи.

Шундай қилиб, қайд қилинадиган электромагнит нурланишлар даражаси ва электростатик майдон қиймати амалдаги меъёрий қийматлар доирасидадир, аммо ВДТ нинг кўриш анализаторларига, руҳий эмоционал зўриқишига узоқ муддатли таъсири каби омиллар билан биргаликда таъсир этиши

полиграфия корхоналари ишловчиларининг саломатлигига жиддий ҳавф туғдиради.

Юқорида баён этилган барча маълумотларни ҳисобга олиб, ўтказилган санитар-гиеник ва лаборатор инструментал текшириш натижалари қуйидаги хулосаларни чиқаришга асос бўлади:

-замонавий полиграфия корхоналаридаги технологик жараённинг турига боғлиқ ҳолда, ишлаб чиқариш муҳитидаги омиллар бир – бирига қўшилиб комплекс таъсир кўрсатади, бу омиллар: ишчи зонаси ҳавосининг чангланганлиги ва газланганлиги, шовқиннинг рухсат этилган даражадан юқори эканлиги;

-бажариладиган меҳнатнинг табиати ва касбий хусусиятларини ҳисобга олганда ишчи юзаларини етарли даражада ёритилмаганлиги кабилар.

Шундай қилиб, замонавий полиграфия корхоналарида турлика технологик жараёнларни амалга оширишда кўп сонли асбоб ва курилмаларни қўлланилиши ишлаб чиқаришда чарчашни ривожланиши ҳамда ишловчилар организми функционал ҳолатини зўриқишига олиб келиши мумкин.

Ш-БОБ. ПОЛИГРАФИЯГА ОИД КОРХОНАЛАРДА АСОСИЙ КАСБИЙ ГУРУХ ИШЧИЛАРИ ОРГАНИЗМИ ФУНКЦИОНАЛ ҲОЛАТИНИНГ ФИЗИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ.

Механизациялаштириш ва автоматлаштириш воситаларининг амалиётга татбиқ этилиши, материаллар ва тайёр маҳсулотларни ташиш учун конвейрлардан фойдаланиш, ишлаб чиқаришга доир хоналар бўйича ишчининг бажарадиган иш турлари унинг харакат фаолиятини кескин чеклайди ва жисмоний юкламанинг камайишига олиб келади. Бундан ташқари замонавий полиграфия корхоналаридаги ишчиларнинг меҳнат фаолиятидаги ишларнинг аниқлиги, таъсиротларга тез жавоб бериш зарурияти, ўта юқори даражада асаб зўриқиши кабиларга юқори талабчанлиги билан таърифланади. Ишловчилар материалларни нашрга тайёrlаш жараёнидан тортиб, тики нашрдан чиқарилган тайёр маҳсулотни олгунча, ишлаб чиқариш мухитидаги мавжуд номувофиқ омилларнинг комплекси таъсири остида хилма-хил иш операцияларини бажарадилар. Ҳозирги шароитда полиграфия корхоналари ишчиларининг меҳнати ҳам ақлий, ҳам жисмоний зўриқишларни келтириб чиқариш хусусиятига эга бўлиб, ўрганилаётган корхоналардаги асосий ишчи гурухларининг профессиографик хусусиятларини тўлиқ ва батафсил ўрганиш лозимлигини талаб қиласди.

3.1. Полиграфия корхоналари ишчиларининг профессиографик тавсифи ва иш жараёнининг хронометражи

Махаллий ва регионал табиатга эга бўлган мушаклар зўриқишлари, асбоб ва жихозлар, ишчи мебелларидағи аниқ конструктив камчиликларни борлиги, меҳнатнинг бир маромда (монотонли) бажарилиши, юқори даражадаги асаб руҳий зўриқишларнинг қониқарсиз гигиеник вазиятлар билан биргаликда кузатилиши каби ҳолатлар, иш қобилиятининг

пасайиши, толиқиши ҳолатининг эрта намоён бўлиши, умумий касалланиш даражасининг кўтарилиши ва касб касалликлари ходисаларининг пайдо бўлишига имконият яратади.

Полиграфия корхоналарининг бошқа цехларда бажариладиган ишлардан фарқли ўлароқ, тезкор-бадиий ва босмалаш цехларидаги ишлар юқори даражадаги ақлий зўриқишлиарни талаб қилиб, оқибат натижада чиқарилаётган босма маҳсулотларининг сифатига таъсир этади, ҳамда ишчиларда кўриш ва дикқат эътиборни жамлаш функциясини зўриқтиради. Компьютерда матн териш операторлари мураккаблик даражаси ҳар хил бўлган матнларни теради ва компьютер мониторидаги бошқа маълумотлар билан ҳам ишлайди, бунда асосий ишга машғуллик вакти, иш кунининг 80% ни ташкил қиласди. Операторларни қолган вақти (12%) ёрдамчи ишларни бажаришга сарфланади: материал танлаш, саралаш, соҳага таълуқли материалларни тақсимлаш, архив материалларини яратиш ва б.к.

Иш кунини ташкил қилиш таркиби бўйича мусахҳих ва дизайнерларнинг фаолияти бир-бирига яқин. Мусахҳихлар матнда йўл қўйилган хатоликларни тўғирлаш, мухаррир томонидан таҳrir қилинган матнни, компьютердан чиқарилган матн билан солишириш, босмадан чиқариш учун таҳrir қилинган охирги нусҳани текшириш ва саҳифалаб чоп этилган сигнал нусҳасини назоратдан ўтказиш каби ишларни бажаради. Юқорида баён қилинган фаолиятлар учун иш кунининг 84% дан ортиқ вақти сарфланиб, қолган вақтни (16%) турли ёрдамчи ишлар банд қиласди. Улар: босмадан чиқарилган материалларни саралаш, нуқсони бор маҳсулотни четлатиш ва бошқалар.

Нусха қўчирувчи, кейинги нашр учун босма шаклларини тайёрловчи, босма пластинкаларини тайёр босма ҳолатига келтирувчилар ўз вазифаларни бажариш учун иш вақтининг 80% ини сарфлайди, қолган 18% вақти эса, шаклларни тайёрлаш, сифатсизларини четлаштириш, саралаш каби қўшимча ишларни бажаришга кетади. Шу билан бирга вақтини бекорга ўтказиш

техник сабабларбўйича 2,7% ва ташкилий ишлар бўйича 3,1% бўлиб, у фойдаланилаётган асбоб ва жихозлар билан боғлиқдир. Бошқа нарсаларга чалғишининг солиштирма оғирлиги ахамиятсиз (2,5%) бўлиб, қўшимча ишларни бажариш жараёнида ишчилар кисман дам олади, гавдани “турган” ҳолатини “ўтириш” ҳолатига алмаштиради, харакатланади ва цех бўйлаб хамкаслари билан мулоқатда бўлади. Технологик жараён бўйича кейинги цех босмалаш цехи бўлиб, бу ерда босмаловчилар ва саҳифалаш машиналари машинистлари фаолият кўрсатадилар.

Босмаловчиларнинг меҳнат фаолияти технологияси бўйича икки турдаги ишдан иборат бўлиб, босмалаш машиналарини ишга тайёрлаш ва материални белгиланган нусҳада чоп этишдан иборат. Шунингдек, нашрдан чиқаришда ишчи ишнинг сифатини назорат қиласи, машиналарни қофоз билан таъминлайди ва бунинг учун иш вақтининг 80% сарфланади.

Хронометражли кузатишлардан олинган маълумотларга кўра ўрганилаётган ишчиларда иш кунинг зичлиги материалларга қўшимчалар киритиш ва безаш жараёнлари ҳисобига 85% дан ортишини ташкил этиб, бундан асосий операцияларни бажариш учун 80% ва қўшимча ишларни бажариш учун сарфланадиган вақт 16% ни ташкил этади (3.1-жадвал). Қофозларни кесиш ва саҳифалаш машиналари машинистларининг иш кунини хронометраждан ўтказиш шундан далолат берадики, баражариладиган асосий ишлар қофоз ўрамларини қабул қилиб олиш ва кесиш, тайёр материалларни саҳифалаш машиналар ишини назорат қилишдан иборат бўлиб, иш кунинг 75% га яқинини ташкил этади, бундан 15% қўшимча ишларни бажаришга тўғри келади. Қолган вақтнинг 2% и беихтиёр юз берадиган тўхташлар ва бекор туришга сарфланган вақтлар 8% ни ташкил этади (3.1-жадвал).

3.1-жадвал

Иш сменасининг давомийлиги бўйича ишчилар иш кунининг хронометражи, мин (%)

Касблар	Кузатиш вақти, минут											
	Жами		Иш вақти				Ишсиз туриш вақти				Дикқат-этибор-нинг чалғиши	
			асосий		ёрдамчи		техник сабабла р бўйича		ташкили й сабабла р бўйича			
	мин	%	мин	%	мин	%	мин	%	мин	%	мин	%
Компьютер -да ҳарф терувчи	480	100	384	80	58	12	24	5	15	3	-	-
Мусаххих	480	100	403	84	48	10	-	-	9,5	2	19	4
Босма шаклларини кўчирувчи	480	100	394	82	37	7,7	13	2, 7	15	3, 1	12	2,5
Босмаловчи	480	100	384	80	77	16	9,5	2	-	-	9,5	2
Машинист	480	100	360	75	72	15	15	3	24	5	9,5	2
Брошюралов-чи	480	100	329	68	109	22	-	-	28	5, 9	14	2,9
Муқовалов-чи	480	100	384	80	35	7,3	7	1, 5	-	-	54	11,2
Коғоз сиқувчи	480	100	317	66	48	10	49	10	63	13 ,1	3	0,6
Тикувчи	480	100	374	78	58	12	9,5	2	38	8	-	-

Замонавий босмахоналардаги технологик жараёни босмадан чиқарилган махсулотларни китоб шаклида муқовалаш цехида якуний босқичга ўтади ва бу ерда брошюраловчилар, муқоваловчилар ва махсус машиналарда ишловчи тикувчилар фаолият кўрсатадилар.

Брошюрачиларнинг иш операцияларини хронометраждан ўтказиш шуни кўрсатади-ки, босмадан чиқарилган маҳсулотларни брошюралаш, саралаш ва назоратдан ўтказиш бўйича бажариладиган операциялар комплекси асосий иш кунининг 68,5% га яқин вақтига тўғри келиб, ёрдамчи ишларга сарфланадиган вақт 22,7% ни, ишсиз туриб қолиш вақти 5,9% ва бошқа нарсаларга чалғиши 2,9% ни ташкил этади. Иш вақтининг бундай тақсимланиши иш жараёнининг оғир эканлигидан (мажбурий ишчи ҳолат, оғир юкларни кўтариш ва ташиш) далолат беради.

Муқовачининг меҳнат фаолияти жихозлар, асбоб-ускуналарнинг иши билан боғлиқ бўлиб, умумий иш вақтининг 80% ни ташкил қиласди. Ўзининг мазмун ва моҳияти бўйича оддий операцияларнинг бир суръатда кўп марта қайталаниши кам мазмунли, монотонли иш тури бўлиб қолишига сабабчи хисобланади. Кўшимча ишларни бажариш (7,3%) ва бекор туриш (1,5%) вақтининг солиштирма оғирлиги юқори бўлмай, асосий ишдан чалғиши вақти юқоридир. У 11,2% ташкил этди. Бир иш туридан иккинчисига ўтиш ҳар 35-40 секундда кузатилиб, иш сменаси давомида 6-10 минг марта тўғри келади.

Ипда тикиш машиналарида ишловчи тикувчиларнинг ишини хронометражли кузатиш натижасига кўра, иш вақтининг 78% асосий операцияни бажаришга (китоблар, журналлар), ҳамда тайёр маҳсулотларни текшириш, ўраш ва боғлаш кабиларга сарифланади. Иш кунининг қолган вақти асбоб-ускуналарни созлаш ва жихозларнинг кичик ҳажмдаги таъмирлаш ишларини бажариш (10%), чиқарилган маҳсулотларни саралаш (2%) каби ёрдамчи ишлар учун кетади. Унчалик юқори бўлмаган бекорчи вақт (2%) ўз-ўзидан юзага келадиган тўхташ вақти билан боғлиқ бўлиб, иш жараёнининг оғир ва кескин эмаслигидан дарак беради.

Қоғоз сикувчиларнинг меҳнат фаолиятини хронометраж асосида ўрганишнинг кўрсатишича, асосий иш (тайёр маҳсулотни гидравлик сиқиши қурилмаси ва туширувчи бункерларда

қоғозларни кесиши) 66% ташкил этса, ёрдамчи ишлар 10% ташкил килади ва бунда иш вақтининг 4% қисми (13,1%) ишчиларга боғлиқ бўлмаган танаффусларга ва 10,3% бекорчи вақтга тўғри келиб, у технологик жараённинг ўзига ва асбоб-ускуналардан фойдаланиш билан боғлиқдир (3.1-жадвал).

Шундай қилиб, полиграфия корхонасидаги асосий гурух ишчиларининг иш вақтини хронометраждан ўтказиш натижалари ишлаб чиқариш муҳитидаги омилларнинг заарли ва ҳавфлилик кўрсаткичларини, ўрганилаётган корхонадаги ишчиларнинг меҳнат жараёнини оғирлиги ва кескинлигини баҳолашга асос бўлади.

3.2. Ишлаб чиқариш муҳитидаги заарли ва ҳавфли омиллар, ишчилар меҳнатининг оғирлиги ва кескинлиги кўрсаткичлари бўйича меҳнат шароити синфларини аниқлаш

Полиграфия корхоналаридаги ишлаб чиқариш муҳити ва иш жараёнидаги заарли омилларни гигиеник баҳолаш, меҳнат шароитини амалдаги гигиеник меъёрлардан оғиш даражаси бўйича фарқлаш ва шунга мувофиқ ишчилар саломатлиги ва функционал ҳолатини издан чиқариши мумкин бўлган таъсирини аниқлашга имкон беради.

Юқорида баён этилганларни ҳисобга олиб, замонавий полиграфия корхоналари ишчиларининг меҳнат шароитини ишлаб чиқариш муҳитидаги омилларнинг заарлилик ва ҳавфлилик кўрсаткичлари, ишлаб чиқаришга оид омилларнинг комбинациялашган таъсирлари ҳамда иш жараёнининг оғирлиги ва кескинлиги кўрсаткичларини баҳолаш, 0141-03-сонли СанҚвам “Ишлаб чиқариш муҳитидаги омилларнинг заарлилиги ва ҳавфлилиги, иш жараёнининг оғирлиги ва кескинлиги кўрсаткичлари бўйича меҳнат шароитининг гигиеник таснифи” ва “Иш жойларини аттестациядан ўтказишда меҳнат

жараёнининг кескинлигини баҳолаш бўйича услугий тавсиянома” асосида ўтказилди.

Ишлаб чиқаришга оид шовқин таъсир этганда меҳнат шароитини баҳолаш рухсат этиладиган даражадан ошиши бўйича ўтказилди ва бунда мазкур корхонадаги меҳнат шароити “зарарли” деб таърифланиб, шовқиннинг эквивалентли даражаси бўйича рухсат этилган даражадан 7 дБА гача ортиши ва белгиланган октава тасмасида 3-5 дБ га юқорилиги билан 3 синф, 1 даражали деб таърифланди.

Микроиқлим кўрсаткичлари ҳаво ҳарорати бўйича аниқланди, чунки корхонадаги микроиқлим шароитининг бошқа параметрлари (ҳавонинг харакат тезлиги ва нисбий намлиги) 0203-06-сонли СанҚвам бўйича рухсат этиладиган қийматларда бўлади. Бу кўрсаткич бўйича полиграфия корхонаси ишчиларининг меҳнат шароити синфи ўртача оғирликдаги (II а) иш тоифаси ҳаво ҳароратининг юқори ва пастки чегара бўйича тебранишини хисобга олиб йилнинг совук даврида заарли 3 синф I даражада ($15,6-21,5^{\circ}\text{C}$) га таалуқлидир.

Ишчи зонаси ҳавосини заарли газлар ва чанглар билан ифлосланганлигини хисобга олиб, ишчиларининг меҳнат шароитлари 3 синф, I-даражали гурӯхга киритилди, чунки уларнинг концентрациялари Давлат стандарти 12.1.005-88 га мувофиқ РЭМ дан 1,1-2,25 марта (зарарли моддалар) ва 1,25 марта (чанг) ортиқдир.

Корхонанинг асосий хоналаридаги доимий иш жойлари учун ёруғлик мұхити параметри бўйича меҳнат шароитининг заарлилик даражасини баҳолаш аралаш ёруғлик (ТЁК, %) учун гигиеник меъёрлардан юқорилик даражаси бўйича ўтказилди. Мазкур кўрсаткич бўйича меҳнат шароити ТЁК нинг меъёр қийматидан ортиқлиги (ТЁК 0,8%) билан - заарли, 3 синфа таалуқли деб таърифланади. Шундай қилиб, замонавий полиграфия корхоналари ишчиларининг меҳнат шароити 0141-03-сонли СанҚвам га мувофиқ “зарарли” деб таърифланиб, ишлаб чиқаришга оид заарли омилларнинг жадаллилиги бўйича

З синфнинг биринчидан учинчигача бўлган диапазонларга таалуқли.

Тезкор-бадиий цехидаги компьютерда ҳарф териш операторларининг меҳнати оғирлиги бўйича З синф I-даражада (3.1) га киритилиб, у иш кунининг 50% гача бўлган даврда вақти-вақти билан ноқулай иш ҳолатида бўлиши билан таърифланади. Меҳнат жараёнининг кескинлиги белгиланган мураккаб вазифаларни ҳал қилиш, саҳифаланадиган матнларга ишлов бериш, текшириш ва қайта назоратдан ўтказиш, зиммадаги вазифага жавобгарлик ҳиссиёти, вақтнинг тифизлиги, асосий ишга дикқат эътибор қаратиш муддатининг юқорлиги 75% гача (3.2), бир вақтда кузатиладиган обьектларнинг сони (3.2), каби фаолият турларининг мазмуни ва характеристи бўйича аниқланди. Бундан ташқари операторларнинг видеотерминал экранини узлуксиз кузатиш учун сарфлайдиган вақти сменада 5 соатдан юқори (3.2), жавобгарлик ҳиссиёти ва ҳатоларнинг аҳамиятлилиги (3.2), ишнинг монотонли давом этиши ҳам меҳнат жараёнининг кескинлигидан далолат беради. Бу кўрсаткичларни хисобга олиб, компьютерда ҳарф терувчи операторлар меҳнати кескинлиги бўйича З синфнинг 2 даражасига киритилди (6-илова).

Оғирлиги бўйича корректор ва дизайнернинг иши З-чи синфга таалуқли бўлиб, бунда ноқулай ва мажбурий “ўтириш” ҳолати иш вақтининг 50% гача, иш характеристарининг стереотиплилиги ва иш куни мобайнида 150 мартағача эгилишга мажбур эканлиги аниқланди. Ишнинг кескинлиги бажариладиган ишнинг мазмун-моҳияти ва табиати 75% гача бўлган вақтда дикқат-эътиборни асосий ишга қаратилганлиги ва ишнинг сифатига жавобгарлик ҳиссиёти билан таърифланиб, мазкур касб гуруҳи ишчиларининг меҳнатини З синф 1 даражали кескин меҳнат турига таалуқли дейишга имкон беради.

Нашрдан чиқарилган маҳсулот шаклларини нусхаловчи ишчининг бажарадиган фаолияти 25% ортиқ иш давомида вақти-вақти билан тананинг мажбурий ҳолатда бўлиши (3.1) ва иш

сменаси давомида гавданинг 200 мартадан ортиқ әгилиши (3.1), иш жараёнининг кескинлиги тезкор-бадий цехидаги ишчиларида кузатиладиган кўрсаткичларига ўхшаш, бироқ нусхаловчиларнинг ишчи муҳитидаги заарли ва ҳавфли омиллар кўрсаткичларнинг сони, иш жараёнининг оғирлиги ва кескинлиги юқори қийматларда эканлиги билан таърифланади. Масалан, нусхаловчи иш жараёнида мураккаб вазифаларни ҳал қиласи, уларни ишловдан ўтказади, ва назорат қиласи.

Бу ўз ўрнида ундан юқори жавобгарлик ҳиссиётини талаб қиласи (3.1), бундан ташқари, диққат-эътиборни асосий ишга жалб қилиш давомийлиги 75% гача бўлганлиги сабабли мазкур фаолият 3 синфнинг 2 даражали тоифасига таалукли бўлиб, бир вақтнинг ўзида кузатиб бориладиган обьектлар сони бўйича (10 тагача) 3.1 ва жавобгарлик даражаси бўйича 3.2 синфга мансуб. Босмалаш цехидаги босмаловчиларнинг меҳнати 2 синф, ўртача оғирликда иш турига кириб, меҳнат қилиш жараёнида гавданинг вақти-вақти билан мажбурий ҳолатга ўтиши (25% гача), смена давомида гавданинг 120 мартагача әгилиши каби ҳолатлар устунликка эга, горизонтал йўналиш бўйича харакатланиш 4 км гача ва стериотипли ишчи харакатлари сони 7560 тагачани ташкил қиласи.

Ўрганилаётган мазкур касбий гурӯх ишчиларининг меҳнати юқори даражадаги зўриқиши талаб этиб, вақт танқислиги шароитида (3.1) мураккаб вазифаларни ҳал этиш (3.1), 75% гача бўлган вақтда диққат-эътиборни асосий ишга қаратилганлиги (3.2), бир вақтда кузатиладиган ишлаб чиқариш обьектларининг сони 10 тагача (3.1) эканлиги билан таърифланади. Бундан ташқари босмаловчиларнинг бажарадиган иши юқори даражадаги жавобгарликни талаб қилувчи иш турига (3.2), иш кунининг амалдаги давомийлиги 12 соатгачалиги (3.2), икки сменада ишлаш мумкинлиги ва баъзи тунги сменаларда ишлаш (3.1) кабилар ахамиятлидир (6-илова).

Босмалаш цехида бошқа касбий гурухда ишловчилар ҳам бўлиб, улар: сахифалаш ва қирқиши машиналари машинистлариридир. Уларнинг меҳнати оғирлиги бўйича бир-биридан бироз фарқ қиласи. Қирқиши машиналари машинистларининг иши оғирлиги бўйича ўртача оғирликдаги ишнинг 2 синфига таалукли бўлса, сахифалаш машинаси машинистларининг иши иш куни давомида гавданинг кўп миқдордаги (120 гача) эгилиши билан фарқланиб, З синф 1 даражасига киради. Меҳнат жараёнинг кескинлик кўрсаткичлари бўйича таққослаганда улар бир-биридан унчалик катта фарқ қилмайди, шунинг учун мазкур иш жараёни З синфнинг 2 даражасидаги кескин иш жараёни деб таърифланади. Бунда ушбу ишчи гуруҳидагиларнинг иши вақт танқислиги шароитида (кесиш машиналари машинистларидағи юқори жавобгарлик - 3.2) мураккаб вазифаларни ҳал этиш (3.1), бир вақтнинг ўзида кузатиладиган обьектларнинг сони 10 тагача (3.1), кесиш машинистларида дикқат-эътиборнинг бир жойга тўплаш давомийлиги 75% гача (3.2) ва сахифалаш машиналари машинистларида бу кўрсаткич 65% гача (3.1) бўлиб, сезиларли даражадаги жавобгарлик ҳиссиёти (3.2), ўзи учун ҳавфлилик даражаси ва бошқа шахсларнинг ҳафвсизлигини таъминлаш ҳиссиёти (3.2) ва иш сменасининг (тунги сменанинг мумкинлиги) ҳисобига мазкур иш тури З синфнинг 1 даражасига киритилди.

Муқовалаш цехидаги иш жараёнини ўрганиш натижаларига кўра, брошюровчиларнинг меҳнати катта миқдордаги стереотипли иш харакатларини (40 мингдан ортиқ) бажариш билан кечишини, иш кунинг 60% гача бўлган вақтида “тик” ҳолатда бўлишини ҳисобга олиб, З синфнинг 1 даражасига киритилди. Ўрганилган касбий гурухдаги меҳнатнинг кескинлиги таққосланганда улардаги кўрсаткичларнинг бир-биридан унчалик фарқ қилмаслиги аниқланди ва вақт танқислигига мураккаб вазифаларни бажариш (3.1), кузатиш учун дикқат-эътибор қаратишнинг давомийлиги (65% гача бўлган вақт), бир вақтда кузатилиши керак бўлган обьектларининг сони 10 та гача (3.1),

икки сменали ишда айрим вақтда тунги сменадаги ишда вазифадаги жавобгарлик (3.2) кабилар билан таърифланди (6-илова).

Муқовалаш цеҳидаги қоғоз сиқувчиларнинг меҳнати иш кунининг 80% гача бўлган вактида “тик” ҳолатда бўлиш (3.1), смена давомида стериотипли ишчи харакатларининг сони 40 мингдан зиёд (3.1) ва гавданинг эгилиш ҳолати 120 тадан ортиқ (3.1) лиги билан белгиланади. Мазкур касбдаги ишчиларнинг меҳнатини кескинлиги мураккаб вазифаларни бажариши, вақт танқислиги шароитида қоғозларни ишловдан ўтказиш ва иш жараёнини назорат қилиш (3.1), 75% гача бўлган муддатда дикқат-эътиборни асосий ишга қаратилиши (3.2), ўз хаёти ва бошқа шахслар хаёти учун юз бериши мумкин бўлган ҳавфга жавобгарлик даражаси (3.2) билан таърифланди. (6-илова).

Меҳнат жараёнининг оғирлиги бўйича тикувчиларнинг иши рухсат этиладиган 2 синфга (ўртacha жисмоний юкламага эга), кескинлиги бўйича эса, вақт танқислигига (3.1) ишнинг мазмун моҳиятига боғлиқ (3.2) синфга, 75%гача вақт давомида дикқат эътиборнинг тўпланиши (3.2), эшитиш анализаторининг зўриқиши (3.1), амалдаги иш кунининг 12 соатгача бўлган давомийлиги (3.2) ва 2 сменада ишлаш (3.1) кабилар билан кузатилди.

Юқорида баён этилганларни умумлаштириб, замонавий полиграфия корхоналари ишчиларининг меҳнат шароитлари 0141-03-сонли СанҚ ва М га мувофиқ 3 синф 1 даражали (дизайнер, мусахҳих), 3 синф 2 даража (оператор, босма шаклларини кўчирувчи, босмаловчи, машинистлар, муқаваловчи, брошюраловчи ва тикувчи) ва 3 синф 3 даражали (қоғозларни сиқувчи) тоифаларга таалуқли деб хулоса чиқариш мумкин (6-илова).

Шундай қилиб, келтирилган маълумотлар замонавий полиграфия корхоналаридаги ишчиларининг меҳнати маълум ахамиятга эга бўлган оғирликдаги, иш жараёнининг кескинлиги ва ишларнинг юқори даражада жадаллиги билан таърифланиб, бу

омилларнинг биргалиқдаги таъсири ишлаб чиқаришга доир ҳолатини эрта намоён бўлишига олиб келиши мумкин деб хулоса чиқаришга имкон беради.

3.3. Полиграфия корхонаси ишловчилари организмининг функционал ҳолатини иш куни динамикасида ўрганиш

Маълумки, ишлаб чиқариш мұхитидаги омиллар ишчилар организмининг функционал ҳолати, уларнинг меҳнат қобилияти даражасига таъсир этиб, ишлаб чиқаришга доир толиқишининг ривожланишига имконият яратади, ҳамда ҳам умумий, ҳам касбга боғлиқ касалликларни келтириб чиқаради.

Ишчилар организмининг функционал ҳолатидаги физиологик ўзгаришларни текширишда биз асосий эътиборни айрим тизим ва органларнинг ҳолатига қаратдик. Шунинг учун тадқиқот усусларини танлаш ана шу орган ва тизимларнинг етарлича сезгирлигига ва ишлаб чиқариш шароитида бу тадқиқотларни ўтказиш мүмкінлигига асосланди. Тадқиқотларда юрак-томир тизимида (ЮТТ), марказий нерв тизими (МНТ), иссиқликни бошқарилиш жараёнлари, нафас олиш тизими, мушак аппарати, эшлиши ва кўриш анализаторларининг функционал ҳолатлари текширилди. Олинган маълумотларни таққослаш натижалари бўйича ўрганилган функцияларнинг ўзгариш даражалари ўрнатилди. Текшириш объектлари бўлиб тезкорбадиий цехи (компьютерда ҳарф териш оператори, мусахҳих, дизайнер ва босма шаклларини кўчирувчи), босмалаш цехи (босмаловчи, кесиш ва саҳифалаш машиналари машинистлари) ва муқовалаш цехи (муқовачи, брошураловчи, тикувчи ва қофоз сиқувчи) ишчилари ҳисобланди. Текширишлар иш куни давомида, яъни ишдан аввал, тушлик танаффусидан олдин ва иш куни якунида йилнинг илиқ ва совуқ даврларида ўтказилди.

Марказий нерв тизими функционал қўрсаткичларининг ўзгаришига тавсиф

Юқорида ўтказилган тадқиқотлар замонавий полиграфия корхоналаридағи ишлар салмоқли даражада кескин, бир маромли ва юқори суръатдаги иш деб таърифланади ва организмда турли ўзгаришларни келиб чиқишини белгиловчи омиллардан бири ҳисобланиб, ишчиларда ишлаб чиқаришга оид ҷарчаш ҳолатларини келтириб чиқариши мумкин. Бу жараённинг таъсир қўрсатиш даражасини аниқлаш учун биз ўрганилган корхоналар ишчиларининг МНТ даги функционал ўзгаришларни ўргандик.

Компьютерда ҳарф терувчи операторлар, мусаххихлар, босмаловчилар ва машинистларнинг меҳнати дикқат эътибор функциясини доимий равишда юқори даражада ушлаб туришни талаб қиласи. Шунинг учун уларда МНТ ҳолатини динамикада ўрганишда, турли хилдаги корректуравий тестлар ёрдамида текширишлар олиб борилди, ҳамда ортиб борувчи ва камаювчи тартибдаги қора ва қизил рангли сонларни кидиришга асосланган маҳсус ишлаб чиқилган Платонов жадвалидан фойдаланилди.

3.2-жадвал.

Полиграфия корхоналарида айрим қасбий гурухларнинг дикқат-эътибор функцияси турғунлиги ҳолатини иш куни давомида ўзгариши, $M \pm m$

Касблар	Қўрсаткичлар	Тадқиқот даврлари			Ишдан аввал ва иш куни якунидаги давр, Р
		Ишдан аввал	Тушлик танаффусидан олдин	Иш куни якунида	
Компьютер да ҳарф териш оператори	Белгиларни санашга кетган, сек	58,6±0,4	67,3±0,12	74,4±0,3	P<0,05
	Хатоликлар фоизи, %	10,4±0,8	11,6±0,4	13,2±0,15	P<0,05
	Белгиларни				

Мусаххих	санашга кетган, сек	$57,2 \pm 0,3$	$66,0 \pm 0,1$	$72,6 \pm 0,4$	P<0,05
	Хатоликлар фоизи, %	$7,0 \pm 0,3$	$7,9 \pm 0,6$	$8,8 \pm 0,2$	P<0,05
Босмаловчи	Белгиларни санашга кетган, сек	$56,8 \pm 0,2$	$63,4 \pm 0,3$	$71,6 \pm 0,3$	P<0,05
	Хатоликлар фоизи, %	$5,8 \pm 0,4$	$6,5 \pm 0,2$	$7,3 \pm 0,1$	P<0,05
Машинист	Белгиларни санашга кетган, сек	$56,9 \pm 0,1$	$62,3 \pm 0,7$	$71,1 \pm 0,2$	P<0,05
	Хатоликлар фоизи, %	$4,6 \pm 0,3$	$5,0 \pm 0,4$	$5,75 \pm 0,3$	P<0,05

Текширувларни ўтказиш давомида юқорида кўрсатилган касбий гурухлар учун иш куни динамикасида дикқат-эътибор функциясини ва фарқлаш хусусиятини пасайишини намоён бўлиши характерли хисобланди, бундай ҳолат иш кунининг якунида корректуравий тестлар бўйича ҳам, Платонов жадвали бўйича ҳам хатоли жавоблар сонининг кўпайиши билан кузатилди (3.2-жадвал).


Иш сменасининг якунида кўрсаткичлардаги энг катта ўзгариш ишдан аввалги кўрсаткичларга нисбатан компьютерда ҳарф терувчи операторларда (27%), мусаххихларда (26,5%), босмаловчилар ва машинистларда (мувофиқ равишда 26, 25%) эканлиги кузатилди (7-илова).

Олинган натижалар, иш жараёнининг юқори кескинлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин бўлиб, бир маромли ишни бажариш билан боғлиқ ҳолда чарчашнинг ривожланиши ҳисобига хатолар сонининг ортиши ва топшириқларни бажаришга сарфланган вақтнинг кўпайиб кетишига олиб келган. Шунингдек, функционал имкониятларни пасайиши ва МНТ заҳирасинининг сарфланишига олиб келади. Шунинг учун юқорида баён этилган фикрни тасдиқлаш, ҳамда меҳнат шароити

ва меҳнат табиатини ишловчилар организми марказий нерв фаолиятига таъсирини тўлиқроқ ўрганиш мақсадида кўриш ва эшитиш анализаторларига бериладиган кўзгатувчи омилларга нисбатан жавоб реакцияларининг яширин (латент) вақтини аниклаш хронорефлексометрия усули оркали амалга оширилди. Бунинг учун кўриш анализаторининг зўриқиши билан кечувчи (операторлар, мусахҳихлар, босма шаклларини кўчирувчи, босмаловчи ва машинистлар), ҳамда ишлаб чиқаришга оид шовқин хосил бўлиши билан боғлиқ (босмаловчи, кесиш ва саҳифалаш машинаси машинистлари, қоғоз сиқувчи) касбий гуруҳдаги ишловчилар танлаб олинди.

Олинган маълумотларни кўрсатишича, иш куни динамикасида ишчиларнинг асосий қисмида кўриш рекцияси вақтининг яширин даврини ишончли тарзда кўпайгани ва бошланғич кўрсатгичга қараганда 24-30% га фарқланиши аниқланди (3.1-расм). Натижаларни касбга алоқадорлиги ва йил даврларига боғлиқлигини ҳисобга олиш билан таққослаганда, кўриш реакциясининг энг кўп узайиши вақти компьтерда ҳарф терувчи операторларда йилнинг илиқ даврида кузатилди. Мазкур касбий гуруҳда йилнинг илиқ даврида ёруғлик таъсиротига жавоб реакцияси ишдан аввал $393,6 \pm 1,08$, тушлик танаффусидан олдин $345,2 \pm 2,04$ ва иш куни якунида $380,0 \pm 1,75$ мсек дан иборат бўлиб, бошланғич кўрсаткичдан 30% га фарқланади (3.1-расм). Бошқа касбий гуруҳдагилар (мусахҳих, саҳифаловчи, босмаловчива машинистлар) да кўриш реакциясининг вақти операторларга қараганда 10-13 мсек га кам бўлса, иш кунинг якунида яширин даврнинг кўпайиши ҳам бирмунча кам ва бирламчи кўрсаткичларга нисбатан 24-26% ни ташкил қиласади (3.1-расм). Йилнинг совуқ даврида кўриш реакциясининг ўзгариш вақти илиқ даврга айнан ўхшаш, аммо илиқ давридагига нисбатан камроқ намоёнликка эга.

3.1-расм. Йилнинг илиқ даврида полиграфия корхонаси ишловчиларида ёруғликга бўлган оддий жавоб реакциясининг латент даврини ўзгариши, млсек



Эслатма: * -дастлабки кўрсаткичлардан фарқланиш хаққонийлиги


Кўриш анализаторларининг оқ, ҳаво ранг ва қизил рангларни фарқлаш билан боғлиқ реакциясини ўрганиш шундан далолат берадики, берилган топшириқларни мураккаблаштирилганда жавоб реакциясининг вақти мазкур корхоналардаги касбий гурӯҳ ишловчиларида деярли бир хил тарзда ишончли равишда кўпайганлигини кўрсатиб, бирламчи кўрсаткичлардан 23-25% га фарқланди. Кўриш функцияси юклamasи билан бир қаторда, корхонадаги ишлар ишлаб чиқаришга таалукли асбоб-ускуналар, жиҳозларнинг ишлашида хосил бўладиган юқори даражада генераллашган шовқинли шароитларда бажарилиб, бу эшитиш анализаторининг иш қобилиятини пасайтириши мумкин. Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича иш сменаси давомида эшитиш реакциясининг яширин даврининг узайиши қайд қилинди. Чарчаш асосан

куннинг иккинчи ярмида ривожланади, ваҳоланки кўрсаткичнинг узайишига мойиллик иш бошлангандан З соат кейин намоён бўла бошлади. Масалан илиқ даврда газеталарни босиш машинаси босмаловчиларидағи яширин даврнинг чўзилиши бирламчи кўрсатгичга нисбатан 15,3% ни ташкил қиласди, тушлик танаффусидан кейин бу кўрсаткич 28% гача ўсган. Бошқа касбий гурӯҳ ишчиларида товуш таъсирига бўлган жавоб реакциясининг вақти иш куни динамикасида бир хил қийматга эга. Ёруғлик таъсирига бўлган жавоб таъсиrlаниши яширин даврининг ўзгариши бўйича қуйидаги қийматлар аниқланди: Кесиш машинаси машинистларида бу кўрсаткич 27%, саҳифаловчи машинасининг машинисти ва қофоз сиқувчиларда мувофиқ равиша 26 ва 25% ни ташкил этади .

Аниқланган ўзгаришларнинг ўзига хос хусусиятлари фақат кўриш ва эшитиш реакция кўрсаткичларининг тушлик танаффус вақтида тикланмаслигигина эмас, балки ишлаб чиқаришга доир чарчаҳ ҳолатининг иш куни якунига қадар ўсиб боришидадир. Бундан ташқари, юқорида баён этилган ва олинган маълумотлар полиграфия корхоналаридаги бошқа айрим ишчиларда ўтказилган аудиометрик текшириш натижалари билан тасдиқланиб, уларнинг меҳнат шароитлари шовқин бўйича РЭД дан ортиклиги билан таърифланади (босмаловчилар, машинистлар, қофоз сиқувчилар). Текшириш натижалари иш сменаси давомида эшитиш бўсағасининг ишончли ўзгаришини кўрсатади. Масалан, иш куни якунида олинган кўрсаткичлар, бирламчи кўрсаткичлардан икки марттагача ўсиб, айниқса 1000 дан 8000 Гц гача бўлган юқори частоталарда ёрқин намоён бўлади (4.2-расм). Аниқланишича, бу ўзгаришлар функционал характерга ҳам эга бўлиб, буни эшитиш анализаторларининг ишлаб чиқаришга оид чарчаши билан боғлаш мумкин.

МНТ да юзага келган ўзгаришларни ўрганиш учун эшитиш анализаторидан ташқари кўриш анализаторининг функционал ҳолати ҳам текширишдан ўтказилди.

3.2-расм Полиграфия корхонаси ишловчиларида эшитиш ўтказувчанлиги ўзгаришини ўртача кўрсаткичлари, дБ



Олинган натижаларнинг кўрсатишига, иш куни динамикасида полиграфия корхонасидаги бир қатор ишчиларда берилган топширикларни бажариш учун сарфланадиган вақт хамда, кўриш анализаторининг ўтказиб юбориш хусусияти, Ландольт халқачаларидаги узилишни аниқлаш бўйича йўл кўйиладиган хатолар хам ишончли тарзда кўпайганлигини кўрсатади. Ўтказилган тадқиқотлардан олинган маълумотларга кўра, белгиланган топшириқни бажариш учун мусахихлар энг кўп вақт сарфлаб, бу кўрсаткич ўртача $165 \pm 1,34$ ташкил қиласди ва энг кам вақт сарфлаш кесиш машинаси машинистларига тўғри келиб, у $130,0 \pm 1,28$ га tengdir. Шу билан бир қаторда биринчи сменанинг ярмидаёқ тадқиқотга олинган барча касбий гурӯҳ ишчиларида сарфланадиган вақт ва ўтказиб юборилган ҳалқачаларнинг сони ишончли равишда ошганлигини ва ўрта ҳисобда 13-14% teng эканлиги, иш кунининг якунида эса 22-25% га кўтарилиганлиги аниқланди.

Бунда кўриш анализаторининг ўтказиш қобиляти фонга оид қийматга нисбатан 0,4-0,73 б/сек га камайган. Йил даврлари бўйича олингдана, йилнинг совук даврида кўриш анализаторининг ўтказиб қобиляти (КАЎҚ) бироз камроқ бўлиб, фонга оид ва иш якунидаги кўрсаткичлар ўртасидаги фарқ ўртача 8-12% ташкил этади ($P<0,05$).

Юқоридагиларга асосланиб, топширикни бажаришга кетган вақтнинг ортиши ва ўтказиб юборилган ҳалқачалар сонининг кўпайиши, ишлаб чиқаришдаги иш жойларининг ёритилганлик даражаси ва ишчиларнинг меҳнат жараёнини зўриқсанлик даражаси билан тўғридан-тўғри боғликлікка эга деб хулоса чиқаришга имкон беради. Бу ўз ўрнида кўриш анализаторининг иш қобилятини пасайиши билан намоён бўлиб, ишлаб чиқаришга оид толиқишининг ривожланиш натижаси ҳисобланади.

Шундай қилиб, олинган маълумотларни тахлил қилиш натижалари полиграфия корхоналарида ҳар хил касбий гурух ишчиларида МНТ функционал ҳолатидаги силжишларнинг умумий қонунияти рўёбга чиқиб, у айниқса оператор, мусахҳих ва босмаловчиларда ёрқинроқ намоён бўлиб, диққат-эътибор ҳажми ва тақсимлаш кўрсаткичининг ёмонлашуви, кўриш ва эшитиш реакцияси вақтининг кўпайиши, (КАЎҚ) ва Ландольт ҳалқачаларини аниқ кўриш турғунлик коэффициенти (АКТК) ни пасайиши кўринишида кузатилиб, мазкур физиологик кўрсаткичларни иш куни давомидаги динамикасини назорат қилишга имкон берди ва меҳнат жараёнининг юқори даражадаги кескинлиги, ишлаб чиқаришга оид чарчашнинг ривожланишига олиб келиш мумкинлигини тасдиқлади.

Полиграфия корхонаси ишчиларида юрак-томир тизими гемодинамик кўрсаткичларининг ўзгариш динамикаси

Инсоннинг ишлаб чиқаришга доир меҳнат фаолияти организм системаларини рефлектор равишда ўзгаришини келтириб чиқаради ва биринчи навбатда юрак-томир тизимида

(ЮТТ) кузатилади. Замонавий полиграфия корхоналари ишчиларининг турли даражадаги жисмоний фаолик билан борадиган меҳнат фаолияти, гемодинамик кўрсаткичлар ёрдами билан аниқланади. Улар: артериал қон босими (АБ), пульс частотаси (ПЧ), ўртача динамик босим (ЎДБ), юракнинг зарбалик ҳажми (ЮЗХ) ва қоннинг дақиқали ҳажми (КДХ) каби. Бу кўрсаткичлар ўрганилаётган объектларда ишлаб чиқариш муҳитидаги бир қатор номувофиқ омиллар, ҳамда иш жараёнининг оғирлиги ва кескинлигига юрак-томир тизимининг жавоб реакцияси сифатида таърифланади. Шунинг учун асосий касбий гуруҳдаги ишчиларни, харакат фаолиги турли даражада бўлган икки гуруҳга ажратдик: кам жисмоний фаолликдаги (компьютерда ҳарф терувчи оператор, корректор, дизайнер) ва жисмоний фаол (нашр шаклларини нусхаловчи, босмаловчи, кесиш ва сахифалаш машинасининг машинистлари, брошюраловчи, муковаловчи ва тикувчи).

АБ, ПБ, ЎДБ ва ПТ нинг асосий касбий гуруҳ ишчиларидағи турли ҳилдаги фаоллик даражаси бўйича ўзгариш натижаларига юрак-томир тизимининг мослашуви да келтирилган. Олинган натижаларнинг таҳлили шундан далолат берадики, кам жисмоний фаолликдаги ишчиларда ҳам минимал, ҳам максимал АБ иш куни динамикасида ўртача 7-9 мм симоб устунига, пульсга оид босим кўрсаткичи 6-8 мм сим. уст пасайиши кузатилади. Юрак-томир тизимининг бу ҳолати гипокинезия шароитида бажариладиган касбий фаолият билан боғлиқдир.

Полиграфия корхонасидаги кам харакатли касблардаги шахсларда ЎДБ йилнинг илиқ даврида ва иш сменаси динамикасида ишончли равишда пасайганлиги кузатилди. Агар, унинг кўрсаткичи ўртача $92\pm0,3$ тенг бўлган бўлса, иш кунининг биринчи ярми охирига келиб $84\pm0,6$ мм.сим.уст. гача пасаяди, йилнинг совуқ даврида эса, мазкур кўрсаткичнинг камайиши камроқ намоён бўлади.

Кам харакатли касб гурухидаги ишчиларда ПТ ўрганиш натижаларига кўра, иш куни давомида унинг ишончли тарзда

пасайганлигини кўрсатади ($P<0,05$). 4.7-жадвалдан кўриниб турибди-ки, йилнинг илиқ даврида пульс уриш тезлиги иш бошланишига қадар ҳар дақиқада ўртача $82\pm1,0$ зарбани ташкил этган бўлса, тушки танаффусдан олдин $78\pm2,2$ ва иш кунининг якунида $76\pm1,1$ гача камайганлигини кўрсатади.

Йилнинг совуқ даврида иш сменаси динамикасида юрак қисқариш тезлигининг ўзгариши ҳам камайиб беришга мойил бўлиб, ишдан аввал пульснинг ўртача қиймати $77\pm1,4$ га тенг бўлган бўлса, тушлик танаффусидан олдин $73\pm1,2$ гача, кунининг якунида $69\pm1,6$ зарбагча секинлашганлигини кўрсатади .

Замонавий полиграфия корхонасидаги фаол жисмоний меҳнат қилувчи ишчилар гурухида худди юқоридаги текширишларни ўтказилганда қуидаги қонунийлик руёбга чиқарилди.

3.6-жадвал кўрсатилганидек, ишдан аввал қадар систолик босим ўртача $118\pm1,6$ мм сим.уст. ташкил этган бўлса, куннинг биринчи ярми давомида бу кўрсаткич ишончли равишда $120\pm2,5$ гача, иш кунининг охирида эса, 124 ± 21 мм сим. уст.гача кўтарилди ($P<0,05$). Диастолик босим ҳам иш куни динамикасида ўрта ҳисобда $72\pm1,3$ дан $75\pm2,0$ мм сим. уст. гача ошганлигини кўрсатди. Мувофиқ равишда ПБ ва ЎДБ нинг ҳам ошганлиги кузатилади, чунки бу кўрсаткичлар тўлиқлигича АД ташкил қилувчи қийматларга боғлиқдир.

Юрак-томир тизимининг ҳолати ҳакида тўлиқ фикрга эга бўлиш учун ЮЗҲ ва ҚДҲ кўрсаткичларини ҳам тадқиқотдани ўтказилди. Олинган маълумотларга кўра, йилнинг илиқ даврида ЮЗҲ полиграфия корхонасидаги кам харакатли касб ишчиларида иш куни динамикасида ишончи тарзда ортади ($P<0,05$). Жумладан, ишдан аввал ЮЗҲ ўртача $49,5\pm2,3$ мл. га тенг бўлса, тушлик танаффусгача сезиларли даражада ошмайди ($50,0\pm1,8$ мл), иш кунининг якунида эса- $53,0\pm2,0$ мл гача ортади. Йилнинг совуқ даврида айнан шу ишчиларнинг ўзида тушлик танаффусгача ЮЗҲ бироз пасаяди ($50,0\pm1,8$ мл дан $48,5\pm2,3$ мл

гача), аммо иш кунининг якунида бу кўрсаткич фон қиматигача ($50,0 \pm 1,8$) тикланганлигининг гувоҳи бўламиз.

Полиграфия корхонасидаги жисмоний фаол касбдаги ишчиларда иш куни давомидаги ЮЗҲ ни ўзгариш динамикаси бўйича ўтказилган текшириш натижаларининг кўрсатишича, йилнинг илиқ даврида ЮЗҲ кўрсаткичи ўртача 57-58 мл атрофида бўлган бўлса, йилнинг совук даврида бу кўрсаткич фонга оид қиматдан сезиларсиз даражада (1-2 мл) камаяди. Диққатга сазоварли жойи шундаки, жисмоний фаоллиги юқори бўлган ишчиларда КДҲ йилнинг илиқ даврида ҳам, совук даврида ҳам сезиларли даражада ортади ва фон кўрсаткичига нисбатан ўртача 17% (илиқ даври) ва 30% (совук даври) га юқори бўлиб, юрак-томир тизимининг гипертензив характердаги компенсатор зўриқиши ҳақида гувоҳлик беради.

Шундай қилиб, юқорида баён этилганларнинг ҳаммаси бизга куйидаги хulosани чиқариимиизга имкон берди: меҳнат фаолияти жараёнида полиграфия корхонаси ишчиларида юрак-томир тизимининг функционал заҳираларини сафарбар қилинишини таърифловчи силжишлар кузатилади ва ўзгаришлар асосан физиологик реакциялар доирасидан четга чиқмайдиган силжишлар бўлиб, чамаси замонавий корхоналардаги ишчи мухитининг ўзгарган шароитида ишчилар организмидаги физиологик жараёнларнинг касбий меҳнатга мослашиш самарадорлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин.

3.4 Ишчиларда асаб-мушак ва харакат аппаратларининг функционал ҳолатини ўрганиш

Тадқиқот қилинаётган корхоналардаги асосий касбий гурӯҳ ишчиларининг иш қобиляти, асаб-мушак ва харакат аппаратларининг толиқиши ҳолатларини ўрганиш учун турли касб гурӯҳдаги ишчиларнинг иш ҳолатлари баҳоланган, динамометрия усулида мушакларнинг максимал ихтиёрий кучи (МИК) ва

чиdamлилиги аниқланган, ҳамда тремометрия усули ёрдамида қўл бармокларининг титраши текширилган.

Турли касбий гурух ишчиларининг ишчи ҳолатларини баҳолаш

Замонавий нашрётлардаги жиҳозлар, одамнинг физиологик хусусиятлари билан боғлиқ бўлган эргонометрик талабларни тўлиқ инобатга олмайди. Айтиш лозим-ки, иш жойларини жиҳозлаш воситалари билан таъминланганлиги, стол ва стулларнинг тузилиши, ишчи юзаларнинг конструкцияси, уларнинг баландлиги, ёнидаги иш жойлари орасидаги масофа кабилар жуда кўп меҳнат операцияларини бажаришдаги қулайлик ва ишчининг қандай ҳолатида меҳнат қилишни белгилаб беради. Кам харакатли “ўтириб ишлаш” ҳолатини баҳолаш мақсадида қўйидаги касбий гурух ишчилари ажратиб олинди: компьютерда ҳарф терувчи оператор, мусахҳих ва дизайнерлар. “Тик” ишчи ҳолати учун босмаловчилар, саҳифалаш ва кесиш машинасининг машинистлари, брошюраловчи ва муқоваловчилар.

“Ўтирган” ҳолда иш бажарувчи ишчиларда иш жойларини ташкил қилишдаги асосий камчилик, клавиатуранинг баланд жойлашганлиги ҳисобланиб, у қўлларга тушадиган юкламани кўпайтиради. Бундан ташқари, мазкур ходимлар “ўтириб ишлайдиган” стулларининг ўлчамлари, тузилиши, оғиш бурчаги тана ҳолатини эркин ҳолда ўзгартириб туришга имкон бермайди, шунинг учун ишчилар катта зўриқиши билан тик ҳолда ўтиришга мажбурдирлар, бу эса ўз ўрнида таянч-харакат аппаратида статик зўриқишининг кўпайишга олиб келади.

“Ўтириб ишлаш” ишчи ҳолатини фотогониометрик усул билан баҳолашда бўйиннинг вертикал оғиши $5,8^0$ ни ва гавданинг оғиши $9,5^0$ эканлиги аниқланиб, бу қиймат оптималь оғишнинг юқори чегарасидан катта эканлиги аниқланди. Билак-тирсак бўғинининг бурчаги ўртacha $78,8^0$ ни ташкил этиб, мазкур бурчак

оптимал қийматнинг пастки чегарасидан $1,2^0$ га камдир.

Мажбурий иш ҳолатидаги ўлчангандо бурчакларнинг кўрсаткичлари оптимал қийматлар доирасида эканлигини кўрсатади.

Босмаловчилар, машинистлар, брошюровчилар ва муқаваловчиларнинг иш жойларини эргонометрик баҳолашда, мазкур соҳа ишчилари ўз зиммаларига юклатилган топширикларни унчалик катта қийматга эга бўлмаган эгилиш ҳолатида “тик” туриб бажарадилар. Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, панжа-билак бўғинининг ўртача оғиши қиймати $165,8^0$ тенг бўлса, унинг оптимал чегараси $170-190^0$ ни ташкил этади. Тирсак бўғинининг букилиш бурчагини оптимал қиймати $80-100^0$ бўлгани ҳолда, $112,5^0$ гача ўзгаради, елканинг оғиши эса, 0 дан 15^0 гача бўлган ҳолда вертикал ҳолатдан $18,2^0$ гача ўзгаради .

Шундай қилиб, бўғинлараро бурчакларнинг оптимал қийматларидан оғиши билан бир вактда, бажариладиган ишларнинг бир маромда эканлиги ва бу фаолиятлар ишлаб чиқариш муҳитидаги бошқа омиллар билан биргалиқда таъсир этиши, асаб-мушак ва таянч-харакат аппаратларига номувофиқ таъсир кўрсатиши мумкин бўлиб, ишчилар организмининг умумий меҳнат қобилиятини пасайишга олиб келади.

Ишчиларда асаб-мушак аппарати кўрсаткичларини ўзгариш динамикасини ўрганиш

Полиграфия корхонаси ишчиларининг гипокинезия шароитида бажарадиган касбий фаолиятлари, асаб-мушак аппаратининг функционал ҳолатини ўзгаришини келтириб чиқариб, мушакларнинг иш қобилиятини пасайишига олиб келади. Бунда мушакларнинг кучи, уларнинг оптимал қисқариши мумкин бўлган шароитда, энг юқори юклама берган вактда иш қобилиятини саклаб қолиш шароитида ўлчанади.

Ўрганилаётган корхона ишчиларини динамометрик текширишлардан ўтказиш натижалари 3.8-жадвалда келтирилган бўлиб, олинган маълумотлар мазкур корхонада бажариладиган ишлар ишчиларда толикиш ҳолатини келтириб чиқариши мумкинлигидан гувоҳлик беради. Маълумотлардан кўринадики, максимал ихтиёрий куч (МИК) кўрсаткичи юқори харакат фаоллиги билан боғлиқ бўлган ишчиларда (босмаловчилар, саҳифалаш ва кесиш машиналарининг машинистлари) ва камроқ даражада жисмоний фаолликдаги ишчиларда (компьютерда харф терувчи операторлар, дизайннерлар, мусахҳихлар) ўнг қўл бармоқлари мушакларининг қисқариши хусусиятни пасайганлигидан далолат беради.

Иш куни давомида меҳнат қобилиятига объектив таъриф берувчи кўрсаткичларнинг даражаси, ҳар хил жисмоний фаолликка эга бўлган ишчиларда бир хил эмас. Чунончи, полиграфия корхонасидаги жисмоний фаоллиги юқори бўлган касбий гуруҳ ишчиларида динамометрик кўрсаткичининг нисбатан юқорироқ даражаси ва динамикада камроқ даражада ўзгариб бериши кузатилди. Шу билан бирга айтиш лозим-ки, кўрсаткичлардаги жиддий ўзгаришлар иш кунининг биринчи ярми ўрталаридаёқ кузатилиб, куннинг иккинчи ярмида тадқиқотдан ўтказилган ишчиларнинг ҳаммасида мушакларининг максимал ихтиёрий кучи кўрсаткичининг пасайиб бориши билан намоён бўлди (14-илова). Жумладан, иш куни давомида фаол жисмоний меҳнат бажарадиган ва таянч-харакат аппарати чиникан ишчиларда иш бошланишига қадар максимал ихтиёрий куч кўрсаткичи йилнинг илиқ даврида ($83,6\pm1,7$ кг) га тенг бўлиб, кам жисмоний фаолликка эга бўлган ишчиларга қараганда юқори эканлиги ($79,0\pm1,6$ кг) аниқланди. Тушликдан олдин бу кўрсаткич кам харакатли касб ишчиларида $69,5\pm2,4$ кг гача пасайган бўлса, юқори жисмоний фаолликка эга бўлган касб ишчиларида, аксинча, ишончли тарзда ошганлигини ($91,5\pm2,5$ кг) кўрсатади. Иш кунининг охирида эса, иккала гуруҳдаги ишчиларда мушаклар кучининг пасайиши кузатилиб, фонга оид

кўрсаткичларга қараганда кам жисмоний харакатдаги ишчиларда ўртача 23% ва фаол жисмоний харакатдагиларда эса 13% га пасайганлиги аниқланди ($P>0,05$) .

Мушаклар чидамлилигини аниқлаш бўйича олинган натижалар хам иккала гурух ишчиларида бу кўрсаткичнинг иш куни динамикасида ўзгариб борганлигини кўрсатди. Агар йилнинг илиқ даврида кам жисмоний фаолликдаги ишчиларда статик зўриқишига дастлабки чидамлилик даражаси ўртача $42,5\pm1,0$ с ни ташкил этган бўлса, фаол жисмоний касб ишчиларида бу

кўрсаткич $50,3\pm1,4$ с га тенг бўлди . Иш куни давомида мушаклар чидамлилиги асосан бир йўналишга, яъни кўрсаткич қийматининг камайиш тарафига мойиллигидан дарак берди.


Текширишдан ўtkазилган иккала гурух ишчиларида ҳам иш кунининг охирига келиб мушаклар чидамлилигининг яққол ва ишончли камайганлиги кузатилди. Кам жисмоний фаолликдаги ишчиларида чидамлилик даражаси 29% га пасайган бўлса, фаол жисмоний меҳнат билан шуғулланувчиларда фонга оид кўрсаткичларга қараганда 25% га пасаяди. Йилнинг совуқ фаслларида мушаклар кучи ва унинг чидамлилиги йилнинг илиқ даврига нисбатан бирмунча юкори кўрсаткичга эга бўлди, аммо кўрсаткичлар ўртасидаги фарқ иш куни динамикасида камроқ намоёнликка эга .

Мушакларнинг чидамлилик даражасининг камайишидаги кузатилган фарқланиш қўл панжаларининг титраши кўрсаткичининг динамикада ўзгариб бориши орқали тасдиқланиб, у айниқса қоғоз кесиш ва қоғоз сиқиш машиналари бошқарувчиларида ёрқинроқ номоён бўлди (3.6-расм).

Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, йилнинг илиқ ва совуқ даврларида қўл бармоқларининг ишдан аввалги кўрсаткичи ўрта ҳисобда секундига 10,9-12 марта тегишини ташкил қилди. Бу кўрсаткич йилнинг илиқ даврида тушлик дам олиш соатидан олдин ўртача 12% га ошган бўлса, йилнинг совуқ даврида 15% га ортади, иш кунининг якунида фонга оид кўрсаткичга нисбатан

25% га (илиқ давр) ва 28% (совук давр) га ортиб борганлигини кўрсатиб, иш куни давомида мазкур соҳа ишчиларида толиқишиш ҳолатини ўсиб борганлигидан далолат беради (3.6-расм).

3.3-расм. Йил даврларини ҳисобга олган ҳолда полиграфия корхоналари ишловчиларининг қўл панжа титрашини динамикада ўзгариши



Эслатма: * -дастлабки кўрсаткичлардан фарқланиш хаққонийлиги

Шундай қилиб, динамометрик ва тримометрик текшириш натижаларининг таҳлили шуни кўрсатди-ки, ишчилардаги асабмушак аппаратининг функционол ҳолати турли кўринишдаги ўзгаришларга дучор бўлиб, иш куни давомида ишчи организмига тушадиган асосий жисмоний юкламаларнинг микдорий ва сифат кўрсаткичларига боғлиқ ҳолда толиқишиш ва ўта толиқишининг ривожланишига олиб келиши мумкин.

Юқорида баён қилинган барча маълумотлар асосланиб қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

- ишчиларнинг меҳнат фаолиятларини физиолого-гигиеник нуқтаи назардан баҳолаш, организмнинг юқори даражадаги

мехнат қобилиятини таъминловчи функционал ҳолатларнинг айрим механизмларини чукурроқ тушунишга имкон беради;

- иккинчи тарафдан, олинган маълумотлар мазкур соҳа вакилларининг мехнат жараёнини оқилона ташкил қилиш ва мехнат шароитларини оптималлаштириш учун асос бўлиб хизмат қиласди.

IV-БОБ. ЗАМОНАВИЙ ПОЛИГРАФИЯ КОРХОНАЛАРИ ИШЧИЛАРИНИНГ САЛОМАТЛИК ҲОЛАТИ

Аҳоли саломатлиги давлатнинг асосий бойлигини ташкил килади ва юқори даражадаги меҳнат унумдорлиги, жадал фаолият ва жамоанинг фойдали меҳнат унумдорлигини белгилаб беради. Замонавий техникавий тараққиёт, корхоналарнинг модернизациялаштириш ва автоматлаштириш, техника ҳавсизлигини яхшилаш билан бир қаторда касалланишни пасайтириш ва ишчиларнинг соғлигини сақлаш учун шартшароит яратишни таъминлайди. Аммо, замонавий полиграфия корхоналарида меҳнат жараёнининг ўзига хос хусусиятлари ишловчилар организмига шовқин, ишчи зонаси ҳавосининг чанглар ва газлар билан ифлосланганлигининг таъсири, иш жойларининг паст даражада ёритилганлиги, меҳнат жараёнларининг кескинлиги ва оғирлиги, бир маромдалиги, гипокинезия (кам харакатли) ва ишчилар гавдасининг мажбуриш иш ҳолатида бўлиши билан боғлиқdir. Бу омилларнинг барчаси ишчиларнинг саломатлик ҳолатига, шу жумладан вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик (ВМҚ) билан кузатиладиган касалланишларга таъсир этиши мумкин.

4.1. Ишчиларнинг вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотилиши билан кузатиладиган касалланишини ўрганиш

Меҳнат фаолиятининг шароити ва характеристини ишловчиларнинг саломатлик ҳолатига таъсир этишини ўрганиш мақсадида полиграфия корхоналарида турли хилдаги меҳнат жараёнлари билан банд бўлган шахсларнинг вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлиги билан кузатилган касалланишларни таҳлил қилинди. Шунга боғлиқ ҳолда биз мазкур корхоналар ишчиларининг 2007-2009 йиллардаги касаллик варакалари ва касалликнинг давомийлиги хақидаги маълумотлардан олинган нусхалар орқали касалланишларни чуқур таҳлилдан ўтказдик.

Бунда икки гурухга мансуб бўлган ишчиларнинг касалланиш кўрсаткичлари таҳлил қилинди. Уларнинг бири ишлаб чиқариш муҳитидаги номувофиқ омиллар комплекси таъсирида бўлган репрезентатив (тажриба) гурухи ишчилари бўлса, иккинчи гурухи ўрганилаётган корхоналарнинг маъмурият хизматчиларидан иборат назорат (контрол) гуруҳидир.

Ишчиларнинг вақтинча меҳнатга қобилиятсизлиги ҳам умумий корхона бўйича, ҳам корхонанинг асосий цехларидағи ишчиларнинг жинси, ёши, иш стажи, касбга алоқадорлиги каби кўрсаткичларига боғлиқ ҳолда ўрганилиб, у корхонадаги меҳнат шароити ва умумсоматик, ҳамда касбга алоқадор бўлган касалланиш даражаси ўртасидаги сабаб-оқибат боғлиқлигини аниқлашга имкон берди. Йил давомида асосий фаолият билан банд бўлган ишчиларнинг касалланишини таърифлашга доир олинган маълумотлар бўйича уларнинг умумий сони 1393 кишини ташкил қиласи. Уларнинг 106 тасини маъмурият ходимлари ташкил қиласи. Умумий ишчилардан 60% аёллардан иборат. Аёллардан, ишчиларнинг асосий қисмини 30 ёшдан 50 ёшгача бўлган ёш тоифасидаги шахслар 56% ни ташкил қилган бўлса, 20-30 ёшдагилар 28% ни, 50 ёшдан ошганлар эса 16% ни ташкил қиласи. Эркакларда бу кўрсаткич мувофиқ равишда 68, 22 ва 10% дан иборат.

Ишчиларнинг касалланиш даражасини таърифловчи материалларни статистик ишловдан ўтказиш натижаларига кўра, ВМҚ билан унинг ҳар 100 ишчига тўғри келадиган даражаси йиллар бўйича ҳам эркакларда, ҳам аёлларда 68 тадан 135 тагача кўпайиб борганлигини кўрсатади. Бунда ҳар 100 ишчи аёлларга тўғри келадиган ўртacha касалланиш сони (ходиса), эркакларга қараганда 1,1 маротаба кўпdir (5.1-жадвал). Аммо эркак ишчиларда битта касалланиш ҳодисасининг ўртacha давомийлиги аёлларга нисбатан кўпроқdir (эркакларда унинг қиймати ўртacha 12,3 кун бўлса, аёлларда 10,6 га тенг), натижада умумий иш кунининг йўқотилиш кўрсаткичи эркак ва аёл ишчиларда бир

бирига жуда яқин бўлиб, у мувофиқ равишда йилига ўртача 1194,5 ва 1211,0 кунни ташкил этади.

4.1-жадвал

Полиграфия корхоналарида 100 ишчига нисбатан вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотиш кўрсаткичлари

Таҳлил қилинаётган йиллар	Ишловчиларнинг жинси	ВМҚЙ кўрсаткичлари		
		ВМҚ бўйича ходисалар сони	ВМҚ бўйича кунлар сони	ВМҚ бўйича 1 та ходисанинг ўртacha давомийлиги
2007	аёллар	84,2	1050,8	10,2
	эркаклар	68,0	846,3	10,6
2008	аёллар	110,9	1169,5	10,5
	эркаклар	95,8	1236,2	12,8
2009	аёллар	135,0	1412,6	11,2
	эркаклар	126,3	1500,9	13,5
$M\pm m$	аёллар	$110,0\pm 12,6$	$1211,0\pm 210,5$	$10,6\pm 1,4$
	эркаклар	$96,7\pm 14,1$	$1194,5\pm 120,0$	$12,3\pm 0,9$

Назорат гуруҳидаги хизматчиларнинг меҳнатга қобилиятсизлиги билан боғлиқ касалланиш даражасини ўрганиш натижалари, ҳар 100 та ишчига олганда касалланишинг ўртача йиллик даражаси эркакларда $85,6\pm 15,2$, аёлларда $78,3\pm 18,4$ эканлигини кўрсатади. Юқорида баён қилинган маълумотлар билан кейинги олинган тадқиқот натижаларини такқослаш, ишлаб чиқариш шароитидаги ишчи аёлларнинг ($110,0\pm 12,6$) касалланиш даражаси, маъмуриятда фаолият кўрсатувчи аёл ишчиларга караганда ($73,3\pm 18,6$) 1,5 марта кўп касалланишга дучор бўлишини кўрсатади. Аммо, эркакларнинг вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлиги билан кузатиладиган касалланиш даражаси статистик ишончсиз эканлигидан ($P<0,05$) далолат беради (4.1-жадвал).

Назорат гуруҳидаги эркак ишчиларда битта ҳодисадаги меҳнатга қобилиятсизлик кунларининг ўртача давомийлигини


аниклаш орқали улар ўртасидаги фарқланиш бир-биридан сезиларли даражада ўзгарадиган (мувофик равишида $11,8\pm2,5$ ва $12,3\pm0,9$) бўлса, назорат гуруҳидаги аёлларда мазкур кўрсаткич кўпроқ ($10,6\pm1,4$) эканлигини кўрсатади ($P<0,05$).

Маъмурият хизматчиларида меҳнатга қобилиятызлик кунларининг сони ҳар 100 ишчига нисбатан таққослаганда, бу кўрсаткич аёлларда $897\pm11,4$, эркакларда эса $975\pm13,6$ кунга тенг эканлигини кўрсатди, шу билан бирга корхонадаги асосий цехлардаги ишчиларда бу кўрсаткич маъмурият хизматчиларига нисбатан юқорироқдир ($P<0,05$). Олиган натижаларни баҳолаш учун биз Е.Л. Ноткин шкаласидан фойдаландик. Унга кўра полиграфия корхонасидаги асосий касбий гуруҳдаги ишчиларда ВМҚ билан кузатиладиган касалланиш даражаси “ўртачадан юқори”, маъмурий таркиб ишчиларида эса, “ўртача” кўрсаткичларга таълуқли эканлиги аниқланди.

Касалланишда иш стажининг аҳамиятилигини тахлил килишда ишчиларни 4 гуруҳга бўлинди. Уларнинг асосий қисми касалланувчилардир, мазкур шахсларнинг иш стажи 15 йилдан ортиқ бўлиб, умумий касалланиш сонининг 62,8% ни ташкил этади; иккинчи гуруҳни иш стажи 11-15 йилгача бўлган ишчилар ташкил қилиб, улардаги қиймат 26,5% га тенг, учинчи гуруҳга иш стажи 5-10 йилга тенг бўлган ишчилар таалуқли бўлиб, улардаги кўрсаткич 8%; тўртинчи гуруҳга иш стажи 5 йилдан кам бўлган ишчилар киритилиб, улардаги кўрсаткич 2,7% га тенг (4.1-расм). Фоизлардаги бундай тақсимланиш ҳам эркак, ҳам аёл ишчиларга мувофик равишида тўғри келади. Лекин, мазкур ҳолатда олинган экстенсив кўрсаткичлар иш стажининг хақиқий аҳамиятини тўлиқ акс эттирмайди, чунки у муайян иш стажига эга бўлган шахсларнинг умумий сонига, ҳамда ёш гуруҳлари бўйича тақсимланишга боғлиқдир. Шунга боғлиқ ҳолда биз юқорида кўрсатилган иш стажига боғлиқ бўлган ҳар бир гуруҳдаги 100 та ишчига тўғри келадиган касалланиш ҳодисаларининг сонини, битта ҳодисанинг ўртacha давомийлиги ва меҳнатга қобилиятызлик кунлари сонини ҳисоблаб чиқдик (4.2-жадвал).

Олинган маълумотларнинг чуқур таҳлили асосида биз ВМҚ билан кечадиган касалланишларнинг иш стажига боғлиқ эканлигини ўргандик. Ишчиларнинг иш стажи қанчалик кўп бўлса, касалланиш ҳодисаларининг сони хам ишончли равишда шунчалик юқоридир. Касалланиш ҳодисалар сонининг энг юқори кўрсаткичи иш стажи 15 йилдан ортиқ бўлган гурух ишчиларига тўғри келади (4.2-жадвал). Бунда битта касалланиш ҳодисасининг ўртача давомийлигида (иш стажи 5 йилгача бўлган шахслар бундан мустасно) ишончли фарқланиш кўзга ташланмайди. Иш стажи 5 йилгача бўлган шахсларда битта касалланиш ҳодисасининг ўртача давомийлиги бошқа иш стажи гуруҳидагиларга қараганда 2-3,5 марта камдир.

5.1-расм. Полиграфия корхоналарида турли стажга эга гурухларда касалланишларнинг фоизлардаги нисбати



Тажриба гурухидан фарқли ўлароқ, иш стажи бўйича назорат гурухида касалланганларнинг тақсимланиши амалда деярли бир хил кўрсаткичга эга (4.3-жадвал). Битта касалланиш ҳодисасининг ўртача давомийлигида муайян қонунийлик кўзга ташланади, яъни иш стажига боғлиқ ҳолда касалликнинг

давомийлиги ортиб боради, аммо бу тажриба гурухы ишчиларида назорат гурухы ишчиларига қараганда юқорироқ бўлиб, ҳар 100 та ишчига нисбатан иш стажига боғлик ҳолда вактинчалик меҳнатга қобилиятини йўқотилиши (ВМҚЙ) билан кузатиладиган касалланиш кунлари сонининг ортиб бориши ўртасидаги боғлиқлик кўзга ташланади (4.2 ва 4.3-жадваллар).

4.2-жадвал

Полиграфия корхоналарида иш стажи бўйича 100 ишчига нисбатан ВМҚЙ кўрсаткичлари, М±т

Иш стажи, йилда	ВМҚЙ кўрсаткичлари		
	ВМҚ бўйича ходисалар сони	ВМҚ бўйича кунлар сони	ВМҚ бўйича 1 та ходисанинг ўртача давомийлиги
5 йилгача	11,3±1,9	6±1,1	73±7,5
5-10	14,3±1,7	21±1,9	342±28,6
11-15	65,5±1,6	19±2,5	1050±126,2
15 йилдан кўп	545,3±28,4	16±2,3	7980±315,8

4.3-жадвал


Полиграфия корхоналаридаги контрол (назорат) гурухларда иш стажи бўйича 100 ишчига нисбатан ВМҚЙ кўрсаткичлари, М±т

Иш стажи, йилда	ВМҚЙ кўрсаткичлари	
	контрол гуруҳда 100 ишчига нисбатан ВМҚ бўйича кунлар сони	ВМҚ бўйича 1 та ходисанинг ўртача давомийлиги
5 йилгача	1012±42,5	10,5±0,73
5-10	1190±83,6	11,6±0,82
11-15	1046±93,1	10,8±0,52
15 йилдан кўп	1200±40,2	12,6±0,66

Замонавий полиграфия корхоналари ишчиларининг касалланиш даражаси иш стажи билан боғлиқ бўлгани билан

бирга, ишчиларнинг ёш кўрсаткичларига ҳам боғлиқ бўлиши мумкин деб тахмин қилинади. Бироқ олинган маълумотларнинг таҳлилига кўра, иш стажи ва ёш гурухининг таркибий тузилиши бир-бирига мос келмайди: кам иш стажига эга бўлган ишчилар – булар асосан 20-29 ёшдаги шахслар бўлиб, у 1,3% ни ташкил этган бўлса, ёш таркиби бўйича 6% ни ташкил қиласди; 30-39 ёшдаги шахслар 5-10 йиллик иш стажига эга бўлиб, касалланганларнинг 24,4% ни хосил қиласди; 40-49 ёшдаги ишчилар эса, 11-15 йиллик иш стажига эга бўлиб, касалланганларнинг 27,3% ни ташкил қиласди; 50 ва ундан ортиқ бўлган ёш оралиғидагилар 15 йил ва ундан кўп иш стажига эга бўлиб, ўрганилаётган корхона ишчиларининг касалланиш даражасини 63,5% ни ташкил этиши жуда характерли хисобланади (4.2-расм).

4.2-расм. Полиграфия корхоналаридағи турли ёш гурухларини ҳисобга олган ҳолда касалланишни фоизлардаги нисбати



Ҳар 100 ишчидаги касалланиш даражасининг таҳлилини тасдиқлашича, агар ишчиларнинг ёши 50 гача бўлса, ёшнинг

етакчилик ахамияти ҳақида сўз юритиш мумкин, лекин кейинчалик вақтинчалик меҳнатга қобилиятызлигидан билан кузатиладиган касалланиш даражасига кам таъсир кўрсатади. 50 ёш ва ундан юкори бўлган ишчилар учун иш стажи ёш аспектига караганда муҳимроқ ахамияга эга бўлади (4.4-жадвал).

4.4-жадвал

Полиграфия корхоналарида турли ёшдаги гурухларда ВМҚЙ бўйича касалланиш кўрсаткичлари, М±т

Ишловчиларнинг ёши	Ёшга мос ҳолда 100 ишчига нисбатан ВМҚЙ кўрсаткичлари	
	ишчилар (тажриба гуруҳидаги)	маъмурият ходимлари (контрол гуруҳдаги)
20-29	30,5±3,8	32,8±4,5
30-39	170,2±4,8	125,6±6,3
40-49	112,5±4,3	106,3±5,1
50 ва ундан юкори	108,6±2,1	154,8±2,6

Шундай қилиб, полиграфия корхоналари ишчилари ўртасида касалланганларнинг тақсимланиши бўйича ўтказилган (100 ишчи ҳисобидан) таҳлил, жинси, ёш ва иш стажига алоқадорлиги бўйича вақтинчалик меҳнатга қобилиятызлигидан билан кузатиладиган касалланиш кўрсаткичининг катта ҳажмда тебранишга эга эканлигини рўёбга чиқаради (5.4-жадвал).

“Саломатлик билан боғлиқ бўлган касалликлар ва муаммоларнинг халқаро статистик классификацияси” нинг ўнинчи қайта кўриб чиқилган материаллари (МКБ-10) асосида касалликнинг муайян нозологик гуруҳлари бўйича ўтказилган таҳлил, вақтинчалик меҳнатга қобилиятызликка олиб борувчи асосий касаллик турларини ажратишга имкон берди. Тадқиқот ўтказилаётган корхона ишчиларининг касаллиги тузилишида нафас органлари касалликлари энг катта вазни эгаллайди (25,7%), кейинги ўринларда асаб тизими (21,8%), суюк-мушак тизими ва бириктирувчи тўқималар касалликлари (16,6%), қон айланиш тизими касалликлари (13,9%), сийдик айирав тизими

(9,5%), тери ва тери ости клетчаткаси касалликлари (6,6%), овқат хазм қилиш органлари касалликлари (3,8%), жарохатлар (захарланиш) ва ташқи мұхитдаги сабаблар таъсири оқибатида юзага келадиган айрим касалликлар (1,3%) ва бошқа касалликлар (0,8%) .

Назорат гурухи ишчиларида бу күрсаткичлар камрок даража ва специфик кетма-кетликка эга бўлиб, бажариладиган иш турлари ва гипокинезия шароитидаги меҳнат жараёни билан боғлиқдир (4.4-расм).

Нафас олиш органлари касалликларининг асосий шакллари ўткир респиратор вирусли инфекциялар (ЎРВИ) (75%), бронхитлар (12,8%), ларингит ва трахеобронхитлар (2,2%), сурункали тонзилитлар (1,6%) ва бошқалар.

Асаб тизими касалликларининг катта қисми, яъни 65% ҳодисалари нейроциркулятор ва вегетатив дистония кўринишида намоён бўлса, 28,3% ҳодиса нерв толалари ва периферик ганглия касалликларига тўғри келади.

Суяқ-мушак тизими касалликлари ва остеохондрозлар (58,3%), артритлар (32,5%), миозитлар (8,6%) кўринишида намоён бўладиган бириктирувчи тўқима касалликлари синфи асосий диққат-эътиборни қаратишга лойиқдир.

Кон айланиш тизими касалликларининг асосий қисми (46,9%) гипертония касаллиги, (35%) юрак ишемик касалликлари, (12,4%) ревматизм ва (4,8%) атеросклерозлардан ташкил топган.

Сийдик айирув ва таносил системаси касалликларидан пиелонефритлар (73,6%), эндометритлар (10,7%), сийдик тош касалликлари (9,5%) ва прастотитлар (6,2%) кўринишидаги сурункали жараёнлар билан тавсифланади.

Тери ва тери ости клетчаткасига доир касалликлар синфининг асосий шакллари дерматитлар (48,3%), экземалар (21,5%), лимфоаденитлар (16,9%), фрункулёзлар (5,3%) ва бошқа касалликлар билан ифодаланади. Овқат хазм қилиш органлари касалликлари ичидаги сурункали гастритлар 65% ни ташкил қиласи, кейинги ўринларни ошқозон ва 12 бармокли ичак яраси

касалликлари 20,2%, холециститлар 12,8% ва бошқа касалликлар эгаллади.

Назорат гуруҳидаги касалликларнинг тузилиши ва таркиби тажриба гуруҳидан жиддий фарқ қиласи.

Хусусан, маъмурий хизматчилар гуруҳида ахамиятга эга бўлган биринчи бешта ўринни нафас органлари касалликлари, қон айланиш тизими, асаб, сийдик айирав тизими ва овқат хазм қилиш органлари касалликлари эгаллайди.

Касбий белгилари бўйича вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик билан кузатиладиган касалланиш ҳолатларининг таҳлилига кўра, полиграфия корхоналарида бошқа касбий гуруҳ ишчиларига қараганда касалланиш даражасининг энг юқори кўрсаткичи босмаловчилар ва турли машиналарнинг машинистларида эканлиги (ўртacha ҳар 100 ишчига 65) аниқланди. Бунда касалликларнинг структураси бўйича энг катта вазни ўткир респиратор касалликлар (23,7%), грипп (17,1%) эгаллайди, кейинги ўринларда суяк-мушак тизими касалликлари (9,1%), гипертония касаллиги (8,2%), ўткир фарингит ва лорингит (8,1%) касалликлари туради.

Босмалаш цехларида ВМҚ билан кечадиган касалланиш бир қатор омиллар (грипп эпидемияси, яшаш ва меҳнат шароитлари каби) оқибатида юзага келади деб ҳисобланади. Шу билан бирга юқори даражадаги касалланиши келтириб чиқарувчи етакчи сабаблардан бири ишлаб чиқариш муҳитидаги номувофиқ омиллар ҳисобланади. Масалан, бир маромда бир турдаги ишларни бажаришда асаб тизимига тушадиган катта юкламалар юрак томир тизими касалликлари даражасига таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, юқори даражадаги шамоллаш касалликлари, ишлаб чиқариш муҳитидаги зарали омилларнинг комплекс таъсирида организмнинг иммунобиологик реактивлигини пасайтириши билан боғлиқ.

Муқовалаш цехларида ҳам касалланиш кўрсаткичлари юқори даражададир. Касалланиш структурасида респиратор инфекциялар умумий касалланишлар сонига нисбатан энг катта

ўринни эгаллайди 46,2 ва 31,5% (ходиса ва кунларга мувофиқ равишда), кейинги ўринларни грипп (9,7 ва 14,6%), гипертония касаллиги (8,2% гача), асаб тизими ва периферик ганглиялар касалликлари (7,4%) эгаллайди. Мазкур касаллик шакларининг ривожланишига юқори даражадаги жисмоний юкламалар таъсир кўрсатиб, муқовалаш-брошюралаш жараёнларининг тўлиқ автоматлаштирилмаган меҳнат шароитининг ўзига хосхусусиятлари, мажбурий иш ҳолатлари, катта микдордаги локал мушак харакати ва бошқалар билан боғлиқдир.

Охирги вақтда айрим касбий гуруҳ ишчилари учун жисмоний юкламаларнинг кескин пасайиши ва ишчиларнинг харакат фаоллигини чекланганлиги (компьютерда ҳарф териш ва саҳифалаш операторлари, мусахҳихлар, дизайнерлар) ишлаб чиқаришга доир номувофиқ омил бўлиб қолмоқда. Бу гуруҳга таалуқли ишчиларда кам харакатли хаёт тарзи етакчи омил ҳисобланиб, юрак-томир тизими касалликлари (гипертония ва юракнинг ишемик касаллиги) кўпроқ учрамоқда ва мазкур касаллик шакллари ВМҚ билан кечадиган касалликларнинг 29,5 ни ташкил қиласди.

Вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик билан кечадиган касалланишларни қиёсий таҳлил қилинганда, ўртacha жисмоний оғирликга эга бўлган меҳнат турида иш бажарувчилар (муқоловчилар, тикувчилар, брошюровчилар) ёш жихатлари бўйича камхаракатли меҳнат гуруҳидагиларга нисбатан ВМҚЙ нинг даражаси ортиқ эканлиги аниқланди. Бундан ташқари, гипокинезия, организмнинг реактивлигини пасайиши барча физиологик функцияларга жиддий таъсир кўрсатишига шароит яратиб беради. Тадқиқот жараёнида вегетатив (нейроциркулятор дистония, астеник ҳолатлар) ва функционал бузилишларга алоҳида эътибор қаратилди. Аниқланишича, иш жараёнида камхаракатли ишлардаги шахслар бу касалликларга кўпроқ чалиниб, меҳнатга қобилиятсизлик кунлари 58,8 кунни ташкил қиласа, жисмоний меҳнатга фаол бўлган ишчиларда 31,9 кунга

тенгдир ва бунда хар бир ходисадаги касалликнинг ўртача давомийлиги мувофиқ равишда 16,3 ва 10 кунни ташкил этади.

Бундан ташқари, ишчиларнинг ёш кўрсаткичлари ортиб бориши билан суяк-мушак ва юрак-томир тизими касалликларининг даражаси ҳам ортиб бориши аниқланди. Жумладан, 50 ёш ва ундан юқори бўлган ёш гурухларида суяк-мушак тизими касалликларининг даражаси 20-29 ёшларга қараганда 4 марта кўп бўлса, юрак-томир тизимига оид касалликлар 10 марта юқори эканлиги қайд қилинди. Ўткир респиратор касалликларнинг даражаси, бошқа турдаги касаллик шаклларига нисбатан хар қандай ёш гурухига мансуб ишчиларда юқори эканлиги кузатилади.

Ишчи аёллар ўртасида гинекологик касалликларнинг тарқалганлиги турли ёш гурухларида ўзига хос хусусиятларга эгадир: 20-29 ёшлиларда ҳар 100 ишчига ҳисоблагандан аёллар жинсий органларига оид касалликлар кузатилиб, касалланиш ходисаси ҳар 100 ишчига ҳисоблагандан 5,4; 40-49 ёшлиларда 28,9; 50 ёшдан ошган аёлларда фақат 0,8 га teng эканлиги аниқланди. Бундан ташқари ёш кўрсаткичининг ортиб бориши билан суяк-мушак тизимига оид касалликларнинг ўсиб бориши динамикаси аниқланди: 20-29 ёшларда 2,4 ҳодиса, 40-49 ёшларда 10,8, 50 ёшдан ва ундан юқори ёшдагиларда 16,8 ҳодиса (ҳар 100 ишчи ҳисобига) қайд қилинган.

Шундай қилиб, 20-29 ёшдаги ишчиларда касалланишнинг энг юқори даражаси аёллар жинсий органлари касалликларига тўғри келади, 30-39 ёшли аёлларда ошқозон-ичак йўли ва суяк-мушак тизими касалликлари устунликка эга, 40-49 ёшлиларда эса кўпроқ юрак-томир ва суяк-мушак тизими касалликлари даражаси юқори 50 ва ундан юқори ёш гурухи ишчиларида эса, асосан юрак-томир тизими касалликлари қайд қилинди.

Вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик билан кузатиладиган касалланиш ишчиларнинг саломатлик ҳолатини тўлиқ акс эттиrmайди, балки бу кўрсаткич фақат даволаш-профилактика

муассаларига мурожат қилган шахсларнинг соғломлик ҳолатини таърифлайди холос.

Кузатув остидаги ишчилар контингентининг саломатлиги хақидаги қўшимча маълумотларни тиббий кўрик натижаларининг таҳлилидан олиш мумкин.

5.2. Полиграфия корхоналаридаги ишловчилар саломатлигига касбий ҳавфни прогнозлаш

Маълумки, узоқ вақт ишловчилар организмига ишлаб чиқаришдаги ҳавфли омилларни маҳсус таъсири касб касалликларини келиб чиқишига ва ривожланишига олиб келади.

Касб касалликларини меҳнат шароитларига микдорий жихатдан аниқлаш ва ВМҚЙ ни ишлаб чиқариш омиллари билан боғлиқлигини ҳамда патогенетик механизmlарни ривожланиши ва умумий касалликларни ривожланишини аниқлаш, касб билан боғлиқ бўлган касалликлар категорияси деб номланувчи, замонавий босқичдаги долзарб йўналишлардан бири хисобланади.

Саломатлик ҳолати бузилишини касб билан боғлиқлигини кўрсатиш ва касб ҳамда касб билан боғлиқ касалликларни ривожланишини прогнозлаш учун биз томонимиздан ўрганилган меҳнат шароитлари ва ўрнатилган ҳавфлилик ва зааралик даражаларининг синфлариiga асосан тадқиқот олиб борилаётган корхоналардаги ишловчилар саломатлик ҳолатига таъсир этувчи касбий ҳавф баҳоланди ҳамда касб билан боғлиқ касалликлар даражаси аниқланди.

Меҳнат шароитлари синфларидан келиб чиқган ҳолда полиграфия корхоналари ишчиларини касбий ҳавф даражаси “ўртача” даражага киритилиб, фақат мусахҳих ва дизайнерлар “паст” ва қоғоз сиқувчилар “ўртадан юқори” даражаларга киритилди. Булар ишлаб чиқариш муҳитидаги ноқулай омиллар ва бажариладиган меҳнат фаолияти билан боғлиқ.

Нокулай меңнат шароитларини ишловчилар саломатлигига таъсири касб касалликларни келиб чиқиши билан бир қаторда, умумсоматик сурункали касалликларни ривожланишига ҳам олиб келади. Бунда информативлиги юқори ва иқтисодий ахамиятга эга бўлган кўрсаткичлардан бири нисбий ҳавф (RR) ҳисобланади. У бизнинг тадқиқотларимизда 2,0 дан 3,0 гачани ташкил этди. Олинган натижалар меңнат шароитларини ҳавфлилик ва зарарлилик синфларига мувофиқ равишда (RR) 4,6-жадвалдаги кўрсаткичларга тўлиқ мос келишини кўрсатди.

Саломатликни бузилишини касб билан боғлиқлик даражасига асосланган Г.Э. Денисов томонидан 2001 йилда ишлаб чиқилган таснифга мувофиқ полиграфия корхоналарида ишловчиларнинг қандай касбга мансублигидан қатый назар касбга боғлиқлик даражаси юқорилиги аниқланди.

Даврий тиббий кўрик натижалари таҳлилига кўра, ишловчилардаги асосий касалликларни синфларини ҳисобга олган ҳолда нисбий ҳавф, этиологик қисм (EF) ва касалликларни касбга боғлиқлик даражаси аниқланди. Олинган натижаларга кўра касбга боғлиқ касалликларни юқори даражасини суякмушак ва бириктирувчи тўқима касалликлари эгаллайди ($RR=5,0$; $EF=80\%$ сабаб оқибат боғланиш даражаси жуда юқори). Кейинги ўринни тери ва тери ости клетчаткаси касалликлари ($RR=2,8$; $EF=64\%$) ва асаб тизими касалликлари ($RR=2,5$; $EF=60\%$) эгаллайди. Буларда касбга боғлиқлик даражаси юқори.

Шундай қилиб, замонавий полиграфия корхоналаридаги ноқулай меңнат шароитлари ВМҚЙ бўйича касалликлар даражасини ортишида, сурункали (касбга боғлиқ бўлган) патологияларни ривожланишида ҳавфли омил бўлиб ҳисобланади.

Юқорида айтилганларни барчаси ўрганилаётган корхоналардаги ишловчилар саломатлигини сақлаш ва меңнат шароитларини оптималлашга қаратилган профилактик чора тадбирлар комплексини ишлаб чиқишига асос бўлади.

ХОТИМА

Ҳозирги вақтда гигиена соҳасида ишлаб чиқариш мұхитидаги ноқулай омилларни инсон организмиға таъсирини ўрганиш мұхим ўринлардан бирини эгаллады.

Янги техника технологияларнинг ишлаб чиқаришга кенг татбиқ этилиши, механизация ва автоматизацияларнинг мүкаммаллашуви ишлаб чиқарылған махсулотни сифат ва миқдор жиҳатдан самарасини ортишига олиб келиши билан бирга ишлаб чиқариш мұхитида илгари кам ўрганилған ёки янги ишлаб чиқариш омилларини юзага келтиради. Бу эса ўз навбатида бундай омилларни ишловчилар организмиға номувофиқ таъсирини ўрганиш ва уларни олдини олишга қаратылған профилактикач чора тадбирларни ишлаб чиқиш мұхимлигини күрсатади.

Полиграфия корхоналари ҳам ишловчилар саломатлық ҳолати ва иш қобилиятыга ишлаб чиқаришдаги ноқулай омилларни таъсир күрсатиши билан тавсифланадиган корхоналар қаторига киради. Ўрганилған полиграфия корхоналарда технологик жараёнлар қуйидагичадир. Босмагача бўлган жараёнлар тезкор бадиий цехида бажарилиб, бу ерда компьютер тизимлари ёрдамида матн терилади, мусаххихлар томонидан корректиранади, матнга иллюстрациялар киритилиб, дизайнерлик ишлари бажарилади, бирламчи босма шакллари тайёрланади. Сўнг махсулотни кейинги босқичга ўтишига тайёрланади.

Компьютерда босиш учун тайёрланган маълумотлар босиб чиқишга берилади. Босма махсулотининг бирламчи шакллари фотопластинкага чиқарылади. У мусаххих томонидан ўқиб, хато ва камчиликлари тўғирланганидан сўнг монтаж қилинади. Монтаж қилинган астролонлар метал пластикага фотонусча кўчириш машинаси ёрдамида туширилади. Метал пластинкалар спирт ва бензиннинг 1:1 га нисбатдаги эритмаси билан босма шакларини кўчирувчи томонидан тозаланади.

Шунинг билан биринчи босқич тугаб, иккинчи босқич яъни, босмалаш жараёни бошланади. Олинган босма шакллари босмалаш цехига келади. Бу цех ракамли босмалаш машиналари билан жихозланган. Буларда босма махсулотларининг нусхаси чиқарилади. Босмаловчи чиқган махсулотни махсус столда визуал равишда текширади ва босиши сифатини баҳолайди. Шундан сўнг босиб чиқарилган варақлар саҳифа қилувчи машинага берилади. Бу машина қоғозларни берилган ўлчамга мувофиқ буклайди ва тахлайди. Қоғоз четларидаги чизиклар оператор томонидан берилган схема бўйича белгиланади. Босмадан кейинги жараён ўз ичига муқовалаш цехидаги турли ишларни олади. Бу ерда китоб блокланади ва муқовалари тайёрланади. Бу ишларни DC mini HF машинаси бажаради. Унда китоблар автоматик равишда тахланади ва тикилади, юқоридаги линия елим ва метал пружиналар ёрдамида китобни тикувчи қурилмани ўз ичига олади. Муқоваланган китоблар махсус гидравлик сиқиши машиналарига керакли шаклга келтириш учун қўйилади ва тайёр китоблар тахланиб ўралади Кесиш машиналаридан чиқсан қоғоз чиқиндилари қоғоз йиғиш бункерига тушади. Кейин у сиқилади ва зичланади. Корхоналарда ишловчиларга бир қатор омилларни биргаликдаги таъсири мавжуд (физик, кимёвий ва рухий физиологик). Бундай омиллар корхоналардаги ишни ташкил этилганлик холати ва технологик жараёнлар натижасида ҳосил бўлади.

Полиграфия корхоналаридаги етакчи ишлаб чиқариш омилларига шовқин, иш жойларини чангланганлиги ва газланганлиги, етарли бўлмаган ёритилганлик, ишнинг монотонлиги ва мажбурий ишчи холатлари киради. Ишлаб чиқариш шовқинининг юқори даражаси босмалаш ва муқовалаш цехларида бўлиб, газета босиши машинаси машинистининг иш жойида 86 дБА, саҳифалаш ва қоғоз кесиш машинаси машинистлари иш жойида 83 дБА ва 85 дБА га, қоғоз сиқиши бункери олдида эса 82 дБА га teng. Спектр таркиби бўйича 500 дан 4000 Гц гача частоталар оралиғида 1-7 дБга юқорилиги

аниқланган. Шовқин омилиниң йүл қўйиладиган меъёрдан жуда юқори эмаслигига қарамасдан, у ишлаб чиқаришдаги бошқа омиллар билан биргаликда таъсир этиши ишловчилар функционал ва саломатлик холатида ўзгаришларга олиб келиши мумкин.

Ишчи зонасининг газлар билан ифлосланиши ўрганилганда, уларнинг энг кўп микдори босма шаклларини кўчирувчи ва босмаловчининг иш жойларида хосил бўлиши аниқланди. Босма шаклларини кўчирувчининг иш жойлари ҳавосидаги бензин буғларининг максимал микдори $111,2 \text{ мг}/\text{м}^3$ га тенг бўлиб, РЭМ дан $11,2 \text{ мг}/\text{м}^3$ га юқоридир. Босмаловчиларнинг иш жойлари ҳавосидаги керосин буғларининг микдори $303,6 \pm 4,4 \text{ мг}/\text{м}^3$ га, ацетон буғларининг микдори $325,1 \pm 40,4 \text{ мг}/\text{м}^3$ га тенг бўлиб, меъёридан 1-1,05 ва 1,1-2,2 га кўп. Шундай қилиб кимёвий омилнинг юқори концентрацияси босмалаш цехида хосил бўлиб, у ўз таркибида турли компонентли бўёқлар билан босма маҳсулотларига ишлов беришда хам хосил бўлади.

Ўрганилаётган корхоналардаги етакчи омиллардан бири иш жойларининг чангланганлиги бўлиб, улар майда заррачали қоғоз чангларидир. Чангнинг юқори концентрацияси кесиш машинаси машинистлари ($5,8-7,2 \text{ мг}/\text{м}^3$) ва қоғоз сикувчиларнинг ($6,2-7,5 \text{ мг}/\text{м}^3$) иш жойларида хосил бўлиб, Давлат стандарти 12.1.005-88 “Иш жойлари ҳавосига умумий санитар гигиеник талаблар” ва 0046-96-сонли СанМваҚ “Гигиеник меъёрлар. Иш жойлари ҳавосидаги зарарли моддаларнинг рухсат этилган концентрацияси” бўйича меъёридан 1,2 мартаға юқори. Тезкор бадий ва босмалаш цехлари асосий иш жойларида чангнинг микдори гигиеник меъёрлар даражасида эканлиги қайд қилинди. Йилнинг совуқ даврига қараганда йилнинг илиқ даврида чанг микдори $1-2,2 \text{ мг}/\text{м}^3$ га кўп бўлишини кўрсатди. Йилнинг совуқ давридаги бу кўрсаткич ҳавонинг нисбий намлиги билан боғлиқдир. ишлаб чиқаришдаги чанг омили салбий ахамиятга эга бўлиб, ишлаб чиқаришдаги бошқа омиллар билан комплекс

таъсири ишловчиларнинг саломатлик холатига салбий таъсир этиши мумкин.

Полиграфия корхоналари ишлаб чиқариш муҳити метериологик шароити технологик жараённи, йил даврларини ва бошқа кўрсаткичларни хисобга олиб баҳоланди. Тадқиқот натижаларига кўра йилнинг совук даврида ҳаво ҳарорати йилнинг илиқ даврига қараганда $2,5\text{-}3,0^{\circ}\text{C}$ га паст бўлиши аниқланди. Микроиклиминг бошқа кўрсаткичлари, яъни ҳавонинг харакати ва нисбий намлиги санитар меъёrlар даражасидадир.

Ишлаб чиқариш муҳтидаги гигиеник жиҳтдан энг ахамиятли омиллардан бири ёритилганликдир. Полиграфия корхоналари турли иш жойларидаги ёритилганлик кўрув ишининг разряди бўйича турличадир. Текширув натижаларига кўра компьютерда ҳарф териш оператори, босмаловчи, машинистлар ва тикувчиларнинг иш жойларидаги сунъий ёритилганлик меъёридан 50-100 лк га аралаш ёритилганлик 0,2-0,3% га камлиги аниқланди.

Видеодисплейли терминаллар ва бошқа замонавий қурилмаларнинг қўлланиши айrim иш жойларида электромагнит майдонларини хосил бўлишига олиб келиши аниқланган. Текширувларни натижаларига кўра полиграфия корхоналари иш жойларидаги электромагнит майдонларининг кўрсаткичлари амалдаги меъёrlар чегарасидан ошмаслигини кўрсатди. Мехнат шароитларини гигиеник баҳолаш бўйича ўtkазилган тадқиқот натижаларига бўйича замонавий полиграфия корхоналарида ишловчиларнинг меҳнат шароитларини гигиеник классификацияга мувоғиқ зааралик бўйича З синфнинг 1 даражаси гуруҳига киритишга имкон берди.

Ўтказилган тадқиқотларнинг кейинги босқичи полиграфия корхоналари етакчи касбий гурухларида (ишлаб чиқариш муҳитининг заарли ва ҳавфли омилларини бевосита таъсирида бўлувчилар) фаолият юритувчи ишчилар организмини функционал холатини иш куни давомида ўрганишдир.

Текширув учун турли касбдаги, 18 дан 48 ёшгача бўлган 90 та амалий соғлом кишилар танлаб олинди. Функционал текширувлар йилнинг илиқ ва совуқ даврларида, иш куни давомида олиб борилиб, иш кунини хронометражи, ишнинг оғирлиги ва кескинлиги кўрсаткичлари бўйича меҳнат шароитлари синфлари аниқланиб ишловчиларга профессиографик тавсиф бериш, ишчи холати, МАТ, ЮТС, иссиқликни бошқариш жараёнлари, кўрув, эшитув анализаторларининг ва таянч-харакат аппаратининг холатлари каби текширувлар ўтказилди.

Полиграфия корхоналаридаги зарали ва ҳавфли омиллар ишловчилар организми функционал холатига таъсир этиб, бу айрим орган ва тизимлардаги ўзгаришларда намоён бўлади. МАТ холатини ўрганишда, турли хилдаги корректуравий тестлар ёрдамида текширишлар олиб борилди. Текширувлар давомида операторларда, мусахҳихларда, босмаловчилар ва машинистларда дикқат-эътибор функциясини ва фарқлаш хусусиятини пасайиши характерли бўлиб, юқоридаги касб эгаларида корректуравий намунага оид берилган вазифаларни бажаришда йўл қўйилган хатоларни ишончли тарзда ортиқлиги ва берилган топширикларни бажаришга сарфланган вақтнинг ишдан олдинги кўрсаткичга нисбатан ошганлигини кўрсатди ($P<0,05$). Компьютерда ҳарф терувчи операторларда (27%), мусахҳихларда (26,5%), босмаловчилар ва машинистларда (мувофиқ равишда 26 ва 25%). Олинган маълумотларни таҳлил қилиш натижалари полиграфия корхоналаридаги ҳар хил касбий гурух ишчиларида МАТ функционал холатидаги силжишларнинг умумий қонунияти рўёбга чиқиб, у айниқса оператор, мусахҳих ва босмаловчиларда ёрқинроқ намоён бўлиб, дикқат-эътибор ҳажми ва тақсимлаш кўрсаткичининг ёмонлашуви, кўриш ва эшитиш реакцияси вақтининг кўпайиши (бошланғич кўрсатгичга қараганда 24-30% га) аниқланди. Ландольт халқачаларидаги узилишни аниқлаш бўйича ўтказилган тадқиқотларга кўра, белгиланган топшириқни бажариш учун мусахҳихлар $165\pm1,34$, кесиш машинаси

машинистлари $130,0 \pm 1,28$ бит/с вақт сарфладилар. Иш сменанинг биринчи ярмида тадқиқотга олинган барча касбий гурӯҳ ишчиларида сарфланадиган вақт ва ўтказиб юборилган халқачаларнинг сони ишончли равишда ошганлигини ва ўрта хисобда 13-14% тенг эканлиги, иш кунининг охирида эса 22-25% га кўтарилиганини аникланди. Кўриш анализаторининг ўтказиб юбориш хусусияти (КАЎК) бўйича фонга оид ва иш охиридаги кўрсаткичлар ўртасидаги фарқ ўртacha 8-12% ташкил этади ($P < 0,05$). Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича иш сменаси давомида эшитиш реакциясининг яширин даврининг узайиши қайд қилинди. Босиши машинаси босмаловчиларидаги эшитиш яширин даврининг чўзилиши бирламчи кўрсатгичга нисбатан 15,3% ни ташкил қиласи. Ишчиларда ўтказилган аудиометрик текшириш натижалари меҳнат шароитлари шовқин бўйича РЭД дан ортиклиги билан таърифланадиган (босмаловчилар, машинистлар, қофоз сиқувчилар) касб эгаларида иш сменаси давомида эшитиш бўсағасининг ишончли ўзгаришини кўриш мумкин. Олинган кўрсаткичлар, бирламчи кўрсаткичлардан икки марттагача ўсиб, айниқса 1000 дан 8000 Гц гача бўлган юқори частоталарда ёрқин намоён бўлади. Бу ўзгаришлар функционал характерга ҳам эга бўлиб, буни эшитиш анализаторларининг ишлаб чиқаришга оид чарчаши билан боғлаш мумкин.

Юрак томир тизимини текширув натижалари кам жисмоний фаолликдаги касб эгаларида гемодинамик кўрсаткичлари иш куни давомида ишончли тарзда пасайганлигини кўрсатади ($P < 0,05$). Факат қоннинг зарбалик хажмигина ишчиларида иш куни динамикасида ишончи тарзда ортади ($P < 0,05$). Иш бошланишига қадар ўртacha $49,5 \pm 2,3$ мл. га тенг бўлса, тушлик танаффусгача сезиларли даражада ошмайди ($50,0 \pm 1,8$ мл), иш кунининг охирида эса- $53,0 \pm 2,0$ мл гача ортади. Жисмоний фаоллиги юқори бўлган ишчиларда пульснинг ишончли тарзда дақиқасига ўртacha 10 та зарбачага тезлашиши, артерал босимнинг ўртacha 3-4 мм сим. уст. кўтарилиши, пульсга оид

босимнинг 11 мм сим. уст. ва ўртача динамик босимнинг 10 мм сим. уст. га ортиши кузатилди.

Ишчиларда асаб-мушак ва харакат аппаратларининг функционал ҳолатини баҳолаш учун ишчиларининг ишчи ҳолатлари ўрганилди. Кам жисмоний фаолликдаги ишчиларни ҳолатини фотогониометрик усул билан баҳолашда бўйиннинг вертикал оғиши ($5,8^0$) ва гавданинг оғиши ($9,5^0$) оптималь оғишнинг юқори чегарасидан катта эканлигианиқланди. Фаол жисмоний меҳнат билан шуғулланувчиларда асосий юклама панжа-билак ва тирсак бўғинларига тушади. Панжа-билак бўғинининг ўртача оғиш қиймати оптималь даражадан камдир. Тирсак бўғинини букилиш бурчагини оптималь қиймати $80-100^0$ бўлгани ҳолда, $112,5^0$ га tengdir. Ишчиларининг касбий фаолиятлари, асаб-мушак аппратининг функционал ҳолатини ўзгаришини келтириб чиқариб, мушакларнинг иш қобилиятини пасайишига олиб келади. Текширув натижалари иш кунинингккинчи ярмида ишчиларда мушаклар кучининг пасайишини кўрсатди ва фонга оид кўрсаткичларга қараганда кам жисмоний фаолликдаги ишчиларда ўртача 23% ва фаол жисмоний харакатдагиларда эса 13% га пасайганлиги аниқланди ($P>0,05$).

Замонавий полиграфия корхоналарида фаолият кўрсатувчи асосий касбий гурухларни иш куни хронометражи бўйича ишловчиларнинг асосий ишга машғуллик вақти операторларда 80% , мусаххих ва дизайнерларда 84% , босма шаклларин кўчирувчиларда 82% , босмаловчиларда 80% , машинистларда 75% , муқоваловчиларда 80% , қоғоз сикувчиларда 66% , ва тикувчиларда 78% ни ташкил этиши аниқланиб, бу кўрсаткичлар ишлаб чиқаришдаги меҳнат жараёнларини оғирлилик ва кескинлик кўрсаткичларини аниқлашга имкон берди. Ишнинг оғирлиги ишчи муҳитидаги заарли ва ҳавфли омилларни РЭМ дан ортиши кескинлик кўрсаткичлари эса ақлий, сенсорли хамда хаяжонлантирувчи юкламалар, иш тартиби ва ишнинг монотонлик кўрсаткичлари асосида баҳоланди. 0141-01-сонли

гиgienик таснифга биноан полиграфия корхоналаридағи ишчиларнинг меҳнати 3 синф 1 даражали (мусахих, дизайнер), 3 синф 2 даражали (оператор, нусха шаклини кўчирувчи, босмаловчи, муқоваловчи, машинистлар, брошюраловчи ва тикувчи), 3 синф 3 даражали (қофоз сиқувчи) тоифалариға мансублиги аниқланди.

Физиологик тадқиқотлар таҳлилидан олинган маълумотлар полиграфия корхоналаридағи ҳар хил касбий гуруҳ ишчиларида МАТ, ЮТС, асаб–мушак ва харакат аппаратларининг функционал холатидаги силжишларни рўёбга чиқариб, у диққат–эътибор ҳажми ва тақсимлаш кўрсаткичининг ёмонлашуви, кўриш ва эшитиш реакцияси вақтининг кўпайиши, кўриш анализаторининг ўтказиш қобилияти пасайиши, гемодинамик кўрсаткичларнинг ортиши, бўйиннинг верикал оғиши ва гавданинг оғиши ва бошқа кўринишларда кузатилиб, меҳнат жараёнининг юқори даражадаги кескинлиги, ишлаб чиқаришга оид чарчашнинг ривожланишига олиб келиш мумкинлигини тасдиқлади.

Мазкур корхоналар ишчиларининг касаллик варақалари ва касалликнинг давомийлиги хақидаги маълумотлардан олинган нусҳалар орқали касалланишлар таҳлилдан ўтказилди. Ишчиларнинг вақтинча меҳнатга лаёқатсизлиги уларнинг жинси, ёши, иш стажи, касбга алоқадорлиги каби кўрсаткичларига боғлиқ ҳолда ўрганилиб, у корхонадаги меҳнат шароити ва умумсоматик, ҳамда касбга алоқадор бўлган касалланиш даражаси ўртасидаги сабаб-оқибат боғлиқлигини аниқлашга имкон берди. Ишловчиларни ёши бўйича ўтказилган таҳлилга кўра тажриба гуруҳида 30-39 ёшдагилар, назорат гуруҳида 50 ёшдан ошганлар энг кўп касалланиши аниқланди.

Меҳнат стажи бўйича таҳлилда ходисалар сони бўйича меҳнатга қобилиятсизлик иккала гуруҳ текширилувчиларда ҳам 15 йилдан ортиқ стажга эга бўлган шахсларда (62,8%) юқори кўрсаткичдалиги аниқланди. Бу кўрсаткич ишчиларининг иш

стажи қанчалик кўп бўлса, касалланиш ҳодисаларининг сони ҳам ишончли равишда шунчалик юқори бўлишини кўрсатади.

Тадқиқот ўтказилаётган корхоналардаги ишчиларининг касалланиш тузилишида нафас органлари касалликлари энг катта вазни эгаллади (25,7%), кейинги ўринларда асаб тизими (21,8%), суяқ-мушак тизими ва бириткирувчи тўқималар касалликлари (16,6%), қон айланиш тизими касалликлари (13,9%), сийдик айирув ва таносил тизими касалликлари (9,5%), тери ва тери ости клетчаткаси касалликлари (6,6%), овқат хазм қилиш органлари касалликлари (3,8%), жароҳатлар (захарланиш) ва ташқи муҳитдаги сабаблар таъсири оқибатида юзага келадиган айrim касалликлар (1,3%) ва бошқа касалликлар (0,8%). Юқоридаги касалликларни ривожланиши юқори даражадаги жисмоний юкламалар меҳнат шароитининг ўзига хосхусусиятлари, мажбурий иш холатлари, катта микдордаги локал мушак харакати ва бошқалар билан боғлиқдир.

Саломатлик ҳолатини бузилишини касб билан боғлиқлигини аниқлаш учун меҳнат шароитлари, ҳавфлилик ва зааралик даражаларининг синфларига асосан ишловчилар саломатлик ҳолатига таъсир этувчи касбий ҳавф баҳоланди ва касб билан боғлиқ касалликлар даражаси аниқланди.

Меҳнат шароитлари синфларидан келиб чиқган холда полиграфия корхоналари ишчиларини касбий ҳавф даражаси “ўртача” даражага киритилиб, фақат мусахҳих ва дизайнерлар “паст” ва қофоз сиқувчилар “ўртадан юқори” даражаларга киритилди. Полиграфия корхоналаридаги ишловчиларни саломатлигини бузилишини касбга боғлиқлик даражаси ва меҳнат шароитларини ҳисобга олиб нисбий ҳавф (RR) ҳисобланганда, барча цехлардаги асосий касбий гуруҳдагиларда касалланишни касбга боғлиқлик даражаси “юқори” деб ҳисоблашга имкон берди.

Тиббий кўрик натижалари таҳлилига кўра, ишловчилардаги асосий касалликларни синфларини ҳисобга олган холда нисбий ҳавф, этиологик қисм (EF) ва касалликларни касбга боғлиқлик

даражаси аникланди. Натижаларга кўра касбга боғлиқ касалликлар даражалари қўйидагича жойлаштирилди. Суякмушак ва биритирувчи тўқима касалликлари ($RR=5,0$; $EF=80\%$ сабаб оқибат боғланиш даражаси жуда юқори). Кейинги ўринни тери ва тери ости клетчаткаси касалликлари ($RR=2,8$; $EF=64\%$) ва асаб тизими касалликлари ($RR=2,5$; $EF=60\%$ сабаб оқибат боғланиш даражаси юқори), қон айланиш ($RR=1,6$; $EF=37,5\%$) ва сийдик айирув тизими касалликлари ($RR=2,0$; $EF=50\%$ сабаб оқибат боғланиш даражаси ўртача). Корхоналаридаги нокулай меҳнат шароитлари ВМҚЙ бўйича касалликлар даражасини ортишида, ҳавфли омил бўлиб ҳисобланиши аникланди.

Полиграфия корхоналарида меҳнат шароитларини баҳолаш, ишловчилар функционал ҳолатини ўрганиш ва вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик билан кечадиган касалланиш даражасини таҳлил қилиш бўйича ўтказилган текширувлар меҳнат шароитларини оптималлаш, ишловчилар саломатлигини саклаш ва меҳнат самарадорлигини оширишга йўналтирилган профилактик чора тадбирлар мажмуинини ишлаб чиқишга асос бўлади.

ХУЛОСАЛАР

Полиграфия корхоналари физик (иш жойлари ҳавосининг чангланганлиги, иш жойларидаги шовқин, йилнинг совуқ давридаги паст ҳарорат, етарли бўлмаган ёритилганлик), кимёвий (иш жойлари ҳавосининг газланганлиги) ва психофизиологик (мажбурий ишчи холати, ишнинг юқори даражадаги кескинлиги ва монотонлиги) омилларнинг комплекси билан тавсифланиб, булар корхоналардаги технологик ва меҳнат жараёнларини ташкил этилиш хусусиятларига боғлиқ. Ўрганилаётган корхоналардаги меҳнат шароитларини баҳолаш, ишлаб чиқариш муҳитидаги ноқулай омилларни 0141-03-сонли СанМваҚ ҳамда услубий қўлланмага асосан зааралилик ва ҳавфлилик синфини аниқлашга имкон берди. Ушбу корхоналардаги ишловчиларнинг меҳнат шароити зааралилиги бўйича қуидагиларни ҳисобга олиб: чанг РЭМ дан ўртача 1,25 марта, кимёвий омил 1,1-2,25 марта, шовқин РЭД дан 7дБА ва частота таркиби бўйича 3-5 дБ га юқори, ТЁК 0,83 марта кам, шунингдек иш жойлари ҳавоси ҳарорати йилнинг совуқ даврида 2-3⁰С га паст 3-синфнинг 1-чи даражасига киритилди.

Хронометраж кузатувлари тезкор бадий цехида иш кунининг зичлиги куннинг 1 чи ва 2 чи ярмида ҳам юқорилигини кўрсатиб, асосий ишга бандлик вақти 80-86% ташкил этади. Уларнинг меҳнати кўриш ва диққатни жамлашда жуда кескинликни талаб этиб, чиқариладиган маҳсулотнинг сифати уларнинг меҳнатига боғлиқдир. Иш куни зичлигининг бироз камроқ кўрсаткичи қоғоз сиқувчиларда (66%) бўлиб, 13,1% вақти тик туришга кетадики, бу иш кам кескинликдаги лекин катта жисмоний юклама билан бажариладиган меҳнат турига киришини кўрсатади. Полиграфия корхоналаридаги меҳнат жараёнларини кескинлигини бўйича, компьютерда ҳарф териш оператори, босмаловчи ва кесиши машинаси машинистларининг бажариладиган иши гигиеник тавсифга мувофиқ кескин меҳнат турининг 3 синф 2 даражасига киритилди. Бу бажариладиган

ишлиарнинг юқори даражадаги жадаллиги ва кескинлиги билн таърифланиб, ишлаб чиқаришга доир толиқишини эрта намоён бўлишига олиб келади. Физиологик текширувлар бўйича маълумотларга кўра турли касбий гуруҳдагиларни организми функционал ҳолатида турли даражадаги ўзгаришлар бўлишини умумий қонуниятлари аникланди, лекин МАТ даги ўзгаришларни юқорилиги компьютерда ҳарф териш оператори ва босмаловчиларда бўлиб, у кўриш реакциясининг ўртача 24-30% га, эшитиш реакциясининг 28% га ўзгариши кўринишида намоён бўлди. Шунингдек фаол жисмоний меҳнат билан ишловчиларда гемодинамик кўрсаткичлардаги ўзгаришлар юқори ўринни эгаллаб, у АБ, ПБ, ЎДБ ва ПТ кўрсаткичларини ортишини кўрсатди. Мушак аппаратидаги ўзгаришларни юқорилиги кам жисмоний меҳнат билан шуғулланувчи ишчиларда бўлиб, у мушак кучини ўртача 23% ва мушак чидамлилигини 29% га камайиши билан намоён бўлди. 2007-2009 йиллардаги касалланишни ўрганиш натижалари иккала жинс вакилларида хам ходиса ва меҳнатга қобилиятсизлик кунларининг ортишини кўрсатди. Бунда ВМҚЙ ни юқори даражаси 30-39 ёшдаги, ўртача 15 йил стажга эга бўлган шахсларга тўғри келди. Касалликлар структураси бўйича тажриба гурухидагиларни назорат гурухига солиширгандан етакчи ўринни нафас олиш аъзолари касалликлари (25,7%) ва МАТ касалликлари (21,8%) эгаллаши, кейинги ўринларни суюк мушак ва бириктирувчи тўқима касалликлари (16,6%), қон айланиш тизими касалликлари (13,9%), пешоб айирув тизими касалликлари (3,8%) ва шикастланишлар (1,3%) ни эгаллаши аниқланди. Нисбий ҳавф (RR) ва этиологик қисмларни (EF) ҳисоблаш кўрсаткичларини касбга боғлиқлик даражаси суюк мушак ва бириктирувчи тўқима касалликларида ($RR=5,0$; $EF=80\%$), тери ва тери ости клетчаткаси касалликларида ($RR=2,8$; $EF=64\%$) ва асад тизими касалликларида ($RR=2,5$; $EF=60\%$) эканлигини аниқлашга имкон берди. Булар ўз навбатида касбга боғлиқ касалликлар даражасини юқори эканлигини кўрсатади.

АМАЛИЙ ТАВСИЯЛАР

Полиграфия корхоналари меҳнат шароитларини соғломлаштиришда асосий эътиборни технология ва қурилмаларни мукаммаллаштириш, ёрдамчи операцияларни бажаришни механизациялаштириш, монотонли меҳнат турини автоматлаштирилган конвейер линияларда бажариш ва ишчи ўринларини рационаллаштиришга қаратиш керак. Ишловчиларнинг ишчи холатини рацоналлаштириш учун уларнинг физиологик тузилиши ва ишлаб чиқариш жараёнига қараб мақсадли равишда ишчи ўринларини танлаш, даврий равишда “тик” холатини “ўтириш” холати билан алмаштириб туриш лозим. Ишлаб чиқаришдаги мебелларни ишловчининг антропометрик ва эргонометрик талаблариiga жавоб беришини таъминлаш учун стол ва стулларнинг конструкцияси кўтарилиб-айланадиган, эгилиш бурчаклари бошқариладиган, индивидуал ишчи холатини ушлаб туриш имкониятларига эга бўлиши керак. Иш жойларидағи заарли омилларни таъсирини камайтириш ва ишловчиларни иш зонасида эркин харакатланишини таъминлаш мақсадида, босма машиналари орасида масофаси энг кам 1,5-2 м бўлиши тавсия этилади. Видеодисплейли терминал ва компьютер техникаси билан ишловчи ишчиларни ҳимоялаш мақсадида ишчи ўринлари орасидаги масофа 2 м, ён томондан эса 1,2 м дан кам бўлмаган узокликда жойлаштириш, шунингдек экранлар юзасига маҳсус ҳимояловчи воситалар ўрнатиш тавсия этилади. Полиграфия корхоналаридаги иш жойлари ҳавосини чангланганлиги ва газланганлигини камайтириш учун ишлаб чиқариш хоналаридаги мавжуд вентиляция тизимини узлуксиз ишлиши ва самарадорлигини назорат қилишни таъминлаш, 1 йилда 1 маротаба профилактик текширув ва керак бўлганда техник таъмирлаш зарур. Қоғоз кесувчи ва қоғоз сикувчиларнинг иш жойига тортиш тезлиги 4-4,5 м/с бўлган мўри кўринишидаги маҳаллий тортувчи вентиляция ўрнатиш даркор. Шовқин омили хосил қилувчи қурилмаларнинг товуш интенсивлигини

камайтириш мақсадида шовқиндан ҳимояловчи кожухлар ва шовқин ютувчи юзалар ўрнатилиши керак. Булардан ташқари бундай манба жойлашган хоналарнинг девор ва шифтларига акустик ишлов бериш мақсадга мувофиқдир. Йилнинг совуқ даврида ишлаб чиқариш хоналаридағи микроиклимин оптималлаш учун иситиш тизимини тўлиқ ишлашини таъминлаш лозим. Иситиш тизими мавжуд бўлмаган иш жойларида иситувчи қурилма сифатида нурли иситиш панеллари ва регистрлардан фойдаланиш тавсия этилади. Компьютерда ҳарф териш оператори ва кесиш машинаси машинистларининг иш жойларида талаб этиладиган ёритилганликни (иш жойлари юзасида 300 лк, дисплей экрани юзасида 100 лк) таъминлаш учун люминисцент ёритгич туридаги махаллий ёритилганликни ташкил этиш, шунингдек уларни тозалаб туриш муддатига (3 ойда 1 маротабадан кам бўлмаган) риоя қилиш тавсия этилади. Полиграфия корхоналари ишлаб чиқариш мұхитидаги заарли омилларни ишловчиларга таъсирини камайтириш мақсадида уларни ШХВ (махсус кийим, ШБ-1, Ф-62, “Лепесток-200” туридаги фильтрловчи респираторлар, “Беруши” - антифони) билан таъминлаш зарур. Чарчашни олдини олиш мақсадида меҳнат ва дам олиш тартибини рационал ташкил этиш керак. Бунда КТ билан узлуксиз ишлаш давомийлиги регламентланмаган танаффусларсиз 2 соатдан ошмаслиги, умумий ишлаш вакти эса 4 соатдан ортмаслиги лозим. Бу корхона ишловчиларга регламентланган танаффуслар ташкил этилиб, у иш бошлангандан ва тушлик танаффусидан 2 соатдан сўнг 15 дақиқалик бўлиб, хар иш соатида такрорланиши лозим. Регламентланган танаффусларда жимоний машқлар мажмуини (кўз, қўл панжа ва б. учун) бажариш ва ўзини ўзи уқалаш тавсия этилади. Улар маҳсус руҳий дам олиш хоналарида бажарилиши лозим. Ишнинг монотонлигини нокулай таъсирини камайтириш учун бажариладиган иш турини имконият даражасида алмаштириб туриш тавсия этилади. Даврий тиббий кўрикларни ўтказиш давомийлиги 1 йилда 1-2 марта (касбга боғлиқ холда)

бўлиб, унда албатта терапевт, невропатолог, офтальмолог, отоларинголог, хирург, гинеколог ва дерматолог каби мутахассислар қатнашиши, шунингдек керакли функционал текширувлар ўтказилиши шарт.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

1. Анаркулов З., Исохужаев И. Актуальные проблемы изучения вредных факторов производственных объектов //Актуальные проблемы гигиены, токсикологии, эпидемиологии и инфекционных заболеваний в Республике Узбекистан. Сборник научных трудов VII съезда гигиенистов, санитарных врачей, эпидемиологов и инфекционистов. – Ташкент, 2000. – С. 44.
2. Березин И.И., Штейнберг Б.И., Воробьева Е.Н. Профессиональная заболеваемость на промышленных предприятиях //Материалы IX Всероссийского съезда гигиенистов и санитарных врачей. – Москва, 2001. -Ч. 2. – С. 41-43.
3. Вохидов А.Я. Взаимосвязь между возрастом, длительностью заболевания и иммунобиологическими показателями у больных с заболеваниями бронхо-легочной системы профессиональной этиологии //Сборник тезисов к докладам научно-практической конференции. – Зарафшан, 2002. - С. 27.
4. Демиденко Н.М., Миргиязова М.Г. Роль социально-гигиенических условий в формировании заболеваемости работающих с ВУТ //Материалы VII съезда гигиенистов, санитарных врачей, эпидемиологов и инфекционистов РУз. – Ташкент, 2000. – С. 35.
5. Демиденко Н.М. Профилактика производственного утомления //Сб. докладов и тезисов научно-практической конференции. – Зарафшан, 2002. - С. 29-30.
6. Жестков А.В. Иммунологические изменения при пылевой патологии легких //Гигиена и санитария. – Москва: Медицина, 2000. - №6. – С. 30-33.
7. Жолдокова З.И., Желваков Л.Н., Харчевникова Н.В. Прогноз опасности химических веществ в зависимости от структурной активности с учетом биотрансформации //Гигиена и санитария. – М., 2000. - №1. – С. 25-29.

8. Жолдокова З.И., Каценович Л.А., Харчевникова В.С., Журков В.С., Синицына О.О. К обоснованию безвредных уровней для единого гигиенического нормирования веществ //Гигиена и санитария. - 2000. -№6. – С. 51-54.
9. Закон Республики Узбекистан №ЗРУ-393 «О санитарно-эпидемиологическом благополучии населения». – Ташкент, 2015.
10. Закон Республики Узбекистан №ЗРУ-410 «Об охране труда». – Ташкент, 2016. – С.20.
11. Закон Республики Узбекистан «Об охране здоровья граждан». Собрание законодательства Республики Узбекистан № 20.- Ташкент, 2010. – С.148.
12. Ибрагимова Г.З., Апплонова Г.Н., Тазиева Л.Д. Новые подходы к гигиенической классификации условий труда по показателям вредности и опасности факторов производственной среды, тяжести и напряженности трудового процесса //Материалы научно-практической конференции. – Ташкент, 2001. – С. 32.
13. Ибрагимова Г.З., Парсегова Н.Г., Демиденко Н.М., Апплонова Г.М. К пересмотру гигиенической классификации условий труда по вредности и опасности факторов производственной среды, тяжести и напряженности трудового процесса //Сб. докладов и тезисов научно-практической конференции. - Зарафшан, 2002. – С. 34-35.
14. Ибрагимова Г.З., Шамансурова Х.Ш., Исандарова Г.Т и др. Прогнозирование профессионального риска для здоровья работников по показательям профессиональной заболеваемости и заболеваемости с временной утратой трудоспособности //Методические рекомендации – Ташкент, 2004. - 11 с.
15. Ибрагимова Г.З., Шамансурова Х.Ш., Исандарова Г.Т и др. Гигиеническое прогнозирование профессионального риска для здоровья работников в

- зависимости от класса условий труда по степени вредности и опасности (по обобщенному показателю класса условий труда) и обоснование производственной обусловленности заболеваемости с временной утратой трудоспособности //Методические рекомендации - Ташкент, 2004. – 16 с.
16. Измеров Н.Ф. Охрана здоровья рабочих и профилактики профессиональных заболеваний на современном этапе //Материалы IX Всероссийского съезда гигиенистов и санитарных врачей. - Москва, 2001. Т.2. – С. 25-31.
17. Ильхамов Ф.А., Разикова З.У., Махмудова Ш.Х. Значение и меры по совершенствованию медицинских осмотров в системе профилактики профессиональных и снижения общих заболеваний //Сборник тезисов к докладам. - Зарафшан, 2002. – С. 9-11.
18. Исакова М.Е. Вопросы теории и практики нормирования труда: на примере полиграфической промышленности: Дис.... док. экон. наук. - М.: МПИ, 1992. – 156 с.
19. Искандарова Г.Т., Юсупова В.К., Самигова Н.Р., Хаширбаева Д.М. и др. Физиологические методы изучения трудовых процессов //Методическая разработка. – Ташкент, 2010, - 44 с.
20. Искандаров Т.И., Искандарова Г.Т., Умаров Ф.А., Миргиязова М.Г., Юсупова В.К., Самигова Н.Р., Курбанова Ш.И., Хаширбоева Д.М., Юлбарисова Ф.А. Мехнат гигиенаси фанидан амалий машғулотлар учун ўқув кўлланма //Ўқув кўлланма. - Тошкент, 2009. - 243 б.
21. Искандарова Г.Т., Миргиязова М.Г., Юсупова В.К, Курбанова Ш.И., Юлбарисова Ф.А. Мехнат гигиенаси //Дарслик. - Тошкент, 2009. – 283 б.
22. Искандарова М.С. Структура профессиональной заболеваемости в Республике Узбекистан //Актуальные проблемы гигиены, токсикологии,

эпидемиологии, инфекционных заболеваний в Республике Узбекистан. Материалы VII съезда гигиенистов, санитарных врачей, эпидемиологов и инфекционистов. – Ташкент, 2000. – 52 с.

23. Каюмов У.К., Каримова С.К. Распространенность ИБС при различных сочетаниях факторов риска //Актуальные проблемы гигиены, токсикологии, эпидемиологии и инфекционных заболеваний в Республике Узбекистан. - Ташкент, 2000. – 60 с.
24. Мучкаев А.А., Волков В.А., Воробьева О.В. Проблемы нормирования и определения шумо- и виброзащиты условий труда //Сборник тезисов научно-практической конференции. - Зарафшан, 2002. – С. 53-54.
25. Панкова В.Б., Степанов С.А., Белякова Н.А. Клиническая апробация гигиенических критериев оценки условий труда //Гигиена и санитария. - 2000. - №2. – С. 26-28.
26. Парсегова Л.Г., Бони Н.З. К вопросу об аттестации рабочих мест //Сборник тезисов научно-практической конференции. – Зарафшан, 2002. – С. 58-59.
27. Спирин В.Ф., Новикова Т.А., Таранова В.М., Смирнов И.В. Аттестация рабочих мест как основа оздоровления условий труда и обеспечения гигиенической безопасности на производстве //Гигиеническая наука и практика на рубеже XXI века. Материалы IX Всероссийского съезда гигиенистов и санитарных врачей. - Москва, 2001. –Т.2. – С. 190-192.
28. Суворов Г. А., Афанасьева Р.Ф., Антонов А.Г. и другие. Прогнозирование теплового состояния человека при воздействии комплекса факторов //Медицина труда и промышленная экология. – 2000. - № 2. – С. 1-8.
29. Феофанов В.Н. Разработка продолжительности сокращенного рабочего времени на работах с неблагоприятными условиями труда //Сб. тезисов научно-практической конференции. - Зарафшан, 2002. - С. 68-69.

30. Brown T., Rushton L., Williams H. Intervention development in occupational research: an example from the printing industry //Occup Environ Med. – 2006. - Vol. 63(4). – P. 261-6.
31. Piltingsrud H.V., Zimmer A.T., Rourke A.B. The development of substitute inks and controls for reducing workplace concentrations of organic solvent vapors in a vinyl shower curtain printing plant //Appl Occup Environ Hyg. – 2003. - Vol. 18(8). - P. 597-619.
32. Raglan Eiwa S., Weistaw P., Deepak A. A comparison of noise induced disability assessments in the UK and Poland //Int. J. Occup. Med. and Environ. Health. -1999. -Vol. 12, №1. -P. 41-46.
33. Schäper M., Seeber A., van Thriel C. The effects of toluene plus noise on hearing thresholds: an evaluation based on repeated measurements in the German printing industry //Int J Occup Med Environ Health. – 2008. - Vol. 21, №3. – P. 191-200.
34. Ukai H., Ohashi F., Samoto H., Fukui Y., Okamoto S., Moriguchi J. Relation of average and highest solvent vapor concentrations in workplaces in small to medium enterprises and large enterprises //Ind Health. – 2006. - Vol. 44(2). – P. 267-73.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
I-Боб. Муаммоларнинг замонавий холати.....	7
1.1. Эски технологияли полиграфия ишлаб чиқариш корхоналаридағи меҳнат жараёнининг гигиеник ўзига хос хусусиятлари	7
1.2. Видеотерминал қурилмалар қўлланиладиган замонавий полиграфия корхоналарининг меҳнат шароитлари хусусиятлари.....	17
1.3. Ишлаб чиқариш муҳити омилларини биологик таъсирини ўрганилаётган соҳада тутган ўрни	21
II-Боб ЙИЛ ДАВЛАРИНИ ХИСОБГА ОЛГАН ХОЛДА ПОЛИГРАФИЯ КОРХОНАЛАРИДА ИШЛОВЧИЛАРНИНГ МЕХНАТ ШАРОИТИНИ ГИГИЕНИК ТАВСИФИ	30
2.1. Замонавий полиграфия корхоналари технологик жараёнлари тавсифи	30
2.2. Йилнинг илиқ ва совук даврларида ишлаб чиқаришнинг етакчи омилларига гигиеник тавсиф	33
III-Боб ПОЛИГРАФИЯГА ОИД КОРХОНАЛАРДА АСОСИЙ КАСБИЙ ГУРУХ ИШЧИЛАРИ ОРГАНИЗМИ ФУНКЦИОНАЛ ХОЛАТИНИНГ ФИЗИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ	50
3.1. Полиграфия корхоналари ишчиларининг профессиографик тавсифи ва иш жараёнининг хронометражи	50
3.2. Ишлаб чиқариш муҳитидаги заарли ва ҳавфли омиллар, ишчиларнинг меҳнат оғирлиги ва кескинлиги кўрсаткичлари бўйича меҳнат шароитини синфлариини аниқлаш	55
3.3. Полиграфия корхонаси ишловчилари организмининг функционал холатини иш куни динамикасида ўрганиш	61
3.4. Ишчиларда асаб –мушак ва харакат аппаратларининг	

функционал ҳолатини ўрганиш	71
IV-Боб ЗАМОНАВИЙ ПОЛИГРАФИЯ	
КОРХОНАЛАРИ ИШЧИЛАРИНИНГ САЛОМАТЛИК	78
ҲОЛАТИ	
4.1. Ишчиларнинг вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотилиши билан кузатиладиган касалланишини ўрганиш	78
4.2. Замонавий полиграфия корхоналаридаги ишловчилар саломатлигига касбий ҳавфни прогнозлаш	90
ХОТИМА	62
ХУЛОСАЛАР	102
АМАЛИЙ ТАВСИЯЛАР	104
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАРНИНГ РЎЙХАТИ	107

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ
САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ТИББИЕТ АКАДЕМИЯСИ**

**ИСКАНДАРОВА ГУЗАЛ ТУЛКИНОВНА
ЮЛБАРИСОВА ФОЗИЛЯ АБДУЖАЛИЛОВНА**

**ПОЛИГРАФИЯ КОРХОНАЛАРИДА МЕҲНАТ
ГИГИЕНА МАСАЛАЛАРИ ВА
СОҒЛОМЛАШТИРИШ ЧОРА
ТАДБИРЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ЙӮЛЛАРИ**

Босма рухсат этилди: 11.04.2022 йил
Бичими: 60x84 $\frac{1}{16}$. «Times New Roman»
гарнитурасида ракамли босма усулида чоп этилди.
Шартли босма табоғи: 7,5. Адади 100. Буюртма № 46.

“Fan va ta’lim poligraf” MChJ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шахри, Дўрмон йўли кўчаси, 24-уй.